



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРГОВ
СУДЬЯСИ ЛАВОЗИМИ
ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ!



2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТЕРГОВ СУДЬЯЛАРИ ИШ БОШЛАЙДИ

Судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида жорий йилнинг 10 июнь куни “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ Судьялар олий кенгашига Олий суд билан биргаликда 2025 йил 1 январига қадар тергов судьяси лавозими жорий этиладиган судларнинг юқори малакали ва масъулиятли кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси бўйича 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида иш бошлайдиган тергов судьялари жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масалалари — қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, ушлаб туриш муддатини 48 соатга қадар узайтириш ҳамда прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатмаларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади.

Бундан ташқари, тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб

чиқиш ваколоти ҳам юклатилмоқда. Бу орқали жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди судьялари ўртасида иш ҳажми мутаносиблиги таъминланади. Шунингдек, бу жиноят ишларини кўриш жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва холисона текшириб чиқиш, судланувчиларнинг барча важларини текшириш ва тарафлар томонидан келтирилган илтимосномаларни батафсил кўриб чиқишга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Эътиборли томони, Фармонда тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунishi ҳамда тергов судьясига одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, суд-ҳуқуқ тизимидаги бу муҳим ўзгартиришлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича судларнинг иш юкламасини камайитириш ҳамда судьяларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнларида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Дилмурод ДАВЛЕТОВ,
Қўнғирот туман
иқтисодий суди судьяси.



ТЕРГОВ СУДЬЯСИНИНГ ВАЗИФАСИ ҚАНДАЙ?

Президентимизнинг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا кўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида тергов судьялари иш бошлайди.

Албатта, бу ўринда “тергов судьяси” тушунчаси нимани англатади?, деган савол туғилади. Тергов судьяси – бу жиноят ишларини юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади. Бугунги кунда республикамызда 4000 га яқин адвокат фаолият юритишини ҳамда суднинг асосий вазифаси одил судлов фаолиятини олиб бориш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, судлардаги иш ҳажмининг юқорилиги сабабли, ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имконияти судларда мавжуд эмас.

Шунга кўра хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Бу йўл билан жиноят ишини судга қадар юритишда тарафлар фаолиятини тенглик ва тортишув асосида олиб бориш имконияти таъминланади ҳамда айблов тарафининг устунлик мавқеига барҳам берилиб, ҳимоя тарафининг процессуал мақомини оширишга имконият яратилади.

Тергов судьясининг ваколат доирасига тўхталадиган бўлсак тергов судьяси зиммасига ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш



жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчаси ўтказилади. Шунингдек, тергов судьясида адвокатлик сўровига мансабдор шахс томонидан рад жавобини олган ҳимоя тарафининг тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш ваколати ҳам бўлиши муҳим ўрин тутаети.

Юқоридагилар каби кўплаб ваколатларнинг иш юзасидан ҳолислик таъминланишига тўсқинлик қиладиган бошқа бир мустақил орган иш юритувига ўтказилиши натижасида судга қадар иш юритишда тарафлар тенглигининг таъминланишига, бу жараёнда тарафлар фаолияти устидан суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига ҳамда ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилишига, алаҳқибат, жиноят ишларининг шаффоф ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида олиб борилишига хизмат қиладети.

Халқаро тажрибага қарайдиган бўлсак, тергов судьяси институти бугунги кунда Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия ва Хорватия давлатларида яхши самара бермоқда. Бу институт, айниқса, Францияда ўз тарихий илдизига эга бўлиб, давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин тутаети ҳамда ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилишини таъминлайдиган ҳолис, мустақил институт намунаси сифатида намоён бўладети.



Валишер КАРАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди судьяси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илхом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Бехзод МЎМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1510

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 24.07.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табок.

Буюртма № 3. Адади 1990.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

6

“СУДЬЯЛАР ОДОБИ КОДЕКСИ”
АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ ВА ПОКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

7

СУДЬЯ ОДОБИ – ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛИ

КУН МАВЗУСИ

8

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ:
ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

10

НУҚТАИ НАЗАР

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИГА ЭКОЛОГИК
МЕЗОНЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

12

ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИДА
РАҚАМЛИ МЕЪЁРЛАР ИФОДАСИ

14

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

АХЛОҚҚА ЗИД ТУЗИЛГАН БИТИМНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ЖАРАЁН

16

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ
ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР

17

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИГА ДОИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ:
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

18

НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

20

ДОМЕН НОМИГА ВА ТОВАР БЕЛГИСИГА БЎЛГАН
МУТЛАҚ ҲУҚУҚНИНГЎЗАРО НИСБАТИ:
АҚШ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ
МАМЛАКАТЛАРИ ЁНДАШУВИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

23

ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ
ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ ТОМОННИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

24

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА
ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

МУҲИМ МАВЗУ

28

ТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТИНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ
КРИМИНАЛИСТИКА
ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

31

ГЛОБАЛЛАШУВ

ИНТЕРНЕТ АШЁЛАРГА НИСБАТАН
ХУСУСИЙ МУЛК МАҚОМИНИ
БЕЛГИЛАШ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

34

МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТДАГИ
КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ
ЖИҲАТЛАРИ

36

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН
ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИНГАН
ШАХСЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРАЛАРИ

МУЛОҲАЗА

38

СУД АМАЛИЁТИДА МАЪМУРИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИ АКС ЭТТИРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ:
НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
МИСОЛИДА

40

ИШ ЮРИТУВИНИ ИСТИСНО
ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР:
ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАР

ТАЛҚИН

42

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИЧКИ ИШОНЧ
ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИАТИ

44

ТАДҚИҚОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИГИДА
ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ
МУАММОЛАР

47

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
ХОЛИСЛАР ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ
МУАММОЛАРИ

48

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА ХУСУСИЙ
АЖРИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

50

ЕРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ
МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ
ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК
ИШЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

52

ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТ-
ЛАРИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДАГИ
АҲАМИЯТИ

55

ҲУҚУҚ ВА ТАРАҚҚИЁТ

ИНСОННИ БИОМЕХАНИК ЖИҲАТДАН
ЯХШИЛАШДА ТЕХНОЛОГИЯДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-
ҲУҚУҚИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

58

БЛАГОПРИЯТНЫЙ ИНВЕСТИЦИОННЫЙ
КЛИМАТ В УЗБЕКИСТАНЕ ВАЖНЫЙ
ФАКТОР РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

60

ТЕМА ДНЯ

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ И
ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА НА
УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС:
РЕАЛЬНОСТЬ И ПЕРСПЕКТИВА

НОВЫЙ ЭТАП

62

РАССМОТРЕНИЕ КОРПОРАТИВНЫХ
СПОРОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

“СУДЬЯЛАР ОДОБИ КОДЕКСИ” АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ ВА ПОКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Алишер Навоий бобомизнинг “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат қўргонини” бунёд эт”, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат қўргони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

Одил судловнинг мустақиллигини, бегаразлигини ва лаёқатлилигини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишда энг асосий ўрин тутадиган жиҳатдир. Албатта бунга ҳар бир судьянинг конституциявий нормаларга ва қонунларга, “Судьялар одоби кодекси” қоидаларига риоя қилиши, ўз фаолиятини адолат ва ҳолислик принципларига асослашиб амалга ошириши орқали эришилади.

Шу ўринда судьяларнинг фаолиятини тартибга солишга хизмат қиладиган янги таҳрирда қабул қилинган “Судьялар одоби кодекси” ҳақида гапирадиган бўлсак, судьяларнинг ушбу кодекс қоидаларига сўзсиз риоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳамда умуман суднинг нуфузини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Кодекс биз судьяларнинг касбий фаолиятимизда ёки хизматдан ташқари вақтда амал қилишимиз лозим бўлган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор қоидаларини белгилайди. Шу ўринда эътибор бериш лозимки, кодексдаги қоидалар Конституциямиз билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар, қонуний манфаатларининг чекланиши деб талқин этилмаслиги зарур. Кодекс билан тартибга солилмаган масалалар юзага келган тақдирда, судьялар жамиятда мавжуд бўлган одоб-ахлоқ меъёрларига, шунингдек судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига амал қиладилар.

Кодекснинг 5-моддаси бўйича фикрларимни билдирадиган бўлсам, унда судьяларнинг ҳолислиги ва бегаразлиги билан боғлиқ тушунчалар тўлиқ очиб берилган. Кенг жамоатчилиқнинг кўнглида шубҳа уйғотмаслиги учун жуда зарур нормалар киритилган, деб биламан. Яъни, батафсил айтадиган бўлсак, судья ўзининг хизмат хонасида, уйда ёки бошқа жойда иш бўйича тарафлардан бири билан алоҳида ҳолда учрашишига, суд мажлисидан ташқари пайтда тарафлардан кўшимча ҳужжатларни сўраб олишга, иш бўйича тарафлардан бирининг ёки уларнинг

яқин қариндошларининг тадбирларида тўй, маросим, туғилган кун ва шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этишига, умуман олганда, бошқа шахслар томонидан ўзига нисбатан атрофдаги шахсларда шубҳа уйғонишига сабаб бўладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар содир бўлишига имкон бермаслиги зарур. Судья суд мажлиси бошланишидан аввал тарафлар вакиллари бир вақтда суд мажлиси залига киритилишини ва суд мажлиси тугаганидан сўнг кузатиб қўйилишини таъминлаши лозим.

Агар судья бирор-бир жойда ёки тадбирда тарафлардан бири билан тўсатдан учрашиб қолса ёки бир стол атрофида ўтириб қолса, ушбу ҳолатни тўғрилаш бўйича барча зарур чораларни кўриши, агар бунинг имкони бўлмаса бу ҳақда суд раиси ёки малака ҳайъати раисини эртаси кундан кечиктирмасдан хабардор қилиши талаб этилади.

Судьяга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай таъсир, таҳдид ёки босим унинг мустақиллигига ва адолатли одил судловга хавф туғдиради. Шу боис, мазкур ҳолатларда судьянинг хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифалардан саналади. Судьялар хавфсизлиги деганда уларнинг одил судловни фақат қонунга ва қалб амрига мувофиқ амалга оширишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, шу жумладан ҳар қандай шаклдаги аралашув, таҳдид ва босимлардан давлат томонидан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади.

Мавлудахон УММАТОВА,

Фарвона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси.

СУДЬЯ ОДОБИ – ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛИ

Шарқ халқларида маънавият тушунчаси илм, хулқу одоб билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Чунки маънавиятли одамнинг қалби, фикри ва нияти тоза бўлади. Одоб-ахлоқ, маънавият инсоннинг йўлини ёритади ва мақсад мазмунини чуқурлаштиради. Шундай экан яқинда бир қатор тузатишлар киритилган “Судьялар одоби кодекси” ҳам судьяларнинг йўлини ёритиб, мақсад мазмунини чуқурлаштиради, десак асло муболага бўлмайди.

Хусусан, кодекснинг 2-моддасида судьянинг хулқ-атвориغا доир умумий талаблар қуйидагича баён этилган:

судья одоб ва ахлоқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилиши, ҳар қандай вазиятда ҳақиқатпарвар бўлиши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрў-этиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Юқоридаги нормада судья одоб-ахлоқнинг энг муҳим жиҳатлари ўзининг аксини кўрсатади. Дарҳақиқат судья ҳақиқатпарвар бўлиши учун унинг одоб-ахлоқи юксаклиги талаб этилади.

Судьялик лаёқати номли 7-моддада муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган. Аввало, лаёқатлилиқ тушунчасига тўхталадиган бўлсак, лаёқатлилиқ – бу касбий тайёрлаш жараёнида субъектни шакллантириш фаолияти бўлиб, у ўзида билим, кўникма, лаёқат ва шахсий фазилатларини тизимли намоен этиш ҳисобланади.

Ўз ўрнида судлар одил судловни амалга оширишда ва қарорлар қабул қилишда у ёки бу даражада ҳар қандай соҳадаги фуқаролар ва юридик шахсларнинг фаолиятига таъсир кўрсатишлари мумкин. Шунинг учун ҳам судья томонидан қабул қилинадиган қарор қонуний, адолатли ва асослангандиган бўлиши талаб этилади. Ўз навбатида судья вазифаларини лозим даражада бажариши учун малакаси ва касбий билимларини мунтазам ошириб бориши, амалий кўникмаларини ва шахсий фазилатларини такомиллаштириб бориши шарт.

Судьянинг лаёқатсизлиги сабабли фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш даражасидан қаноатланмаганлиги низони ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар орқали ҳал қилишга шароит яратади. Бу эса жамиятда зиддиятларни вужудга келтиради ва ҳуқуқий давлат қуришга тўсқинлик қилади.

Қайд этиш керакки, ҳуқуқ соҳасидаги судьянинг малакаси талабга жавоб беришини баҳолашда унинг тавсифи ва мезонлари қонунда аниқланмаган.

**Сизлар одамларни
мол-дунёларингиз билан
мамнун қила олмайсизлар,
балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз
билан миннатдор қилишларингиз
мумкин.**

Ҳадис

Шу сабабли, судьянинг тайёргарлиги даражаси, ҳуқуқий малакаси унинг фаолиятининг натижаси, яъни одил судлов ва суд қарорларининг сифати бевосита жамиятнинг одил судловга ишончини ошириши билан боғлиқлигини инобатга олиш керак. Бироқ, битта қоида бор унинг малакаси “юқори” бўлиши, яъни суд процесси иштирокчилари ва улар вакилларининг тайёргарлигидан юқори даражада бўлиши лозим.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, суд тизими вакиллари ушбу “Судьялар одоби кодекси”-ни ҳам ўқиб, ҳам уқиб бутун фаолиятлари давомида амал қилсалар ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлди. Чунки, одоб-ахлоқ жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси-дир. Шуни унутмаслигимиз керак-ки, маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Учқун РЎЗИЕВ,

Бухоро вилоят судининг раиси.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиниши, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Конституция, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, стратегия, ариза, шикоят ва таклиф, қабулхоналар, кўриб чиқиш муддатлари, жавоб бериш мажбурияти.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари орқали бутун аҳолимизга қилган Мурожаатномасида “...**халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди**” деб алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида энг асосий устувор вазифа – “**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш бошланиши жисмоний ва юридик шахсларнинг **муурожаатлари билан ишлашда ҳам янги босқични** бошлаб берди.

2017 йилдан бошлаб – халқ билан мулоқот, инсонларни рози қилиш давлат фаолиятининг асосий мақсади этиб белгиланди, мурожаатлар билан ишлаш тизими ислоҳ қилиниб, янги институт ва механизмлар, ёндашувлар ва замонавий технологиялар жорий қилинди, бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилди, виртуал қабулхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Халқ қабулхоналари ташкил этилди, шахсий, оммавий ва сайёр қабуллар ҳаётий воқеликка айланди, мурожаатлар билан ишлаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “**2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**” да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

Дастурга мувофиқ, “**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**”ги қонуннинг амал қилиши доираси аниқлаштирилиб, “электрон мурожаат”, “такрорий мурожаат”, “аноним мурожаат”, “видеоконференцалоқа”, “муурожаатнинг дубликати”, “давлат иштирокидаги ташкилот” каби тушунчалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва маж-

буриятлари белгиланган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида**”ги 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу Низом билан давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлари билан ишлашда аризаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш муддатлари, жавоб бериш шакллари каби масалалар аниқ очиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 23 июлда ўтказилган кенгайтирилган “**Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги видеосектор йиғилиши ўтказилиб, давлат органлари, ташкилотлар, маҳаллий хокимликларга жиддий топшириқлар берилди. Шундай топшириқларда, ҳар бир давлат органлари ва ташкилотларида ҳар ҳафтада камида бир маротаба мурожаатлар билан ишлаш масаласи муҳокама қилиниши белгиланди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаатларида кўтарилган муаммолари ўз ечимларини топмоқда, масалалари ҳал этилмоқда, мурожаатларнинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Биргина 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган таҳлилларга кўра, республика ва маҳаллий ижро этиш органларида жами 666,7 мингта мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга камайганлиги кузатилган.

Республика ва маҳаллий ижро этиш органларида мурожаатларни кўриб чиқиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганликлари учун 844 нафар масъул шахсларга нисбатан, интизомий ва маъмурий чоралар кўрилган.

Келиб тушган мурожаатларнинг 22 фоизи Тошкент шаҳри, 13 фоизи Тошкент вилояти, 10 фоизи Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келганлиги сабабли, айнан мазкур вилоят раҳбарларининг аҳоли мурожаатларига бўлган эътиборларини жиддий қайта кўриб чиқишлари таъкидланган.

Агар, келиб тушган мурожаатларни ҳал этиш масаласини таҳлил қилсак, пенсия жамғармаси томонидан – 0,8 фоиз, ихтисослашган таълим муассасаси агентлигида – 10,4 фоиз, Энергетика вазирлигида эса – 14,4 фоиз ҳал этилган ҳолос.

Шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноати қўмитаси, Маданий мерос агентлиги, Ихтисослашган таълим муассасалари агентлиги ва Фармацевтика агентликларида раҳбарларнинг сайёр қабуллари ўтказилмаганлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ўтказилган сайёр қабуллар юзаки ўтказилганлиги аниқланган.

Мурожаатлар тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлиги натижасида жами 1 392 та такрорий мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, **2024 йилнинг I чорагида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари**га жисмоний ва юридик шахслардан **жами 325,8 мингта** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10 фоизга камайган**.

Шу билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари ва давлат муассасалари раҳбарлари фаолиятдан, айниқса улар томонидан ўз вақтида қабул қилинмаётганлиги ва мурожаатлари ҳар доим ҳам қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилмаётганлигидан шикоят қилиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” Стратегияси да жойлардаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилиши бўйича мурожаатларнинг камида **80 фоизи** маҳаллий даражада қаноатлантирилишини таъминлаш, барча даражалардаги давлат органлари ва давлат муассасалари такрорий мурожаатлар улушини камида **2 баробар** қисқартириш, электрон ва мобиль илова орқали мурожаат қилиш имкониятини яратиш ҳамда ҳудудларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни **маҳалланинг ўзида ҳал қиладиган** халқчил тизим яратиш масалалари қўйилган бир даврда давлат органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг юқоридаги камчиликларга йўл қўйиши мурожаатлар билан ишлашдаги давлат сиёсатини тўғри тушунмаганликларини англатади.

Мазкур устивор вазифаларнинг белгиланиши давлат органлари ва давлат муассасаларида мурожаатлар асосида муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш, мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини таҳлил қилиш ва келгусида хато-камчиликларга йўл қўйилмаслик чораларини кўришлари шарт.

Жойларда шахсий ва сайёр қабулларни тасдиқланган жадваллар асосида ўтказиб, аҳоли

билан самарали мулоқот ташкил этиш ва бунда биринчи навбатда аҳоли томонидан кўтарилган ҳудудий ва соҳавий муаммоли масалаларни қонуний ҳал этиш бўйича барча амалий чораларни кўришлари зарур.

Давлат органлари ва давлат муассасалари, ҳудудий ҳамда тизим ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича фаолияти мунтазам таҳлил ва назорат қилиб бориш, тасдиқланган режа асосида мақсадли ўрганишлар ўтказиш ва мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўришлари лозим бўлади.

Барча даражадаги давлат органлари ва давлат муассасалари, мурожаатларни қонун талабларига амал қилинган ҳолда кўриб чиқишига, жойлардаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилишига, мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини таҳлил қилиш ва келгусида йўл қўйилмаслигига талабчанлик кучайтирилиши керак.

Шунингдек, юқорида қайд этилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғриси”ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 341-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мурожаатлар билан ишлашда жиддий хатоликларга йўл қўйган **масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда келиб тушган **мурожаатларга бериладиган жавоб хатларининг намуналарини кўрсатиб бериш** ҳақидаги қўшимчаларни киритиш лозим.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари, ташкилотлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахслари мамлакатимизда олиб борилаётган **“Халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг самарадорлигини ошириш”, “Инсон қадрини улуғлашда – Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши, эканлигини тўлиқ англаган ҳолда ишларини жиддий ташкил этишлари** лозимдир.

Шароф ГАЛТЕМИРОВ,

Вазирлар Маҳкамаси бўлим бошлиғи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.norma.uz/ru/muhim_voqealar/uzbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi
2. <https://lex.uz/docs/3107036#3109146> “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури
3. <https://lex.uz/docs/3730228> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори
4. <https://lex.uz/uz/docs/6600404?otherlang=4>

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИГА ЭКОЛОГИК МЕЗОНЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Президентимизнинг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан барқарор мезонлар асосида харидлар бўйича қарорларни асослаш учун “яшил” давлат харидларини жорий этиш назарда тутилган.

Давлат харидларини тартибга солишга қаратилган халқаро тажриба таҳлил қилинганда “Глобал тенденция ... иқтисодий самарадорликни баҳолашдан бутун ҳаёт цикли давомида режалаштирилган харажатлар билан боғлиқ кенг қамровли самарани баҳолашга ўтиш, инновацион ва яшил технологияларни жорий этишни тақозо этади”. Кўпгина давлатларда “яшил” давлат харидларини ривожлантириш учун махсус дастурлар шакллантирилмоқда, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган технологияларни жорий этишга қаратилган талабларни кучайтириш ва экологик жиҳатдан сертификатта эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқишга йўналтирилмоқда.

Бироқ, Ўзбекистонда давлатнинг “яшил харидлар” товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган масалалар етарлича илмий тадқиқ қилиб ўрганилмаган.

Бугунги кунда кўпгина давлатларда давлат эҳтиёжлари учун экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларга оид муносабатлар такомиллаштирилди. Жумладан, Австрия, Германия, Дания, Финляндия, Голландия, Швеция ва Буюк Британия 1995 йилда ўзларини экологик хавфсиз харидлар тамоилларидан фаол фойдаланувчи давлат сифатида эълон қилган. Харидлар соҳасига атроф-табиий муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган тизим ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

2002 йида ИХРТга аъзо давлатлар томонидан “Давлат харидлари-га экологик мезонларни жорий этиш бўйича Тавсиялар” ишлаб чиқилди. Европа Кенгашига аъзо давлатлар томонидан қонунчиликка ушбу тавсиялар имплементация қилинди. Хитойда “яшил” харидларнинг улуши ортиши натижасида давлат харажатларини умумий ҳажми ортди. Швейцарияда танлов иштирокчиларига кучайтирилган экологик талаблар қўйилган.

“Яшил” давлат харидларини жорий этиш соҳасида Корея Республикаси етакчи давлат ҳисобланади. 1994 йилда табиатни муҳофаза қилишга оид технологияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид қонунчилиги асосан давлат буюртмачиларига биринчи навбатда миллий экомаркаланган (Korea Eco-label) маҳсулотларни сотиб олиш тавсия этилган. Яшил давлат харидларини ривожлантиришга қаратилган беш йиллик режа-дастурга кўра 2020 йилда давлат харидларининг 60% белгиланган бўлса, маҳаллий дастурлар бўйича Сеулда бу кўрсаткич 90%ни ташкил этди.

Японияда “Яшил давлат харидлари тўғрисида”ги қонун (2000 йил) айнан экологик тоза маҳсулотларни рағбатлантиришга қаратилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда давлат харидлари ижрочиларини танлашда иқтисодий фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири баҳолаш мезонида мавжуд эмас.

Президентимизнинг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарорига асосан барқарор мезонлар асосида харидлар бўйича қарорларни асослаш учун “яшил” давлат харидларини жорий этиш назарда тутилди.

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида давлат харидлари-

ни амалга оширишда экологик стандартларни қўллашни кенгайтириш назарда тутилган эди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш белгиланган.

Назаримизда, қонунчиликда “яшил” давлат харидлари соҳасида эришилган қонунчиликдаги институтларни таҳлил қилган ҳолда экологик мезонларни илмий адабиётларда ҳам асослантириш зарур. Яъни, “яшил” давлат харидларининг тушунчасини яратиш лозим.

Ҳозирги кунда олимлар томонидан “яшил харидлар” тушунчаси илмий тадқиқ қилиб ўрганилмоқда. Чунки, кейинги пайтларда мазмунан яқин атамалар шиддат билан кўпайиб бормоқда, жумладан “экологик”, “барқарор”, “яшил” харидлар. Бироқ, ушбу тушунчалар илмий таҳлил этилганда улар атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатишга қаратилган бир хил мазмун касб этиши ҳақида хулосага келинган.

Барқарор харидлар – ундан фойдаланиш даврида экологик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатувчи товарларни (ишлар, хизматлар) олишга қаратилган фаолият.

“Яшил харидлар” бу — давлат органлари томонидан фойдаланиш даврида атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган товарни (иш, хизмат) харид қилишга интилишидир.

Бундан ташқари, Е.Д.Казакованинг таъкидлашича, “экологик тоза маҳсулот” буюртмачиларнинг макроиқтисодиётда экологик ва ижтимоий кўрсаткичларга эришиш мақсадида бозор инструментларидан оқилона фойдаланишидир.

Экологик тоза маҳсулотнинг илмий синоними органик маҳсулот, деб аталади. Органик маҳсулотлар дейилганда органик сўзи “чекланган” маъносини англатиб, қўшимча минерал ўғитларсиз, захарли кимёвий ва бошқа техноген таъсирларсиз маҳсулот етиштириш ёки табиий тоза хомашёлардан олинган, замонавий технологиялар асосида етиштирилган маҳсулотлардир.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Европа мамлакатларида экологик тоза маҳсулотларга йиллик талабнинг ўсиши Германияда 5–15 фоиз, Дания, Швеция ва Швейцария давлатларида 30–40 фоизга ортган.

Экологик тоза маҳсулот етиштириладиган ерларда аввало 3 йил давомида тозалаш тадбирлари ўтказилиши талаб этилади. Шундан сўнггина ер текширилиб, органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш учун сертификат берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 32-моддасига кўра, давлат харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга кўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг тақлифла-

рини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.

Бироқ, қонунчиликда “экологик мақбуллик” атамасининг аниқ мезонлари кўзда тутилмаган. Назаримизда, харид қилинадиган маҳсулотнинг экологик талабларига қатъий мезон белгилаш керак. Шундагина буюртмачилар мажбурий тартибда ушбу мезонларга риоя қилади.

Умуман олганда, халқаро норматив ҳужжатлар ва илмий тадқиқотлар давлат харидларини амалга оширишда атроф-табиий муҳитга таъсирини камайитиришга қаратилган тушунчалар (яшил харидлар, экологик харидлар) шакланган. Бироқ, “барқарор давлат харидлари” (sustainable public procurement) кўпроқ қўлланилган. UNEP маълумотларига кўра, 2021 йилнинг бошида 237 давлатдан 40 тасида барқарор давлат харидлари ва уларни янада “яшил” қилишга қаратилган стратегик режалар бўйича ҳисоботлар мониторинги юритилади.

Барқарор давлат харидлари экологик, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини қамраб олиши билан тавсифланади. Давлат харидларининг барқарорлиги мезонларини қиёсий таҳлил қилинганда, харид қилинадиган маҳсулотга нисбатан ўхшаш талаблар белгиланган бўлса-да, бироқ устувор мезонлар фарқ қилади.

Хусусан, маҳсулот етказиб берувчиларни танлашда иқтисодий мезонлар сифатида: бюджет маблағларини тежаш, харид қилинадиган маҳсулотнинг харажатлари камлиги, харидларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ҳ.к.

Экологик жиҳатлари қуйидаги талабларни ўз ичига қамраб олади: энергия жиҳатдан самарадорлик, ҳаво, сувга зарарли ташланмаларни қисқартириш (жумладан, метан, суюлтирилган углеводород газ); маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сув, хавфли материалларга талабларни белгилаш.

Ижтимоий мезонлар ўз ичига аҳолининг бандлиги, кичик бизнес субъектларининг ривожлантирилганлиги, ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Қайд этиш керакки, экологик давлат харидларини миллий тизимга жорий этиш учун ягона усул мавжуд эмас, бунга ахборот, ҳуқуқий, молиявий сингари кенг қамровли ёндашиш зарур. Турли хил мамлакатларнинг экологик давлат харидларига оид қонунчилиги таҳлил қилинганда Буюк Британияда Барқарор ривожланиш дастурида экологик жиҳатлар тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳалар (қурилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа, озиқ-овқат маҳсулотлари) назарда тутилди. Бразилияда Perera, Chowdhury, Goswami, 2007 халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида экологик хавфсизликка риоя қилиш талабини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўйишган.

Хитой қонунчилигида буюртмачилар маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятига ресурсларни тежаган (энергия сарфи, сув ва ҳ.к.) ҳолда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги талаби қўйилади.

Яшил давлат харидларини норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали барқарор тараққиёт тамойилларини амалга оширишга эришиш мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, давлат харидлари тўғрисидаги шартномага экологик мезонларни босқичма-босқич имплементация қилиш керак. Дастлаб экологик талаблар товарнинг номида, харид предметининг тавсифида баён этилиши зарур.

Бундан ташқари, буюртмачи товарнинг (иш, хизмат) тавсифида шартномага техник ҳужжатларда экологик талабларни бажарилишини

назарда тутилишини белгилаши мумкин. Бундай тавсиф уларни миқдор жиҳатдан ўлчамда белгиланиши мумкин.

Танловда ғолибни аниқлашда яшил харидлар тамойилини қўллаша бўлади. Жумладан, ғолибни экология соҳасида жиноят содир этмаганлиги мезон сифатида инобатга олинади. Бундан ташқари, ғолибни танлашда товарни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда энг паст баҳо таклиф этиш талаби мавжуд. Бироқ, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетади. Яшил давлат харидларида нафақат харид баҳоси, балки маҳсулотдан фойдаланиш, уни йўқ қилиш жараёнидаги харажатлар ҳам инобатга олинади.

Бундан ташқари, экологик талаблар шартномани ижро этиш жараёнида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома томонлари учун мажбурий бўлган шартларни назарда тутиши керак. У эса харажатларни тежашга қаратилган бўлиши, экологик таъсир-оқибатлари кам бўлиши керак (харажатларни утилизация қилиш, ундан фойдаланиш).

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда илмий тадқиқотларни ўтказиб, давлат харидларини амалга оширишда экологик талабларга жавоб берадиган товар, иш ва хизматларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этади:

- давлат буюртмачиларига экологик талабларга жавоб берадиган харидларни амалга оширишни тавсия этиш;
- “яшил” маҳсулотларни харид қилинишини рағбатлантириш;
- “яшил” харидлар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ахборот тизимини яратиш;
- “яшил” давлат харидлари иштирокчиларини экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни учун дастлабки босқичда рад этиш тартибини жорий этиш;
- давлат харидлари тўғрисидаги қонунга “экологик давлат харидлари” тушунчасини киритиш;
- буюртмага шартномани техник шартлари ва тавсифида экологик талабларни қўйиш мажбуриятини назарда тутиш;
- экологик товар белгиларидан (эколайб) фойдаланишни мажбурий талаб сифатида белгилаш;
- маҳсулот етказиб берувчиларга экологик мажбуриятлар бажарилганлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини назарда тутиш.

Маликахон ҚАЛАНДРОВА,
Судьялар олий кенгаши судьяси,
ю.ф.н., доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гончаров Д. Ю. Законодательное обеспечение преимуществ товаров, работам, услугам, отвечающим экологическим требованиям, при размещении заказов: международный и российский опыт // Журнал Правопорядок: история, теория, практика, 2021, ст.26-30
2. Доклад Программы ООН по окружающей среде. 2019 // One Planet : [сайт]. URL: https://www.oneplanetnetwork.org/sites/default/files/green_public_procurement_in_the_republic_of_korea-a_decade_of_progress_and_lessons_learned.pdf.
3. Закон о контрактной системе в сфере госзакупок: проблемы правоприменения и пути совершенствования / Аналитический вестник. 2021. № 18 (778). URL: <http://council.gov.ru/media/files/>
4. Кузнецова Е.М., Шадрин Е.В., Конттури К., Ланкинъями С., Юлириси Х. (2021). Руководство по включению экологических критериев в государственные закупки. Критерии химической безопасности. СПб: Редакционно-издательский центр ГУАП. С.16.
5. Официальный сайт Агентства США по защите окружающей среды. (<https://www.epa.gov/greenerproducts>). Официальный сайт “Зеленые госзакупки” Европейской комиссии. (https://ec.europa.eu/environment/gpp/index_en.htm), Goals to Change Our World. (<https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>).
6. Чиновников пересадят на электромобили // Парламентская газета. 2018. 14 марта. URL: <https://www.pnp.ru/social/chinovnikov-peresadyat-na-elektromobili.html>. (дата обращения: 14.09.2021).

ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИДА РАҚАМЛИ МЕЪЁРЛАР ИФОДАСИ

Тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда у билан боғлиқ қонун ҳужжатларини кодификациялаштиришнинг ўрни беқиёс. Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва рақамли унификация қилишнинг ҳуқуқий-технологик омилини қўйидаги асосларга кўра тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, рақамли реаллик шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг динамик ва тадрижий ривожланиш тусига эга эканлиги ҳамда ундан рақамли бизнес ҳамжамиятнинг манфаатдорлиги; иккинчидан, рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солишда тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчиликни кодификациялаштириш устувор йўналиш касб этиши айниқса, замонавий норма ижодкорлигининг тамомила янги ҳуқуқий-технологик ечимларини ўзида мужасамлаштириши; учинчидан, давлатнинг тараққиёт стратегик аҳамиятга молик ҳуқуқий-ахборот технологик сиёсатида рақамли тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ғоятда муҳим ўрин тутиши; тўртинчидан, тараққиётнинг янги босқичларида тадбиркорлик қонунчилиги рақамли мониторинги таҳлиллари асосида зиддиятли ва коррупциявий нормаларнинг олдини олиш, нафақат аъъанавий тадбиркорликка, балки рақамли платформаларда бундай мақомга эга бўлган субъектларга ҳуқуқий жиҳатдан кенг эркинлик беришни такомиллаштиришга объектив эҳтиёжнинг мавжудлиги; бешинчидан, рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик фаолиятини халқаро ва минтақавий стандартлар, энг яхши хорижий қонунчилик тажрибаси ва рақамли технологияларнинг миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги замонавий диалектик ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб ақлли тартибга солишга доир мутаносиб нормаларни белгилаш талаб этилади ва ҳ.к.

Рақамли тадбиркорлик бугун реал тус олганлиги аён. Маълумки, тадбиркорлик фаолиятида рақамли активлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг доираси тобора кенгаймоқда. Миллий ҳуқуқий тизимда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, бошқача айтганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими нафақат аъъанавий, балки рақамли майдондаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий база сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Мамлакатимизда хорижда машҳур бўлган one in – two out “иккитадан бир” тамойилига асосланган Тадбиркорлик кодекси илк маротаба ишлаб чиқилмоқда. Мазкур тамойилга кўра, тадбиркорларга янги талаб киритилаётганда иккита эскисини бекор қилиш кераклиги назарда тутилади.

Бугунги кунда Тадбиркорлик кодекси билан яхлит 9 та амалдаги қонун, 2 та янги қонун лойиҳалари ва 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари бирлаштирилиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдан бошлаб уни тугатишгача бўлган барча жараёнларни тартибга солиш кўзда тутилмоқда ва у мутахассислар томонидан ўз маромига етказилмоқда. Мазкур кодекс лойиҳасида илғор хорижий давлатлар тажрибасига асосан тадбиркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилмоқда; тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари базаси ихчамлаштирилиб, тадбиркорлар ичида оммабоп бўлмаган “ҳўжалик ширкати” ташкилий-ҳуқуқий шакли бекор қилинмоқда; яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турлари белгиланиб уларга қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда; тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари ҳамда тартибга солиш шакллари белгиланмоқда.

Цивилистик доктрина нуқтаи назаридан рақамли тадбиркорлик ҳуқуқлари субъектив фуқаролик ҳуқуқлари тоифасига киради ва рақамли объектларнинг ҳуқуқий табиати ва уни қўллаш (фойдаланиш) жараёнида юзага келадиган мулк ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятига қараб корпоратив, мажбурият, интеллектуал ва бошқа фуқаролик ҳуқуқлари сифатида таснифланиши мумкин. Рақамли ҳуқуқлар объектлари рақамли кодлар ва ёзувлар кўринишидаги рақамли технологиялар (шу жумладан, компьютер дастурлари) дан фойдаланиш натижасида яратилган номоддий объектлар, қонун томонидан бундай объектлар сифатида ёки рақамли тадбиркорлик ҳуқуқлар субъектларининг келишувлари асосида тан олинган ҳимоя қилинадиган объектлардан иборат бўлиши мумкин.

Рақамли бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ва уни ривожлантириш учун энг муҳим тизимли ташкилий ва норма ижодкорлик фаолиятига оид муаммоларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Хусусан;

кўплаб тадбиркорлик субъектларининг рақамли иқтисодиётга ўтишга тайёр эмаслиги ва улар фаолиятини ҳуқуқий ташкил қилишнинг самарадорлик даражаси талабга жавоб бермаслиги;

тадбиркорлик субъектларининг рақамлаштириш бўйича белгиланган устувор стратегик мақсад ва вазифаларининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳиятини тўлиқ тушунмаётганлиги ва амалиётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий-технологик ечими тўлиқ ҳал этилмаганлиги ҳамда бу борада билим ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги;

амалда шакланган бизнес моделларнинг замонавий рақамли технологиялари билан етарли уйғунлашмаганлиги, рақамли дастурий таъминот услубларини ҳуқуқий ва технологик баҳолаш ва уни ўзлаштириб олишга айрим бизнес субъектларининг тайёр эмаслиги;

бизнесга рақамли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги ва ҳуқуқий таъминланмаганлиги;

замонавий шароитларда рақамли технологик талабларга жавоб берадиган бизнес стартап мақомининг қонунчиликда махсус назарда тутилмаганлиги, аъъанавий бизнес субъектларининг янги ва глобал рақамли моделга трансформациялашувида муайян қийинчиликка дуч келинаётганлигини;

рақамли тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий стратегиясининг узоқ муддатли истиқболларини белгилайдиган устувор ва кодификациялашган норматив-ҳуқуқий база шакланмаганлиги айниқса, Индустрия 4.0 сунъий интеллект, технологик контентни рақамли бизнес соҳасига жорий этишнинг йўл харитаси ишлаб чиқилмаганлиги, “аъъанавий ишлаб чиқаришдан” “технологик автоматлаштиришга асосланган рақамли бизнес компанияга” ўтишнинг комплекс даврий Концепцияси яратилмаганлиги, рақамли маҳсулот (ишлар, хизматлар) рақамли бозорини лойиҳалаштириш “товар-рақамли технология – мижоз” яхлит заنجирининг мавжуд эмаслиги, уни истиқболли ҳуқуқий режимини белгилайдиган тизимлашган ва унификациялашган мазмундаги норматив ҳуқуқий база масалан, рақамли актив, сунъий интеллект, рақамли платформа ва онлайн-реклама ва бошқа рақамли технологик институтларнинг ҳуқуқий режими замонавий талабларга жавоб бермаслиги шулар жумласидандир.

Халқаро, хорижий ва миллий қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг рақамли трансформациялашувга оид меъёрларини Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида ифодалаш мақсадида кўйидаги хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш деганда рақамли трансформация шароитида тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш, ҳимояланган рақамли ахборот технологик тизимида манфаатли бизнесни юритиш асосида фойда олишга қаратилган бизнес модели, маҳсулот (шу жумладан, рақамли маҳсулот) ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва рақамли маҳсулотлар реализация қилиш, хизматлар кўрсатиш ва бу ҳақда электрон тижоратда шартномалар (шу жумладан смарт шартномалар) тузиш ва уни бажаришни таъминлашнинг рақамли-технологик тартиб-таомиллари, қонунчиликда белгиланган тартибда рақамли ҳуқуқларни амалга ошириш, тасарруф этиш, шу жумладан уни ўзгага ўтказиш, гаровга қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Иккинчидан, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида унда фойдаланиладиган асосий тушунчаларнинг таърифини бериш мақсадга мувофиқ. Айниқса, рақамли тадбиркорлик фаолиятининг тобора ривожланаётганлиги унинг асосий тушунчасини қонунчиликда аниқ белгилашни тақозо этади. Гарчи Тадбиркорлик кодекси лойиҳасининг 27-боби тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга бағишланган бўлсада, бироқ рақамли тадбиркорлик оид меъёрлар замонавий талаб даражасида етарли ифода этилмаган. Шу боис, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишга оид махсус бобда тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишга оид меъёрларни белгилаш лозим.

Учинчидан, мазкур Кодекс лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг рақамли яхлит интеграциялаштирилган реестрини, тадбиркорлик субъектларининг рақамли реестрини (бизнес ҳамкорлари реестри – давлат органлари ва ташкилотларини ахборотлаштириш объектлари билан интеграциялашган яхлит тизимли ахборот тизими) белгиловчи тегишли нормаларни тизимлаштириш ва бир хиллаштириш зарур. Бу ўз ичига қонун билан қўриқланадиган тижорат сирини ташкил этмайдиган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни, инсофсиз ва адолатсиз рақобатга йўл қўйган тадбиркорлик субъектларининг қора рўйхати, тадбиркорлик субъектларининг электрон рейтинг кўрсаткичлари ва бошқа ахборотларни ўз ичига олиши лозим. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятида рақамли технологияларга нисбатан экспериментал ҳуқуқни қўллашга оид махсус режимлар зарур. Бу ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятида нафақат рақамли технологияларни оқилона татбиқ этишни балки унинг экспериментал – ҳуқуқий режимини аниқлаш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги давлат рақамли технологиялар сиёсати билан боғлиқ тизимни шакллантирувчи ва ягона унификациялашган ва тизимлашган нормалар ўз аксини топиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш рақамли инновацион грантлар тақдим этишнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ. Хусусан, бизнес-инкубацияни ривожлантириш, рақамли трансформация бўйича давлат сиёсати ва саноат Индустрия 4.0 ни жорий этишга кўмаклашиш учун рақамли хизматлар кўрсатиш; рақамли ва ахборот воситалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасида рақамли технологияларни қўллаш асослари ақлли бизнес шартнома (смарт бизнес контракт), рақамли транзакциялар, сунъий бизнес интеллект, тақсимланган реестр технологияси (блокчейн), рақамли активлар шу жумладан, рақамли мулк турлари рақамли тадбиркорлик ҳуқуқлари ва рақамли фуқаролик айланмасини тартибга солиш, уларнинг таснифи, рақамли тадбиркорлик ҳуқуқларни ҳимоя

қилишнинг усулларини аниқлаш, рақамли мулк айланмасини гаровга қўйиш, (рақамли платформадаги тадбиркорлик субъекти-корхона) IT компанияларнинг ҳуқуқий мақомини назарда тутиш; рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг Европа комиссияси томонидан баҳоланадиган I-DESI индекси базаси талабларини тадбиркорлик қонунчилигини кодификациялаштиришда инобатга олиш лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24- моддасини кўйидаги тахрирда баён этиш тақлиф этилади:

24-модда. Фуқаронинг тадбиркор сифатида рақамли реестрида рўйхатидан ўтказилган жойлашган ери ёки рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган фаолияти.

Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рақамли реестрида рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб унинг жойлашган ерида ёки рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда бундай фаолият билан шугулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан унинг жойлашган ерида ёки рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонунчиликдан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб аниқлашмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини унинг жойлашган ерида ёки рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда амалга ошираётган фуқаро тузган электрон битимлар ёки ақлли-шартномалар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини унинг жойлашган ерида ёки рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, фуқароларнинг рақамли платформалардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга нисбатан ушбу Кодекснинг нормалари татбиқ этилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик қонунчилиги рақамли трансформациялашувининг объектив ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳуқуқий тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши давлатимиз тараққиётининг стратегик ислохотларни ҳуқуқий таъминлашнинг ғоятда муҳим омили ва қафолати бўлиб ҳисобланади.

Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ,

юридик фанлар доктори, профессор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Digital Business — 50 примеров Цифрового Бизнеса | Бизнес-информатика ЭУ-459// <https://is59-2015.susu.ru/blog/2015/12/01/digital-business-50-primerov-tsifrovogo-biznesa/>
2. Абдураимова Н. Тадбиркорлик кодекси – тадбиркорликка оид тизимли ҳуқуқий меъёрлар тўплами <https://kknews.uz/uz/125146.html>
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
4. <https://am.sputniknews.ru/20240321/ga-oon-prinyala-rezolyutsiyu-o-regulirovaniy-iskusstvennogo-intellekta-73673947.html>
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 6 октябрь.
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2023 й., 07/23/162/0295-сон; 03.08.2023 й., 07/23/257/0552-сон; 08.09.2023 й., 07/23/296/0687-сон; 01.11.2023 й., 07/23/353/0819-сон; 11.11.2023 й., 06/23/193/0844-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон; 02.02.2024 й., 07/24/51/0084-сон.
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.03.2024 й., 07/24/129/0217-сон.

АХЛОҚҚА ЗИД ТУЗИЛГАН БИТИМНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада ахлоқ асосларига атайин зид мақсадда тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги тадқиқ қилинган. Шунингдек, ахлоққа зид тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслигини қўллаш борасида илмий адабиётлардаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хорижий амалиёт масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: битимлар, ахлоқ асослари, ахлоқ асосларига зид бўлган битимлар, анти-ижтимоий битимлар, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасида кўрсатилган ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимлар билан боғлиқ қоидалар замонавий фуқаролик қонунчилигидаги фалсафий нормалар сифатида эътироф этилади ва ҳозиргача унинг мазмунини ёритиш бўйича илмий баҳслар давом этмоқда. Ахлоқ асосларига зид бўлган ва шундай ниятни ўзида ифодалаган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Мазкур моддада қўлланилган “ҳуқуқ-тартибот”, “ахлоқ асослари” ва “эгиловчан” каби атамалар ушбу модданинг амалда қўлланилишини сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Дарҳақиқат, “ҳуқуқ-тартибот асослари”, “ахлоқ асослари” атамаларининг маъноси ҳеч қандай қонун ҳужжатлари билан бевосита очиб берилмаган. Буни принципал жиҳатдан ҳуқуқий ва техник сабабларга кўра амалга ошириш мумкин эмас. Агар биз юридик фанга мурожаат қилсак, ушбу категорияларнинг маъно-мазмуни бўйича аниқ чегаралар мавжуд эмаслигини осонгина кўришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, барча антиижтимоий битимларни қуйидаги учта тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, маълум бир антиижтимоий битимнинг мазмуни бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ тамойилларга зид бўлиши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий тақиқларни бузади. Иккинчиси, антиижтимоий битимнинг мазмуни фақат ҳуқуқ-тартибот асосларига (жамоат тартибига) зид бўлиши мумкин, аммо ҳеч қандай тарзда ахлоқ тамойилларига таъсир қилмайди. Учинчиси, битимнинг мазмуни фақат ахлоқ асосларига зид бўлиши мумкин ва тўғридан-тўғри ҳуқуқ-тартибот нормаларини ёки бошқа шунга ўхшаш императив кўрсатмаларни бузмайди ёки таъсир қилмайди.

Ахлоқ асосларига қарши битимлар - бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ҳеч қандай тарзда бузмайдиган (белгиланган жамоат тартиби), лекин одамларнинг ижтимоий онгида ривожланган ахлоқий тамойиллар ва қадриятларга путур етказадиган битимлардир.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахлоқ, хусусан, ижтимоий ахлоқ масаласига жиддий эътибор берилиши ҳам мамлакат ва миллат тақдирида унинг алоҳида ўрин эгаллашидан дарақдир.

Ахлоқ тушунчаси жуда кенг. Унинг ўзига хос меъёрлари, қоидалари борки, уларга безътиборлик ушбу муҳим ижтимоий ҳодисанинг аҳамиятини саёзлаштиради. Аслида, ахлоқ ёрдамида инсон адаби бошқариб борилади. Бу ҳақда замонамизнинг улуғ алломаси Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари шундай дейди: “Ахлоқ – барча махлуқотлар билан ҳусни хулқда бўлишдир. Ахлоқнинг асосини ҳилм, афв ва сабр ташкил этади. Халойиқ сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомала қилишинг ахлоқдир. Озорни тўхтатиб, эҳсонни сочиб; инсофни кўрсатиб, жафони

йўқотиб; сафони топиб, дунёни ортга отиб юбормоқ ахлоқдир. Ахлоқ – шаҳват ва ғазаб кўзиганда нафсни жиловламоқдир”.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигидаги ҳолатлардан ташқари, “ахлоқ” тоифаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобида мавжуддир. Бироқ, Жиноят кодексига “ахлоқ” тушунчасига таъриф берилмаган. “Ахлоқ” тушунчаси ҳуқуқий талқидан кўра кўпроқ фалсафий хусусиятга эга бўлиб, шахснинг ички ахлоқий йўналиши, унинг иродаси ва виждонига мувофиқ ҳаракат қилиши билан белгиланади.

Ахлоқ – бу жамиятнинг маълум шароитларида одамларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш асосида шаклланган адолат, яхшилик ва ёмонлик ғоясидир. У кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади.

Ахлоқ қадимдан шаклланган урф-одатлар, асосий қадриятлар бўлиб, инсонларнинг юриш-туриш қоидалари, феъл-атворларини белгилаб берадиган нормалар сифатида изоҳланади.

Фикримизча, ахлоқ тарихий тараққиётда муайян давомийликка, нисбий мустақилликка эга бўлиб, ҳар бир янги авлод барча хулқ-атвор нормаларини янгидан яратмайди, балки ўтган даврларнинг ахлоқий қадриятларини ўзлаштиради, уларни ўзгартиради ва ривожлантиради.

Кундалик даражадаги ахлоқ тушунчаси жамиятда қабул қилинган хатти-ҳаракатлар ва муносабатлар қоидаларини библиши ўз ичига олади. Бу ўз шахсий ривожланиши билан бирга бошқа одамларга нисбатан ҳамдардлик ва қувонч қобилиятидир. Ушбу фазилатларсиз инсоннинг мослашиши ва жамиятда фаровон яшашини тасаввур қилиш қийин.

Ворислик ҳуқуқида шундай васиятнома бўлиши мумкинки, унга кўра ота қизига мол-мулкни васият қилади, фақат турмуш ўртоғи билан ажрашиш шarti эвазига. Бундай ҳолда васиятноманинг бир қисми, яъни ахлоқ асосларига зид бўлган қоидалари ҳақиқий эмас деб топилади. Аслини олганда бундай васиятнома қолдириш ҳуқуққа зид бўлмасада, жамият томонидан мақбул ҳаракат сифатида баҳоланмайди. Боиси, оила ва никоҳ муқаддас ҳисобланиб, унинг бутун бўлиши кераклиги тан олинади ва қўллаб-қувватланади.

Ахлоқ асосларига зид бўлган битимлар кўпроқ шартнома-мажбурият муносабатларида учрайди. Масалан, тез ёрдам машинасидан такси сифатида фойдаланиш ҳолатини ахлоққа зид деб ҳисоблаш мумкин. Гарчи фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан бундай ташиш оддий шартнома бўлиши, йўловчини шаҳарнинг исталган қисмига тезда етказиб боришини таъминлаши, тирбандликларни четлаб ўтиши мумкин, аммо бундай ҳаракат жамият томонидан қораланади ва нотўғри деб ҳисобланади.

Г.Ф. Шершеневич монастир ва черков биноларини савдо учун ижарага олиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Чунки, диний ташкилотлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил қилинади. Улар даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди шундай экан, улардан наф олиш учун фойдаланишга ҳаракат қилиш ахлоқ асосларига зид ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муҳим савол туғилиши табиий. Битимнинг фақат ахлоқ асосларига зид келиши уни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўладими ва фуқаролик қонунчилигимизда белгиланган барча ҳуқуқий оқибатларни унга тадбиқ қилиш мумкинми? Бизнинг фикримизча, ахлоқ асосларига қарши битимлар, уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасига биноан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин ва бундай битимлар антиижтимоий битимлар сифатида малакаланиши керак.

Агар бир ёки бир неча шахс ахлоққа қарши битим тузган бўлса, унда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг бундай хатти-ҳаракатлари, эҳтимол, ҳуқуқни суистеъмор қилиш ёки бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқдан ёвуз мақсадларда фойдаланиш деб баҳо-ланиши керак. Яъни, томонлар ўзларига тақдим этилган ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда, ўзлари тузаётган битимнинг мазмуни орқасида ёвуз ниятини яширади.

Ушбу ҳолат бизни қуйидаги савол ҳақида ўйлашга мажбур қилади: ҳуқуқни суистеъмор қилиш битимни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкинми? Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси бешинчи қисмида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмор қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақса-дига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Демак, ахлоқ асосларига зид тузилган битим бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини суистеъмор қилиш деб ҳисобланади. Россия қонунчилигида тўғридан-тўғри ҳуқуқларни суистеъмор қилиш натижасида битим тузилган бўлса, унинг ҳақиқий эмас деб топилиши мустаҳкамланган. Россия Федерацияси Олий арбитраж суди Раёсатининг 2008 йил 25 ноябрдаги 127-сонли қарори 9-қисмига кўра, шахслар томонидан битим шартларини тузиш ва келишиш жараёнида суистеъмор қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса, битим ҳақиқий эмас деб топилади.

Томонларнинг антиижтимоий битимлар тузиши ва унинг оқибатлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу муносабатларда қонун чиқарувчининг мақсади нафақат маълум бир шахснинг манфаатини, бутун жамиятнинг ахлоқий (моддий бўлмаган) қадриятлари ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди. Масалан, жиноий жазога тортиш, қотиллик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузишни тақиқлаш орқали қонун чиқарувчи шу билан инсоният ҳаёти ва фаровонлигини ҳимоя қилади. Сохта никоҳ ёки болаларни сотиш бўйича шартномалар тузишни тақиқлаш орқали қонун чиқарувчи биринчи навбатда никоҳ ва оила институтининг муқаддас қадриятларини ҳимоя қилади. Шахсларга уруш ёки этник душманликни тарғиб қилувчи адабиётларни тарқатишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни содир этишга йўл қўймаслик орқали қонун чиқарувчи хоҳиятан битта мақсадни - ички хотиржамликни, қулай ахлоқий муҳитни ва одамларнинг тинч-тотув яшашини таъминлайди.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, бизнинг қонунчилигимиз кўп ҳолларда муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширишда фуқаролик муомаласи ишти-

рокчиларининг маънавий-ахлоқий манфаатларини биринчи ўринга қўяди. Бирок, бу ҳолат бизнинг фуқаролик қонунчилигимизда ўз аксини топмаган. Масалан, Россия Федерацияси ФКнинг 1-моддаси фуқаролик қонунчилигининг асосий принципларига бағишланган бўлиб, унда фуқаролик ҳуқуқлари шахсларнинг соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, мамлакат мудоафаси ва давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда ахлоққа зид бўлса чекланиши кўрсатилган. Агар бундай норма миллий қонунчилигимизда келтириладиган бўлса, бир томондан, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига биноан ахлоққа қарши битимларни ҳақиқий эмас деб тан олиш имконияти янада ортади, иккинчи томондан ахлоқ қоидалари орқали фуқаролик қонунчилигининг мазмуни бойишига хизмат қилади.

Бизнинг фуқаролик қонунчилигимизда шундай махсус норма-лар борки, улар ахлоқ асосларига зид бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топишга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида фирма номида жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак. Масалан, агар тиббий хизмат кўрсатадиган ташкилот “шифокорлар бизнеси” деб номлан-са, у ҳолда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тегишли рўйхатдан ўтишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ахлоқий тушунчалар ўзгариши ва жамият онгига кириб бориши ёки ундан аста-секин йўқ бўлиб ке-тиши мумкин. Шунинг учун, амалий нуқтаи назардан, фақат жа-моат ахлоқини юқори даражада бузадиган шартномалар ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, эрнинг жасади хотини томонидан анатомик тадқиқот учун сотилиши шартномаси ҳақиқий эмас.

Белгиланган ахлоқий асослар ва ахлоқий меъёрларни буза-диган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий битим ахлоққа қарши деб ҳисобланмайди ва ҳақиқий эмас деб топилмайди. Назарий жиҳат-дан, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмуни у ёки бу даражада ахлоқ нормаларига зид келади, аммо бундай битимлар у ёки бу сабабларга кўра ахлоққа қарши битимлар доирасига кирмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фикримизча, ахлоқ асослари цивилистиканинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, алоҳида ҳуқуқ нормалари мажмуи ва судда қўлланиши амали-ёти боғлиқлигини юзага келтиради. Фундаментал функциясига тўхталиб ўтилса, бу қурилма ҳуқуқий ва ахлоқий онгни ўзгарти-ришга, адолатсизлик ва ёвузликка қарши курашишга чорлайди.

Қодирбек МУСАЕВ,

*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
3-даражали адлия маслаҳатчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Маврулов. Ижтимоий ахлоқ – янгиланаётган жамият орзуси. “Янги Ўзбекистон” Ижтимоий-сиёсий газета. №72 (861), 2023.
2. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав.
3. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части первой / Отв. ред. О.Н. Садилов. М.: Юриформцентр, 1995. – С. 215.
4. Koryog'diyev V. Bitimni haqiqiy emas deb topish va uning oqibatlarini qo'llash fuqarolik huquqlarini himoya qilish vositasi sifatida. Monografiya // - T.TDYU. – 2022. – B. 142.
5. Канторович Я.А. Основные идеи гражданского права. М.: Институт “ЮриИн-фор-МГУ”, 2009. С. 131.
6. Новицкий И.Б. Сделки. Исковая давность // Избранные труды по гражданскому праву. В 2 т. Т. 1. С. 262.
7. Новиков А.А. К истории завещания под условием в отечественном гражданском праве / Цивилистические исследования. Вып. 1: Сб. науч. тр. памяти проф. И.В. Федорова / Под ред. Б.Л. Хаскельберга, Д.О. Тузова. С. 341.
8. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.: Оникс. -2010.
9. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. Т. 2. М.
10. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-son.

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР

Бугунги кунда иқтисодий судларда кўп кўриладиган ишлардан бири инвестиция шартномаси билан боғлиқ низолаар ҳисобланади.

“Суд қарорларини қайта кўриш институти такоммиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 12 январдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Иқтисодий процессуал кодекси 30¹-модда билан тўлдирилган. Ушбу моддага асосан инвестициявий низолаар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар киради:

1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолаар;

2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолаар;

3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолаар;

4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, боғхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолаар;

5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолаар.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, инвестиция шартномаси бу инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битимдир.

ИПКни 32-моддасининг бешинчи қисмига кўра, инвестициявий низолаар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар юзасидан тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қолган инвестициявий низолаар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

ИПКнинг 34-моддаси бешинчи, олтинчи қисмларига биноан, йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судига ёки Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тақдим этилиши мумкин. Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар, шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судига ёки Олий судга тақдим этилиши мумкин.

Ўтган йиллар давомида кўплаб тадбиркорларга давлат объектлари ноль харид кийматида сотилган. Ҳокимият ва тадбиркор ўртасида тузилган олди-сотди шартномасида тадбиркорга сотилган ҳудудга муайян миқдорда инвестиция киритиш, маълум бир миқдорда фуқароларни иш билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Лекин, айрим тадбиркорларнинг шартнома шартларига риоя қилмаганлиги оқибатида шартнома шартлари бажарилмаган ва натижада Давлат активларини бошқариш агентлиги-

нинг ҳудудий бошқармалари томонидан тадбиркорлар билан тузилган инвестицияга оид тузилган шартномаларни бекор қилиш ёки жарима ундириш юзасидан судга даъво аризалари киритилган ва шартномани бекор қилиш ҳамда жарима ундириш ҳақида суд қарорлари чиқарилган.

Бунда тадбиркорлар томонидан ҳақиқатдан ҳам инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган, мажбурият бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим қилинмаган.

Статистик маълумотларга кўра, вилоят иқтисодий судлари томонидан 2022-2023 йиллар мобайнида инвестиция киритиш шarti билан давлат мулкни сотиб олиш ҳақидаги шартномалар билан боғлиқ низолаарнинг кўриб чиқиши қуйидагича:

2022 йил давомида биринчи инстанцияда жами 11 та мазкур тоифадаги даъво аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 1 таси (9,0 фоизи) қабул қилиш рад этилган. Кўрилган ишларнинг 9 таси (90 фоизи) қаноатлантирилган ва 1 таси (10 фоизи) қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур ишларнинг 3 таси (30 фоизи) Бухоро, 2 таси (20 фоизи) Пешку, 2 таси (20 фоизи) Когон, 1 таси (10 фоизи) Қоракўл ва 1 таси Ромитан туманлараро иқтисодий судларида кўрилган.

Апелляция инстанциясида мазкур даврда 7 та шикоятлар кўриб чиқилган бўлиб, 1 та иш бўйича биринчи инстанция судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ва 6 таси ўзгаришсиз қолдирилган.

2022 йил давомида кассация инстанциясида мазкур тоифадаги 1 та иш кўрилган бўлиб, натижаси бўйича қуйи судларнинг якуний суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

2023 йил давомида биринчи инстанцияда жами 8 та мазкур тоифадаги даъво аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 1 таси (12,5 фоизи) қайтарилган. Кўрилган ишларнинг барчаси қаноатлантирилган.

Мазкур ишларнинг 2 таси (25 фоизи) Когон, 2 таси (25 фоизи) Ғиждувон, 1 таси (12,5 фоизи) Бухоро, 1 таси Қоракўл ва 1 таси Ромитан туманлараро иқтисодий судларида кўрилган.

Апелляция инстанциясида мазкур даврда 2 та шикоятлар кўриб чиқилган бўлиб, барчаси ўзгаришсиз қолдирилган.

2023 йил давомида кассация инстанциясида мазкур тоифадаги 1 та иш кўрилган бўлиб, натижаси бўйича қуйи судларнинг якуний суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга юборилган.

Судлар далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланишлари, юқорида келтирилган тавсияномаларга амал қилишлари лозим.

Меҳринисо ҚОДИРОВА,

Бухоро вилоят суди судьяси,

Азизбек АСАДОВ,

Бухоро вилоят суди

судья катта ёрдамчиси.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИГА ДОИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

Швеция, Норвегия, Дания ва Финляндия каби Скандинавия мамлакатлари йўл ҳаракати хавфсизлигига илғор ёндашуви билан машҳур. Улар йўл ҳаракати қоидабузарликлари ва бахтсиз ҳодисалар сонини камайтириш учун қонунчилик ташаббуслари, фуқароларнинг иштироки ва илғор технологияларни жорий этиш каби кенг қамровли чора-тадбирлардан фойдаланмоқда.

Швециянинг 1997 йилда қабул қилинган Vision Zero концепцияси йўлларда ўлим ва жиддий жароҳатларни бутунлай йўқ қилишга қаратилган. Қонунчилик чораларига тезлик, хавфсизлик камарларидан фойдаланиш ва алкоголь таъсирида ҳайдаш бўйича қатъий қоидалар қиради. Қонунчилик ахборот компаниялари ва маҳаллий жамоаларни йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш ташаббусларига жалб қилиш орқали жамоатчилик иштирокини қўллаб-қувватлайди.

Норвегия Миллий Транспорт режаси йўлларда ўлим ва жароҳатлар сонини камайтириш мақсадларини ўз ичига олади. Қаттиқ тезликни чеклаш қонунлари, болалар чекловларидан фойдаланиш ва хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланишдан иборат. Норвегия фуқароларни йўл ҳаракати хавфсизлиги компаниялари, мактаблардаги таълим дастурлари ва жамоат ташаббуслари каби дастурларда фаол иштирок этишга ундайди. Шунингдек, дунёдаги ҳайдовчилар қонидаги алкогольнинг рухсат этилган энг паст даражасидан бири (0,02%), МА – Rusfri Trafikk каби жамоат ташкилотлари ҳушёр ҳайдашни тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди ва алкоголь таъсирида ҳайдашга қарши компанияларни ташкил қилади.

Скандинавия мамлакатлари йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишни ташкил этиш, қатъий қонунчилик чораларини фуқароларнинг фаол иштироки ва илғор технологияларни жорий этиш билан бирлаштириш бўйича муваффақиятли тажрибани намойиш этмоқда. Интеграциялашган ёндашув, шу жумладан Швециядаги Vision Zero, Норвегиядаги ҳайдовчиларнинг қондаги алкоголь микдори бўйича қатъий қоидалари, Дания ва Финляндиядаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича миллий стратегиялар юқори хавфсизлик стандартлари ва йўл-транспорт ҳодисаларининг паст даражасини таъминлайди. Ушбу ташаббусларга жамоатчиликни жалб қилиш муваффақиятининг асосий элементи бўлиб, йўлларда масъулиятли хулқ-атвор маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишда кўнгилли фуқароларнинг иштироки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Фаол фуқароларни жалб қилиш қоидабузарликларнинг олдини олиш, йўлларда ҳайдаш маданияти ва ҳатти-ҳаракатларини яхшилаш чораларини кучайтиришга ёрдам беради.

Кўнгилли фуқаролар йўллар ва унинг атрофидаги ҳудудларни назорат қилгани, қоидабузарликларни қайд этадиган ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берадиган кўнгиллилар гуруҳларини яратиши мумкин. Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш учун йўл ҳаракати хизмати ходимлари билан қўшма рейдларда иштирок этишади.

Йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишни ташкил этишда кўнгилли фуқароларнинг иштироки дунёнинг турли мамлакатларида кенг тарқалган. АҚШда “Маҳаллани Томоша Қилиш Дастурлари” ишлаб чиқилган. Қўшма Штатларда кўнгиллилар хавфсизликни, шу жумладан йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш учун маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ишлайдиган кўллаб Маҳалла томоша дастурлари мавжуд. Кўнгиллилар ўз ҳудудларини назорат қилишлари, полицияни қонунбузарликлар тўғрисида хабардор қилишлари ва таълим компанияларида қатнашишлари мумкин. Масалан, Мактабга хавфсиз маршрутлар. Ушбу дастур болаларнинг мактабга боришда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу дастур доирасида кўнгиллилар хавфсиз йўналишларни ташкил этишга, ўқув тадбирларида қатнашишга ва мактаб ҳудудларини назорат қилишда ёрдам беришади.

Буюк Британияда Ҳамжамият Тезлигини Томоша Қилиш дастури мавжуд. Дастур маҳаллий аҳолига радарлар ёрдамида ўз ҳудудларидаги транспорт воситаларининг тезлигини кузатиш ва маълумотларни полицияга узатиш имконини беради. Дастурнинг мақсади ҳайдовчиларнинг тезлик чегарасига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида хабардорлигини оширишдир.

“Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Компаниялари” Кўнгиллилар THINK каби миллий ва маҳаллий йўл ҳаракати хавфсизлиги компанияларида қатнашадилар. Ушбу компанияларга ахборот материалларини тарқатиш, йўлларда хавфсиз ҳатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ва ишларни ташкиллаштириш қиради.

Австралияда “Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Кўнгиллилари” деб номланган дастур ишлаб чиқилган. Ушбу мамлакатда кўнгиллилар маҳаллий ҳокимият ва полиция билан ишлаш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилашга ёрдам берадиган дастурлар мавжуд. Кўнгиллилар таълим дастурларида, патрулларда ва хабардорликни ошириш тадбирларида иштирок этишлари мумкин. Масалан, “Ҳайдовчи Ревивер” Ҳайдовчининг чарчашини олдини олишга қаратилган дастур. Ушбу дастур асосида қатнашувчи Кўнгиллилар йўлларда ҳайдовчилар бегул чой, кофе ва газак олишлари мумкин бўлган дам олиш пунктларини ташкил этишди, бу эса чарчок туфайли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Канадада “Патрулда бўлган Фуқаролар” деб номланган дастури асосида фаолият юритилади. Фуқаролар патрул дастури кўнгиллиларга ўз жамоаларини назорат қилиш, шубҳали ҳаракатлар ва йўл ҳаракати қоидабузарликлари ҳақида хабар бериш имконини беради. Кўнгиллилар маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўқитилади ва ҳамкорлик қилади. Оналар маст Ҳайдашга қарши ташкилоти кўнгиллиларни алкоголь таъсирида ҳайдашга қарши курашга фаол жалб қилади. Кўнгиллилар таълим компанияларида қатнашадилар, тадбирларни ташкил қилдилар ва йўл-транспорт ҳодисалари қурбонларини қўллаб-қувватлайдилар.

Японияда “Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Кўнгиллилари” сингари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берадиган кўллаб кўнгилли ташкилотлар мавжуд. Кўнгиллилар мактаблар яқинидаги транспортни тартибга солишга, таълим компанияларида қатнашишга ва профилактика чораларини кўриш учун полиция билан ҳамкорлик қилишга ёрдам беради.

Йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишни ташкил этишда кўнгилли фуқароларнинг иштироки йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишнинг муҳим ва самарали элементидир. Турли мамлакатларнинг мисоллари шунини кўрсатадики, фаол фуқароларни жалб қилиш йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар сонини камайтиришга, шунингдек, умумий транспорт маданиятини яхшилашга сезиларли ҳисса қўиши мумкин. Бундай ташаббуслар нафақат йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш, балки фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва жамоатчилик онгини ривожлантиришга ёрдам беради. Кўнгиллиларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги йўл ҳаракати қоидаларини бузиш муаммосини ҳал қилишда янада кенг қамровли ва тизимли ёндашуви таъминлайди. Кўнгиллиларнинг хизматларини тан олиш ва уларнинг фаолияти учун шароит яратиш ушбу фаол фуқароларни сақлаш ва рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди. Шундай қилиб, йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олишда ихтиёрий иштирок этиш дастурларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш хавфсиз ва масъулиятли йўл вазирини яратишга интилаётган давлат ва жамоат ташкилотлари учун устувор муҳими бўлиши керак.

Ислом УМАРОВ,

Фарғона вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲБ 1-ТРЎ ва ИОБ бўлими бошлиғи.

НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ:

мақолада оила, никоҳ масалалари бўйича хорижий ва миллий қонунчилик таҳлили ёритилган. Бундан ташқари, никоҳ ва никоҳланувчилар атамасининг тарихий келиб чиқиши ва никоҳ масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан қонун ва қонун ости ҳужжатларда акс эттирилиши таҳлилий ўрганилган. Шу билан бирга никоҳ тузиш тартиби юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *Оила кодекси, Конституция, никоҳ, оила, никоҳланувчилар, томонлар, эр, хотин, ФХДЁ, оила ҳуқуқи, оила институти, никоҳни қайд этиш.*

Никоҳ оилани ташкил этиш ва мустаҳкамлашнинг асоси бўлиб, жамият ва давлатнинг асосий бугинидир. У барча даврларда оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оиланинг давлат ва жамоатчилик томонидан расмий тан олиниши бўлиб, унинг шакли ва мақсадларига жиддий муносабатда бўлинган.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг иккинчи бўлимида келтириб ўтилган. Оила кодексининг 13-моддасида “Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас” лиги қатъий белгиланган. Бундан келиб чиқадики, давлат фақатгина ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтган никоҳни тан олади.

Никоҳ фақат ФХДЁ органида қайд этиладими ёки истисно ҳолатлари ҳам борми?, - деган ҳақли савол туғилади.

Ҳа, истисно ҳолатлар бор. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарорига 3-илова-фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларида “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди” деб белгиланган.

Бу борада хорижий мамлакатларда, хусусан Италия, Буюк Британия, Дания Қироллиги, Испания Қироллиги ва Латвия Республикаларида никоҳланувчи шахслар никоҳларини никоҳни қайд этувчи органларида ёки диний расм русумларга асосан черковларда қайд қилдиришлари мумкин.

Франция қонунчилигида никоҳланувчи шахслардан бири яшаш жойидаги туман (шаҳар) маҳаллий давлат ҳокимият органига никоҳни тузиш ҳақидаги ариза бергач ва қайд қилинадиган никоҳ ҳақида матбуотга эълон берилиши белгиланган. Германия Фуқаролик кодексининг 1310-моддасида никоҳни рўйхатдан ўтказувчининг юрисдикцияси белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, никоҳ никоҳни рўйхатга олиш органи томонидан рўйхатга олингандан сўнг тузилган ҳисобланади. Никоҳ рўйхатга олингандан сўнг никоҳларни рўйхатга олишнинг ягона реестрига киритилади. Шунга ўхшаш тартиб Буюк Британия ва Италия қонунчилигида ҳам мавжуд. Ўрни, никоҳланувчи шахслар тегишли маҳаллий давлат ҳокимият органига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилганларидан кейин тегишли матбуотга эълон берилди ёки махсус жойларга маълумот жойлаштирилади.

Хитой Халқ Республикасида никоҳга оид ишлар, “Никоҳни қайд этиш тўғрисида”ги Йўриқноманинг 2-моддасига асосан, никоҳ фуқаро администрацияси органлари томонидан қайд қилина-

ди. Грузия қонун ҳужжатларига кўра, никоҳ давлат хизматларини ривожлантириш бўйича агентликлари томонидан қайд қилинади. Миллий қонунчилигимиздаги каби Грузияда ҳам никоҳга киришувчиларнинг танлови бўйича исталган ҳудуддаги агентлик томонидан қайд қилиниши мумкин.

Россия Федерацияси, Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Туркменистон Республикаларида никоҳ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Оила, никоҳ масалалари халқаро майдонда ҳам миллий қонунчилик нуқтаи назаридан ҳам энг муҳим йўналишлар сифатида белгиланади. Зеро, мустаҳкам оилалар ҳар қандай давлатнинг асосидир. Бу борада оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий барқарорлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсати даражасида самарали ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бирок, бу ислохотлар оила, никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, ривожлантиришда етарлича деб бўлмади, албатта. Оила ва никоҳ масалаларидан келиб чиқиб, оилаларнинг тарбиявий, маданий ва илмий салоҳиятини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот, изланишлар олиб борилиши талаб этилмоқда.

Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида баъзан Қонун ёки қонун ости ҳужжатларида бир хил институтларнинг ҳар хил таърифи дуч келамиз. Мисол учун, никоҳ тузишда томонлар бўлган эркак ва аёлнинг синоними турли ҳужжатларда турлича ифодаланган. Бу эса ўз навбатида баҳс ва мунозараларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасида “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи...” деб белгилаб қўйилган бўлса, 13-модда нормасида “никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг” жумласидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 октябрдаги 550-сон билан қабул қилинган “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида”ги қарорининг 3-илосави “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”нинг “Никоҳни қайд этиш” бобида никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар (69,73,74 - бандлар), никоҳ тузувчи шахслар (70,72,75-бандлар), никоҳланувчи шахслар (76,78, 82, 84-бандлар) ва никоҳ тузувчилар (78,80-бандлар) каби атама ва жумлалар билан ифодаланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-модда 1-қисмида “Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли”, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пактнинг 23-моддасида “Никоҳ ёшига тўлган

эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ҳамда оила қуриш ҳуқуқи тан олинади” деб, мустақамланган.

Конституциямизнинг 76-моддасида “Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” деб, белгиланди.

Конституция лойиҳаси эълон қилинганда 76-моддани қуйидагича Оила кодекси билан мутаносиб равишда баён этиш “Никоҳ аёл ва эркакнинг эркин розилиги ҳамда тенг ҳуқуқлилигига асосланади” деган таклиф илгари сурилган эди. Худди шундай матн Россия, Украина, Арманистон, Қирғизистон, Грузия ва Польша конституцияларида ҳам мавжуд.

Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинган, аввалги конституциядаги “томонлар”, “никоҳланувчиларнинг” сўзи билан ўзгартирилганига гувоҳ бўлдик. (1992 йил таҳририда “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” дейилган эди. Фикримизча “томонлар” дейилганда биз кўпроқ Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқини келтириб чиқарадиган асослардан бири - шартномани тузган шахсларни тушунамиз. Чунки, никоҳ мулк шартнома характердаги келишиш бўлмай, эркак билан аёл ўртасидаги тузиладиган, бир умрга мўлжалланган шахсий иттифоқ, аҳдномадир.

Назаримизда, никоҳланувчилар атамасида томонлар кимлиги ноаниқ бўлиб қолгангандек гўё. Миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда “никоҳланувчиларнинг” атамаси ўрнига “аёл ва эркакнинг” жумласи аниқроқ бўлар эди, дейиш мумкин.

Конституциянинг янги таҳририни қабул қилишда, халқаро тажриба инobatта олинганини, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилганини, депутатлар жамоатчилиги томонидан юборилган 200 мингдан ортиқ таклифларнинг ҳар бирини синчиклаб ўрганилганини инobatта олсак, “Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” деган норма замирида юқоридаги фикр ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Нормадаги “оилавий қадриятлар” жумласи айнан никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади, деган маънони ифода этмоқда. Зеро, давлатнинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб, Конституциямизда “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши” белгиланган.

Никоҳ атамасини ўрганадиган бўлсак, “Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади, деб изоҳланган Оила кодексининг 18-моддасида.

“Никоҳ” сўзи арабча (حکون) “накаҳа” феълидан ясалган бўлиб, уйланмоқ, турмушга чиқмоқ маъноларини англатади. Бу ҳақда “Аннаиъумул-кабийр” арабча-ўзбекча луғатда: “(حکون) никаҳун-никоҳланмоқ, уйланмоқ, турмушга чиқмоқ”, дейилади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида “никоҳ” (حکون) - уйланиш, эрга тегиш; эр-хотинлик” деб изоҳ берилади. Никоҳнинг шаръий маъноси ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Шариатда эса никоҳ бир боғланиш”, деб ёзадилар.

“Ислом энциклопедияси”да никоҳ ҳақида “Никоҳ завож (арабча-турмуш қуриш, уйланиш, эр-хотинлик, эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда мулла томонидан ўқиладиган аҳдлашув дейилади.

Амалдаги Оила кодексидан никоҳ тушунчасига таъриф берилмаган. Шу сабабли мазкур тушунчанинг таърифини никоҳнинг ҳуқуқий табиати, қонунчиликда унга нисбатан белгиланган қоида-

лар ҳамда эркак ва аёлнинг ўзаро истак хоҳиши натижаси сифатидаги келишув эканлигидан келиб чиқиб эътироф этиш зарур.

Бизнингча, “Никоҳ бу - эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган, оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир” деган таърифни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Оила кодексининг 3-боби “Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари” деб номлансада, кодексда “никоҳ тузиш шартлари” номли норма мавжуд эмас, бироқ оила ҳуқуқи назариясида “никоҳ тузиш шартлари” атамаси никоҳ тузишда риоя қилиниши лозим бўлган асосий ҳолат сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳолат оила қонунчилиги ва оила ҳуқуқи назариясини бир хилда тушунишда муаммолар ва баҳсли ҳолатларни юзага келтиради. Шу билан бирга Оила кодексидан оила ҳуқуқи фанида никоҳ тузиш шартлари ҳисобланадиган “никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги (ОКнинг 14-моддаси) ва “никоҳ ёши” (ОКнинг 15-моддаси) никоҳ муносабатларида айнан қандай вазифани бажариши ва никоҳ тузиш учун аҳамиятини англатувчи ҳеч қандай қонуннинг мавжуд эмаслиги ҳам амалий жиҳатдан муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Озода ШАМСИДДИНОВА,

Судьялар олий мактаби Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, ю.ф.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023й // <https://lex.uz/docs/6445145>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Фармони // <https://lex.uz/docs/6811936>
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 03/23/838/0257-сон; 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон), <https://www.lex.uz/acts/104720>;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2023 йилдаги 550-сон “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида”ги қарори, <https://lex.uz/ru/docs/6638940#6640313>
5. “Аннаиъумул-кабийр”. Арабча-ўзбекча луғат. Наманган нашриёти. 2014. 716-бет.
6. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” // - Тошкент. 2020й. 3-жилд. 38-бет.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. Т. Ҳилол нашриёти. 2-жилд.
8. Ислом энциклопедияси. Т. 358-359-бетлар;
9. German Civil Code // https://www.gesetze-iminternet.de/englisch_bgb/;
10. Japan Civil Code // <http://www.moj.go.jp/content/000056024.pdf>;
11. Семейный кодекс Республики Казахстан // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053
12. Семейный кодекс Республики Киргизии // http://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=94089;
13. Семейный кодекс Российской Федерации // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/
14. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/
15. French Civil Code // file:///C:/Documents and Settings/Admin/Downloads/Code_22.pdf.
16. Italian Civil Code // <https://wipo.int/en/text/229773>
18. Семейный кодекс Азербайджанской Республики // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/az/az021ru.pdf>
19. Семейный кодекс Республики Армения // http://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=3015.
20. Гражданский процессуальный кодекс Грузии // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/29962/92/ru/pdf>.
21. The Civil code of the People's republic of China // <https://archive.org/details/civilcodeofrepubchin>
22. Семейный кодекс Туркменистана // http://minjust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc_view.php?doc_id=15067

ДОМЕН НОМИГА ВА ТОВАР БЕЛГИСИГА БЎЛГАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ: АҚШ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ЁНДАШУВИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада муаллиф товар белгиси мавжуд бўлган домен номидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ мисолида ўзаро таққослашни амалга оширган. Муаллифнинг таъкидлашича, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ ҳар доим ҳам домен номига бўлган ҳуқуқни амалга оширишга тўққонлик қилмаслиги керак, бу ҳуқуқларнинг мутлақлиги билан ифодаланган бир хил ҳуқуқий табиати ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек, кўрсатилган ҳуқуқларнинг объектлари муайян даражада ўзларининг ҳуқуқий табиати билан ўхшаш бўлиб, моддий эмаслиги ва шахсийлаштириш функциясини бажариши билан ифодаланади.

Калит сўзлар: *товар белгиси, домен номи, мутлақ ҳуқуқ, шахсийлаштириш, Европа Иттифоқи, АҚШ.*

Хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги товар белгиси мавжуд бўлган домен номидан фойдаланиш бўйича низоларни ҳал қилиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги кўрсатилган усулларида унчалик фарқ қилмайди. Товар белгиси домен номига киритилганда унинг мутлақ ҳуқуқни бузганлик бўйича низоларни ҳал этишнинг асоси UDRP, яъни Домен номига оид низоларни ҳал қилишнинг ягона сиёсати (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy) қоидалари ҳисобланади. АҚШда домен номининг ҳуқуқий тартибга солиниши масалаларини кўриб чиқишнинг аҳамияти шундаки, Интернет айнан шу мамлакатда пайдо бўлган, қолаверса, АҚШда домен номини аниқлаш ва домен низоларини ҳал қилиш усулларига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Қуйида мазкур ёндашувларни кўриб чиқамиз.

Домен номининг тавсифи бўйича мазкур объект Интернетдаги электрон почта ёки сайт манзилининг бир қисми, у манзилга тегишли ташкилотнинг номини кўрсатади ёки компьютер тармоғига уланиш манзили бўлган ва ушбу манзил эгасини айнанлаштириш нуқталар билан ажратилган ҳарф-рақамлар қаторидир. Бироқ, баъзи манбаларида домен номининг товар белгиларининг функцияларига ўхшаб кетиши таъкидланади. Хусусан, домен номлари товар белгиларига ўхшаш, чунки улар Интернетдаги маълумотнинг манбаси ва келиб чиқишини аниқлаш ва ташкилотларнинг хизматлари ва товарларини фарқлаш учун ишлатилиши мумкин.

АҚШ қонунларида, Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўхшаб, домен номи техник жиҳатдан белгиланади. Бироқ, домен номининг бундай таърифи айнан товар белгилари тўғрисидаги қонунларда белгиланган ва домен номини айнан манзиллаш усули сифатида белгилайди. Масалан, АҚШ қонунчилигида Ланхэм қонуни (Товар белгилари тўғрисидаги қонун) бўйича домен номи Интернетдаги электрон почта манзилининг бир қисми сифатида домен номларини рўйхатдан ўтказувчи, домен номлари реестрини юритадиган ташкилот ёки бошқа домен номларини рўйхатдан ўтказадиган бошқа орган томонидан рўйхатдан ўтказилган ёки берилган ҳар қандай ҳарф-рақамли белги сифатида тан олинади. Шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан домен номи тушунчаси қонун ҳужжатларида мавжуд эмас. Бунинг натижасида АҚШда домен номининг ҳуқуқий мақомига нисбатан бир нечта ёндашувлар ишлаб чиқилган суд амалиёти пайдо бўлди.

Биринчи ёндашувга кўра, домен номи хизмат кўрсатиш шартномасининг элементи ҳисобланади. Бундай домен номининг таърифи “Network Solutions, Inc. v. Umbro International, Inc” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу низоли ишда суд томонидан мол-мулкни, шу жумладан домен номлари шаклидаги мол-мулкни хатлаш тарзидаги таъминот чоралари қўлланилган. Бироқ, даъвогарнинг вакиллари домен номи мулк эмас, чунки у бирон бир моддий нарса белгиларига эга бўлмайди ва шунинг учун уни хатлаш мумкин эмас, деб таъкидлашади. Суд мазкур фикрни қўллаб-қувватлаб, домен номи рўйхатга олувчидан ҳуқуқ эгасига ўтказиладиган нарса эмаслигини тан олди. Ушбу ҳолатда, домен номини бериш эмас, балки рўйхатдан ўтказувчи томонидан кўрсатиладиган маъмурий хизматлардан иборат. Бироқ, домен номи бу хизматларнинг фақат бир қисми. Ушбу ишда суд домен номини хизматга тенглаштириб, агар домен номи фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида мавжуд бўлмаса, унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қандай гапириш мумкинлигини кўрсатди. Бундай нуқтаи назардан фақатгина домен номи шартнома бўйича ўтказилиши мумкин бўлмаган қисми билан йўл қўйилиши мумкин. Демак, домен номининг ўзи шартнома предмети бўлмаса-да, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасига кўра фуқаролик ҳуқуқи объекти белгиларига эга деб эътироф этилиши мумкин.

Иккинчи ёндашувга кўра домен номи фақат шахсий мулк сифатида тавсифланади. Хусусан, Office Depot, Inc. v. Zuccarini низоли иши бўйича домен номлари шахсий мулк бўлиши мумкинлигини ва товар белгилари сингари номоддий активлар рўйхатига киритилиши шартлигини суд тан олди.

Шунингдек, учинчи ёндашув мавжуд бўлиб, унга кўра домен номи интеллектуал мулк элементлари билан шахсий номулк ҳуқуқлар объекти ҳисобланади. Ушбу ёндашувга кўра, домен номи фуқаролик ҳуқуқи объекти ва шунинг учун шахсийлаштириш воситасидир. Ушбу ёндашув Tech. LLC v. Bodog Entm't Group S.A низоли ишида тасдиқланган. Ушбу низода жавобгар товар белгисини фақат Интернет тармоғига жойлаштириш орқали фойдаланган. Шундай қилиб, компаниянинг обрўси тўғридан-тўғри домен номи билан боғлиқ бўлган. Товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни мажбурий ўтказиш учун судга мурожаат қилган даъвогар, домен номи, жавобгарнинг обрўси кўрсаткичи сифатида, товар белгилари сингари мажбурий ўтказиш объекти бўлиши кераклигини таъкидлади. Жабрланувчи эса,

домен номи товар белгисини манзил сатрида жойлаштириш учун "майдонча" бўлганлиги сабабли, ўтказишга қарши чиқади. Бироқ, суднинг таъкидлашича, домен номи ушбу ҳолатда жавобгарнинг домен номи орқали бозорда танилиш воситаси сифатида ишлатилган, бу жавобгарнинг ягона шахсийлаштириш воситаси бўлиб, жавобгарга ўз веб-сайтини ва унинг маълумотларини бошқалардан ажратишга ёрдам берган. Шундай қилиб, домен номи жавобгарга тегишли бўлган товар белгисидан алоҳида мавжуд бўлиб, унинг фаолияти шахсийлаштирилган мустақил мулквий ҳуқуқ объекти ҳисобланади.

Бироқ, АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳар доим ҳам домен номини шахсийлаштириш хусусиятини тан олмайди. Масалан, "hotels.com" домен номини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза берилган. Бироқ, суднинг таъкидлашича, ариза домен номи умумий "hotels" атамасини ўз ичига олганлиги ва бу атама ўзига хос белгига айланиши учун "сом" суффиксининг қўшилиши етарли эмаслиги сабабли рад этилиши керак.

Шу билан бирга, домен ном маъмурлари ва товар белгилари ҳуқуқ эгаларининг ўзаро муносабатлари асосини АСРА нинг яхлит ва алоҳида норматив ҳуқуқий ҳужжати ташкил қилади. АСРА нафақат домен номи маъмурлари мулк сифатида эгалик қилишнинг адолатли шартларини яратади ва бошқарувчисига домен номини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради, балки ҳуқуқ эгалари ва маъмурлари ҳар қандай сўз белгисини ишлатиш имкониятларини тенглаштиради. Бошқача қилиб айтганда, бир хил сўз белгилари бошқарувчининг домен номида ва ҳуқуқ эгасининг товар белгиси бўлиши мумкин. АСРАга товар белгиси билан адаштириш даражасида ўхшаш ёки товар белгиси билан бир хил бўлган товар белгиси ва домен номининг "ўзаро ҳолис" бирга бўлиши мумкин бўлган нормалар киритилган бўлиб, улар:

1. Товар белгиси ёки домен номида ишлатилган интеллектуал мулкнинг бошқа объекти учун домен номининг маъмури ҳуқуқи. Ушбу ҳолат шуни кўрсатадики, бир вақтнинг ўзида бир хил белгиларни шахсийлаштириш воситаси эгасининг ҳуқуқларини бузмасдан фойдаланиш мумкин.

2. Домен номи маъмурининг фирма номи ёки уни шахсийлаштириш учун кенг қўлланиладиган исм билан адаштириш даражаси. Ушбу омил, шу жумладан, шахс учинчи шахснинг товар белгиси билан бир хил ёки адаштириш даражада ўхшаш бўлган кенг тарқалган тахаллусдан қонуний равишда фойдаланишлари мумкин бўлган ҳолатларга ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳолларда суд товар белгисига ўхшаш сохта номдан фойдаланиш домен номининг маъмури инсофсиз ҳаракат қилганлигини кўрсатадими ёки йўқми аниқлаши керак.

3. Домен номидан унинг маъмур томонидан товарлар ёки хизматларни виждонан тақлиф қилиш билан боғлиқ равишда олдиндан фойдаланиш. Ушбу кўрсаткич электрон савдода домен номидан қонуний фойдаланилганлигини кўрсатади, бу эса домен номининг маъмури учун ижобий ҳолат бўлиб, агар шахс домен номини савдода истеъмолчиларни товар ёки хизматларни ишлаб чиқарувчига нисбатан чалғитиш имкониятини яратмасдан ва домен номини товар белгиси эгасининг обрўси орқали фойда кўришга ҳаракат қилмасдан фойдаланса, суд домен номининг маъмури томонидан инсофсизлиги ҳолатига йўл қўймаган деб топиши мумкин.

4. Веб-сайтдаги домен номидан қонуний равишда нотижорат ёки ҳалол фойдаланиш. Ушбу омил товар белгилари ҳуқуқ

эгаларининг манфаатлари ва товар белгиларидан Интернетда, масалан, таққослаш борасидаги рекламаларда, шарҳларда, танқидий шарҳларда, пародияларда, янгиликларда ва ҳоказоларда қонуний равишда фойдаланувчиларнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни ўрнатишга қаратилган. Бундай фойдаланиш, АСРАга кўра, ҳатто фойда кўриш мақсадида амалга оширилган бўлса ҳам, ўз-ўзидан инсофсизлигини англатмайди.

Агар домен номининг маъмури юқорида кўрсатилган ҳолатлардан бирини исботлай олса, домен номига бўлган ҳуқуқ қонуний асосда унга тегишли бўлади.

Шундай қилиб, АҚШда домен номи товар белгисидан фойдаланиш усули эмас. Бироқ, Ўзбекистоннинг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонунга кўра домен номида товар белгисининг ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин (27-модда). АСРА ва UDRP қоидалари товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш натижасида товар белгисига бўлган ҳуқуқ бузилишини бартараф этишни эмас, балки товар белгисига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиб, товар белгиси эгасининг домен номига бўлган ҳуқуқини бартараф этишни назарда тутаяди. Шу билан бирга, домен номининг маъмури ҳам домен номига бўлган ҳуқуқни товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуққа қарши қўйиши мумкин, агар домен номига бўлган ҳуқуқ товар белгисига устуворлик санаси берилгандан олдин пайдо бўлган бўлса. Ушбу ёндашув адолатли бўлиб, домен номи маъмури томонидан товар белгисидан тўғридан-тўғри фойдаланиш ниятида эмас, балки товар белгиси ҳуқуқ эгасига домен номига бўлган ҳуқуқни сотиш (киберсквотинг) мақсадида ҳам тан олиниши мумкин.

Европа Иттифоқи мамлакатларида домен номи товар белгиси билан чамбарчас боғлиқ, аммо уни жойлаштириш учун фақат техник восита эмас. Европа Иттифоқининг назариячи олимлари сўзли товар белгилари маълум белгилардан иборат бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Бундай белгилар UNICODE жадвалида мавжуд бўлган сўзлар, ҳарфлар, рақамлар ва ҳоказолардан иборат. Домен номлари ҳам шундай бўлиши мумкин, чунки улар фақат UNICODE рамзлари жадвалида мавжуд бўлган рамзлар ва белгилардан иборат бўлиши мумкин. Европа Иттифоқининг суд амалиёти шуни кўрсатадики, домен номи ҳатто бутунлай, шу жумладан белгилашнинг ўзи ва домен ҳудудининг белгиси ҳам фарқловчи хусусиятга эга бўлиши мумкин. АҚШда эса, "hotels.com" доменига нисбатан бошқача фикр билдирилган. Бизнингча, мазкур ҳолат бўйича аниқ мисол Европа Иттифоқи мамлакатларидан бири - Нидерландияда юзага келган "thuisbezorgen.nl" домен номи низоли иш билан боғлиқ. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Нидерландияда "thuis" ва "bezorgen" сўзлари "уйга етказиб бериш" деган маънони англатади. Булар одатий кундалик сўзлар бўлиб, улар ҳар бир нарсани алоҳида шахсийлаштирмайди, шунинг учун ҳам уларни муҳофаза қилиш мумкин эмас. Бироқ, бундай товар белгиси эгаси бўлган даъвогар жавобгарга унинг товар белгисига ўхшаш домен номидан фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиб мурожаат қилади. Жавобгар, даъвогар ўзига хос хусусиятга эга бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказишда онгли равишда таваккал қилганлигини таъкидлайди. Жавобгарнинг фикрига кўра, у даъвогарнинг мутлақ ҳуқуқини бузиши мумкин эмас, чунки ушбу сўзлар умумий ишлатиладиган ва шахсийлаштириш функциясини бажаришдан кўра кўпроқ

фаолиятни тавсифлайдиган сўзларга асосланган. Суд жавобгарнинг фикрига қўшилмай, *this* ва *bezoggen* сўзлари тавсифий ва кенг тарқалган бўлса-да, *.nl* белгиси билан биргаликда фарқловчи хусусиятга эга бўлиб, шу билан бирга бир-бирига қўшилган ҳолда ёзилганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, суд, аслида, сўзларнинг бундай комбинациясида белги фарқлашиш қобилиятига эга бўлиши мумкинлигини тан олди. Буюк Британиянинг юриспруденция назариясида ҳам шундай ёндашув мавжуд. Шунга қарамай, домен номи Европа Иттифоқида шахсийлаштириш воситаси сифатида тан олинмайди ва фақат товар белгиси сифатида ҳимоя қилиниши мумкин. Бироқ бу домен номига бўлган ҳуқуқ товар белгиси билан таққосланмаслиги мумкин дегани эмас.

Европа Иттифоқи мамлакатларида домен номида товар белгисини жойлаштиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши нуқтаи назардан Ўзбекистон қонунчилигига яқин. Бироқ, Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Европа Иттифоқининг миллий қонунчилиги домен номини фақат товар белгисини ишлатиш усули сифатида тан олмайдиган ва шунинг учун домен номи билан боғлиқ ҳар бир ҳаракатни товар белгисидан фойдаланишга тенглаштирмайди. Европа Иттифоқи мамлакатларида товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни домен номига бўлган ҳуқуқ билан таққослашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) домен номига нисбатан қилинган ҳаракатлар (рўйхатдан ўтиш ва фойдаланиш);

б) домен номи маъмурининг ниётлари (домен номига бўлган унинг ҳуқуқи фойдани кўзлаб бошқа шахсга ўтказмоқчи бўлган мулкми).

Масалан, домен номини рўйхатдан ўтказиш Европа Иттифоқи суд амалиётида товар белгисидан фойдаланиш сифатида тан олинмайди ва шунинг учун товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни бузиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳулоса, хусусан, “*bestlasersorter.com*” домени бўйича Европа Иттифоқи суди амалиётида чиқарилган. Ушбу ишда илгари даъвогарнинг ходимлари бўлган компания жавобгар сифатида иштирок этади. Бироқ, бир мунча вақт ўтгач, ходимлар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини ўзлари амалга оширишга қарор қилишади. Дастлаб, улар даъвогарнинг товар белгисига ўхшаш бўлган домен номини рўйхатдан ўтказишади. Бунда товар белгиси Интернет сайти дизайни учун ишлатилмаган. Ушбу масала Европа Иттифоқи судига келганида, мазкур низони Европа Иттифоқининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2000/31/ ЕС Директиви асосида ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Европа Иттифоқи суди ушбу низони домен номини рўйхатдан ўтказишнинг ўзи “тижорат алоқаси” бўлиши мумкинми? деган саволга асосланиб кўриб чиқади. Ушбу атама 2003/31/ ЕС Директивида товар, хизмат ёки тижорат, саноат фаолияти билан шуғулланувчи ёки маълум бир касб бўйича ишлайдиган компания, ташкилот ёки хусусий шахснинг имиджини тўғридан-тўғри ёки билвосита тарғиб қилиш учун ишлаб чиқилган ҳар қандай алоқа шаклини англатади.

Бироқ, мазкур Европа Иттифоқи 2003/31/ЭС Директиви савдо алоқаларига тижорат ташкилотлари ёки шахснинг фаолиятига тўғридан-тўғри кириш имконини берадиган маълумотлар, хусусан, веб-сайт ёки электрон почта манзили қирмайди, деб кўрсатади. Ушбу домен номининг қандай ишлатилиши ҳали маълум бўлмагани ва маъмурининг инсофизлиги билан боғлиқ

ҳаракатлари йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи суди фақат рўйхатдан ўтган, аммо ҳали фойдаланилмаган домен номини маълумотлар базасига киритилишидан бошқа нарса деб ҳисобламайди. Истеъмолчилар ҳатто у мавжудлигини ва савдо алоқаси воситаси бўлишини ёки домен номи остида бизнес фаолияти амалга ошириладиган веб-сайт борлигини билмаслиги мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, домен номига бўлган ҳуқуқни товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқга қарама-қарши қўйиш мумкин. Шундай қилиб, домен номи Интернет-сайтни шахсийлаштирувчи хусусиятларни ўз ичига олган фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатидаги восита сифатида тан олинмиши мумкин. Шу билан бирга, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ, товар белгиси билан бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган домен номига бўлган ҳуқуқни товар белгиси ҳуқуқ эгасига ва бошқа ҳеч кимга тегишли эмас деб топиш учун етарли асос бўлади. Товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ бошқа бировнинг мулкига таҳдид солиш учун асос бўлмаслиги керак, худди шундай домен номига бўлган ҳуқуқ ҳам фақатгина товар белгиси ҳуқуқи эгасини маъмур билан домен номига бўлган ҳуқуқни ҳақ эвазига ўтказиш тўғрисида битим тузишга мажбур қилиш ёки бошқа бировнинг товар белгиси функцияларини амалга ошириш мақсадида маъмур томонидан сотиб олинмаслиги керак. Ушбу охириги мақсад, шу билан бирга, домен номининг маъмури томонидан нафақат домен номига бўлган ҳуқуқни сотиб олишда, балки Интернет-сайтнинг таркибида калит сўзлар ва мета-теглари шакллантиришда амалга оширилади, бунга айнан Интернет-сайт қисмида товар белгисини ишлатиш усулига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳожибой АДАШОВ,
муस्ताқил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.dictionary.cambridge.org>
2. UNICODE character table
3. The American Heritage(R) Dictionary of the English Language
4. William S. Hein & Co., Inc., Modern Dictionary for the Legal Profession, 3d Edition (2001)
5. Lanham (Trademark) Act July 5, 1946 (15 U.S.C.) (рус. Акт Лэнхема (Закон о товарных знаках))// <http://www.bitlaw.com> URL: <http://www.bitlaw.com/source/15usc/>
6. Network Solutions, Inc. v. Umbro Int'l, Inc. // <https://caselaw.findlaw.com> URL: <https://caselaw.findlaw.com/va-supremecourt/1462313.html> (дата обращения: 03.01.2019).
7. Office Depot, Inc. v. Zuccarini, 596 F.3d 696 // <https://www.quimbee.com> URL: <https://www.quimbee.com/cases/office-depot-inc-v-zuccarini> (дата обращения: 03.01.2019).
8. 1st Tech. LLC v. Bodog Entm't Group // <https://www.jdsupra.com> URL: https://www.jdsupra.com/post/documentViewer.aspx?f_id=a9169484-953b-44ba-a9bd-be0c3d08ccda (дата обращения: 03.01.2019).
9. Закон о защите потребителей от киберсквоттинга // <https://www.gpo.gov> URL: <https://www.gpo.gov/fdsys/pkg/CRPT106srpt140/html/CRPT-106srpt140.htm> (дата обращения: 03.12.2018).
10. Jennifer Davis, Intellectual Property Law (3d edn, Oxford university press 2008) p. 189
11. *Thisisbezogd.Nl Bv v. Tjokkie E-Marketing B.V.* [2008] ECLI:NL:RBUTR:2008:BG4155 (Rechtbank Utrecht)
12. Stephan Kuipers, The relationship between Domain names and Trademarks/Trade Names, (2015) // <https://lup.lub.lu.se> URL: <https://lup.lub.lu.se/studentpapers/search/publication/5470120> (дата обращения: 13.06.2019)
13. Case 657/11 Belgian Electronic Sorting Technology NV v. Bert Peelaers and Visys NV. [2013] ECR 00000
14. Directive 2000/31/EC of the European Parliament and of the Council of 8 June 2000 on certain legal aspects of information society services, in particular electronic commerce, in the Internal Market [2000] ECR 00000 // URL: <https://eurlex.europa.eu/legalcontent/EN/ALL/?uri=CELEX%3A62010CJ0070>

ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ ТОМОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятининг ҳамда ушбу жиноят объектив томонининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Калит сўзлари: таносил, ОИВ касаллиги, ОИТС, жиноят, жавобгарлик.

Дунёда ОИВ инфекцияси эпидемияси тез суръатлар билан тарқалмоқда. Сўнги 20 йил давомида ОИТСдан 20 млн.дан зиёд одам вафот этди, қарийб 50 млн. киши касалланган. Глобаллашув ва миграция жараёнининг тобора кенгайиб бориши, касалликнинг тарқалиш хавфи янада ошишига олиб келмоқда.

ЖКнинг 113-моддаси биринчи қисмида таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш, иккинчи қисмида эса, таносил касаллигини бошқа шахсга юктириш, учинчи қисмида ушбу ҳаракатларнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланган бўлса, тўртинчи қисмида ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдириш ёки юктириш, бешинчи қисмида эса, ушбу ҳаракатни шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида содир этилиши учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу моддада назарда тутилган жиноят таркиби қонун чиқарувчи томонидан зарар етказишнинг олдини олишга қаратилган ҳолда тузилган. Мазкур жиноятнинг тамом бўлиш вақти жиноий хатти-ҳаракатларни содир этиш ва муҳофаза этиладиган объектга ҳаққоний таҳдидини вужудга келтирувчи босқичига кўчирилган. Шу боис ҳам ушбу жиноят таркибида ижтимоий хавфи оқибатларнинг келиб чиқишига ишора йўқ. Лекин, ушбу моддага мувофиқ, таносил, ОИВ/ОИТС касаллигини юктириш хавфи остида қолдиришнинг ўзи қилмишни жиноят деб топиш учун етарли ҳисобланади.

Ф.Н.Нарзилоевнинг ёзишича, “таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш деганда, бошқа шахсга жинсий алоқа қилиш ёки бошқа усулларда ушбу инфекцион касаллик кўзгатувчиларини бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган шароитни яратиш тушунилади. Мазкур қилмиш шахснинг ўзида таносил касаллиги билан касалланганлигини аниқ билиб, жабрланувчининг мазкур касаллик билан оғриши учун аниқ хавф туғдиришидан иборат. Таносил касаллигини юктириш деганда, бошқа шахсга жинсий алоқа ёки бошқа усуллар билан ушбу инфекцион касаллик кўзгатувчиларини ўтказиш тушунилади”.

Таносил, ОИВ/ОИТС касаллигини тарқатиш жиноятининг тамом бўлган вақти сифатида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга реал зарар етказиш хавфини вужудга келтирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этилиши тан олинади. Бошқача айтганда, ушбу жиноят таркиби тамом бўлган деб топиллиши учун таносил, ОИВ/ОИТС касаллигининг юктирилиши шарт эмас.

Бунда таҳдиднинг реаллиги шундаки, инсон соғлиғига зарар ҳуқуқбузарга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра келиб чиқмайди. Яъни, қонун билан белгиланган зарарли оқибатлар (таносил, ОИВ/ОИТС касаллигининг юқиши) келиб чиқиши лозим бўлса-да, жабрланувчи томонидан ўз вақтида кўрилган чоралар ёхуд айбланувчи иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар таъсирида келиб чиқмайди. Бунда инсон саломатлиги учун таҳдид таносил, ОИВ/ОИТС касаллигини юктириш кўринишидаги зарар етказишнинг реал таҳдидида намоён бўлади.

ЖКнинг 113-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмлари эса, таносил, ОИВ касаллиги/ОИТСни бошқа шахсга юктириш билан боғлиқ моддий таркибли жиноят учун жавобгарликни белгилайди. Ушбу жиноят таркибининг тамом бўлган вақтини аниқлаш инсон организмга у ёки бу

вируснинг кириш вақти билан боғлиқ, зеро, “қонун билан қўриқланадиган объектни бузиш ҳар қандай усулда эмас, балки муайян ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, уларнинг хусусияти авваламбор, тегишли объектнинг хоссалари билан белгиланади”.

С.С.Власенко мазкур жиноятнинг тамом бўлиш вақти “ушбу жиноятнинг оқибати билан боғлиқ эканлигини” қайд этиб, “айбланувчи томонидан тегишли хавф вужудга келтирилган вақтдан бошлаб, жиноят тугалланган деб ҳисобланишини”ни қайд этади.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин бўлиб, бунда касалликни тарқатиш усули жиноятни малакалаш учун аҳамиятга эга эмас.

Тадқиқот иши юзасидан 30 та жиноят иши ҳужжатлари таҳлил қилинганда ОИВ/ОИТСни юктириш асосан жинсий йўл билан (97 фоиз), айрим ҳолларда эса, шахсий гигиена воситаларидан (устара) фойдаланиш орқали содир этилган.

Ушбу жиноят таркиблари формал ва моддий таркибли сифатида шакллантирилган. Хусусан, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш хавфи остида қолдириш (ЖКни 113-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмлари) формал таркибли, юктириш эса, моддий таркибли (ЖКни 113-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари) жиноят сифатида назарда тутилган.

Бунда ЖКнинг 113-моддасидаги моддий таркибли жиноят сифатида назарда тутилган жиноят таркиблари – бошқа шахсга таносил, ОИВ ёки ОИТСни юктирган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади. Бунда жиноятни малакалашда касалликнинг хусусияти ва оғирлиги аҳамиятга эга эмас. Қилмиш ва унинг оқибати ўртасида сабабий боғлиқлигини аниқлаш ЖКнинг 113-моддасини тўғри малакалаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, қилмиш ва оқибат келиб чиқиши ўртасида маълум муддат, ҳафтalar ёки ойлар ўтиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса, жабрланувчининг кўп шахслар билан жинсий алоқага киришганлиги ҳам ушбу ҳолатга аниқлик киритишни қийинлаштиради.

“Инсонга иммунитет танқислиги вирусининг юқиши иммун тизимининг мажбурий ва дарҳол йўқ қилинишини аниқламайди. Соғлиқнинг ёмонлашуви кўп вақт ўтгандан кейин келиб чиқади ёки умуман келиб чиқмаслиги ҳам мумкин, бироқ, инсон вирус ташувчига айланади ва бунинг натижасида нафақат касалнинг, балки бошқа шахсларнинг соғлиғи ҳам хавф остида қолади”.

Шухратжон ХАЙДАРОВ,

*Тошкент давлат юридик университети профессори в.б.,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бурдинская А.Н. Квалификация преступного заражения венерической болезнью: отдельные проблемы теории и практики // Проблемы в российском законодательстве. – 2014. – №6. – С. 140.
2. Власенко С.С. Поставление другого лица в опасность заражения ВИЧ-инфекцией // Российский следователь. – 2009. – №12. – С. 22-23.
3. Интернет сайты: www.UNAIDS.org/sites/default/files/media_asset/miles-to-go_en.pdf
4. Москалева Е.Н. Место заражения венерической болезнью и ВИЧ-инфекцией в уголовном законе // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2018. – Vol.6, Part 1. – С.120-121.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Гулбахор РАСУЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
таянч докторанти

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари таъминланаётгани Янги Ўзбекистонимизда кейинги йилларда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати дунё ҳамжамиятида эътироф этилаётгани барчамизни бирдай қувонтиради, ғайратимизга ғайрат, шижоат қўшади.

Ана шундай муҳим қувончлардан бири, 2017 йил 3 январда илк бора қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш” тўғрисидаги қонунидир. Мазкур қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш куйидагича баён этилган :

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

Дарҳақиқат, ушбу қонуннинг 18-моддасида эса, бевосита таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия қуйидаги тартибда белгилаб қўйилганлиги айни мuddао бўлди. Яъни, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши белгилаб қўйилди.

Финляндия тажрибасида олий таълим тизимида коррупцияни олдини олишнинг ташкилий асосларини яратишда энг аввало таълим муассасалари фаолиятларининг турли соҳалари ва таркибий бўлинмаларида коррупция хавфи баҳолаб олинади. Мисол тариқасида, иш жараёнида фирибгарлик, порахўрлик, лавозимни суистеъмол қилиш, ўғирлик ва бошқа ноқонуний ташқи ҳаракатлар, молиявий, ишлаб чиқариш ва ахборот йўқотишлари, ходимларда непрофессионал хулқ-атвор ва малака даражалари пастлиги каби хатарларнинг мавжудлик даражаси эътиборга олинади.

Хавфларни баҳолаш натижаларига кўра энг заиф жараёнлар, шунингдек, фаолияти юқори коррупция хавфи билан боғлиқ бўлган таркибий бўлинмалар аниқланади. Хавфларни баҳолашни амалга оширган-дан сўнг, корхона ёки ташкилотнинг бошқарув этикаси ва коррупцияга қарши сиёсати ишлаб чиқилади.

Олий таълим муассасаларида мувофиқлик сиёсатини ўрнатишда халқаро мувофиқлик ташкилотлари ва халқаро регуляторлар, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган тавсия ва кўрсатмаларга амал қилинади.

2001 йилда Буюк Британияда бутун дунё бўйлаб мувофиқликни таъминлаш бўйича мутахассисларни бирлаштирган ташкилот - Халқаро мувофиқлик уюшмаси (International Compliance Agency) ташкил этилган бўлса, халқаро амалиётда коррупцияга қарши курашиш назорати ривожига биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилдаги Коррупцияга қарши Конвенцияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) 1997 йилдаги Халқаро ҳамкорлик битимларида чет эллик мансабдор шахсларнинг порахўрликларига қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ва ФАТФнинг 2012 йил февраль ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича” халқаро стандартлари катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, халқаро рейтингларнинг баҳолаш мезонлари, бизнес ташкилотларининг тадқиқотлари ва тавсиялари коррупцияга қарши мувофиқлик тизимини жорий этишда андоза бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим тизимида ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарида коррупцияга қарши мувофиқлик назоратини жорий этилиши коррупцияни маълум миқдорда олдини олишга хизмат қилади ва бу жараён ўз-ўзидан хусусий корхоналарга ҳам кириб боради. Натижада коррупциянинг олдини олиш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг халқаро рейтингларида ўз ўрнини янада яхшилашига ва инвестицион жозибадорлигини оширишга ёрдам беради.

Финляндия таълимнинг асосий тамойилларидан бири - тенг таълим имкониятлари ва юқори сифатли таълим ва таълим олиш имкониятини яратиш. Ўқув муҳити инновацияларни рағбатлантиради. Финляндия таълим тизими илғор тадқиқотлар, инновациялар ва энг замонавий технологик ечимлар учун асос яратади. Кўпгина Европа мамлакатларида бўлгани каби, Финляндияда ҳам университетлар асосан давлатга тегишли ва барча университет дастурлари Финляндия Таълим вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган, бу эса таълимнинг жуда юқори даражасини кафолатлайди.

Аксарият университетлар Финляндия компаниялари билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу талабаларга ўқиш давомида амалиёт ўташга ёрдам беради ва ўқишни тугатгандан кейин иш билан таъминлайди. Финляндия таълим сиёсатининг асосий элементлари сифат, самарадорлик, адолат ва халқаролаштиришдир. Таълим ва маданиятга бўлган асосий ҳуқуқ Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. 1999 йил 11 июнда қабул қилинган (2011 йил 11 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) Финляндия Конституциясининг 16 § га мувофиқ, “Ҳар бир инсон асосий умумий таълимни бепул олиш ҳуқуқига эга. Умуммажбурий таълим қонун билан белгиланади. Давлат органлари қонунда бел-

гиланган тартибда ҳар кимга ўз қобилиятлари ва алоҳида эҳтиёжларига мувофиқ, асосий, шунингдек, бошқа таълим олиш ва моддий таъминот даражасидан қатъи назар, ўз-ўзини ривожлантириш билан шуғулланиш учун тенг имкониятларни тақдим этиши керак. Илм-фан ва санъатни, шунингдек, олий маълумотни олиш эркинлиги кафолатланади”.

Давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасидаги уч томонлама ҳамкорлик сиёсатни ишлаб чиқишнинг ажралмас қисмидир. Турли манфаатдор томонларнинг кенг доирадаги иштироки ва маслаҳатлашуви таълимни ислоҳ қилишда марказий ўрин тутати. Профессор-ўқитувчилар ва уларнинг вакили сифатида “Таълим” касаба уюшмаси таълим ривожининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Финляндия таълим сиёсатининг асосий йўналтирувчи ҳужжати Таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш давлат режасидир.

Юқорида Финляндия Конституциясининг таълим ҳақидаги нормалари билан яқиндан танишдик. Шу ўринда, Ўзбекистон Конституциясининг куйидаги нормаларини яна бир бора эслатиб ўтишни жоиз деб билдик. Аввало янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда куйидаги қоида, инсон манфаатлари барча нарсадан устунлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама муҳофаза этилиши бежиз белгилаб қўйилмаган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир;

инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этилишига ёки уларни чеклаб қўйишига ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши;

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши мустақамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошираётган барча ислохотларимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятни касб этмоқда.

Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда албатта адолат, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади.

Бундай муҳим мақсадларга эришишда прокуратура органлари ва ушбу тизимда хизмат қилаётган, ўз касби ва бурчига содиқ, ватанпарвар инсонларнинг роли катта эканини бугун алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда, Бош прокурорнинг Ўзбекистон халқига мурожаатларида эътиборимизни қаратишни ўринли деб билдик. Аввало, халқимизга янада яқин бўлиб, мамлакатимизда қонун ва адолат устуворлигини, тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлади.

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб - қувватлаш йили”да жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, навқирон ўғил - қизларимиз илгари сураётган ташаббусларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, янгиланган Конституциямиз ва қонунларимизга ҳурмат ва эътибор туйғусини янада кучайтириш, ҳар бир юртдошимизнинг уларга

қатъий амал қилиб яшабини таъминлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мамлакатимизда **“Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар”** деган эзгу тамойил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда ҳар бир прокуратура ходими бир ҳақиқатни чуқур англаб етиши зарур. Қачон одамларимиз ҳаётида хотиржамлик, рўзғорида фаровонлик ва ҳаловат бўлади, қачон уларда эртанги кунга ишонч ортади? Қачонки, юртимизда қонунлар қоғозда эмас, балки амалда қатъий бажарилган, ислохотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб, юртдошларимиз уларнинг амалий самарасини ўз кундалик ҳаётида ҳис этган тақдирда бу мақсадга тўла эришиш мумкин.

Энг аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, амалга ошириш биз вояга етказётган, тарбия қилаётган ёш авлодга қандай билим ва таълим беришимизга боғлиқдир. Хусусан, 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасига биноан: “Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга”, дея мустақамлаб қўйилгани айни муддао бўлди.

Ҳозирги замонавий тенденциялар талабидан келиб чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёев янгича фикрлайдиган, маъсулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилишини кечиктириб бўлмас вазифа этиб белгилади.

Ҳозирги вақтда Президентимиз томонидан қонунлар қоғозда эмас, амалда қатъий бажарилиши, ислохотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб бориши, юртдошларимиз уларнинг самарасини ҳаётида доимо ҳис қилиши зарурлигига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқий ислохотлар билан биргаликда, олий таълимдаги муаммолар ва уни бартараф этиш учун миллий таълим тизими ва хорижий давлатлар, айниқса, Финляндия тажрибасини таққослаган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан кўпгина саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси Финляндия билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйди. Финляндиянинг олийгоҳи очилди. Улар билан ҳамкор бўлди, энди муаллимлариям бошқа давлатларга бориб ўқитиб келинмаяпти, Финляндия педагоглари ўзлари Ўзбекистонга келиб уларни ўқитяпти, -дея Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон рейтингда Финляндия дунёдаги энг инновацион, энг бахтли ва хавфсиз мамлакат сифатида баҳоланмоқда. Финляндиянинг жаҳон даражасидаги таълим тизими мамлакат муваффақиятининг асосини ташкил этиб, унга маҳаллий ва глобал муаммоларга ечим топишда ёрдам беради. Финляндия таълим тизимини кўпинча юқори билимга эга кучли тизим деб аталади.

“Финляндиянинг жаҳон даражасидаги таълим тизими замонавий тадқиқотлар учун асос яратади. Финляндия инновацион ва технологик ечимларни яратиш қобилияти учун мақтовга сазовор. Финляндия олий таълим тизимида университет ва саноатнинг энг яхши фикрларини бирлаштирилади, бу эса инновацион ғояларни яратишга, таълим соҳасида инновацияларнинг қўлланилишига олиб келишини кузатиш мумкин дейди”-, ўз нутқида Лорэл Оутс АҚШда Сиэтл университетининг Ҳуқуқ мактаби профессори (АҚШ).

Бу борада рақамлар ва технологияларни тушунадиган, энг янги технологиялардан фойдаланишга ва уларни янада ривожлантиришга

одатланган одамлар мамлакатидир. Финляндия таълимдан ташқари, дунёдаги энг яхши бизнес муҳити сифатида ҳам тан олинган. Тадқиқотлар билан бир қаторда, сифатли таълим сўнги 100 йил ичида олий таълимнинг энг асосий вазифаси бўлиб келган. Финляндиянинг таълимдаги муваффақияти Финляндия жамиятини тенглик ва барқарорликка интилаётган замонавий Скандинавия ижтимоий давлатига айлантиришга ёрдам берди.

Бугунги кунда таълим тизимини халқаролаштириш олий таълим тизимининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Erasmus дастури қабул қилинган ва 90-йилларда Coimbra Group тармоғига қўшилганидан бери олий таълим ҳамжамиятидаги халқаро талабалар сони барқарор равишда ўсиб борди. Ҳозирги кунда юздан ортиқ мамлакатдан 2000 га яқин халқаро алмашувчи талабалар ва илмий даражалар мавжуд. Халқаролаштириш трансмиллий таълимни ҳам ўз ичига олади, бу барчага Турку университети тажрибасидан Сингапур, Саудия Арабистони ва Чили каби дунё мамлакатларида фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари, университет Намибияда сунъий йўлдош кампусини очди, у ерда дастурий таъминот муҳандислиги бўйича диплом дастурини тақлиф этади.

Дарҳақиқат, охириги йилларда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим тизими бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш, хусусан Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда муваффақиятларини ўрганиш, шунингдек, таълим сифатини ошириш, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақатгина ёдлашга эмас, балки мустақил фикрлашга чорлайдиган методика яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши мажлисининг 2023 йил 7 апрелдаги 9-сон баённомаси ижросини таъминлаш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан 2023 йил учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси доирасида олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлиmlари ходимларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувчи ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича билим ва кўникмаларини доимий ошириб боришларини таъминлаш мақсадида, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизимида педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказида 2023 йилнинг 5-июн кунидан бошлаб шартнома асосида бўлиmlар бошлиқлари ва ходимлари учун 36 соатлик қисқа муддатли махсус ўқув курси ташкил этилди.

Мазкур ўқув курсини мазмунли ва амалий жиҳатдан олиб боришда соҳанинг мутахассислари: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент шаҳридаги Инха университетининг малакали ходимлари жалб этилди.

Финляндиянинг Хельсинки университети профессори, Ўзбекистонлик олим Шерзод Эралиевнинг фикрига кўра, Финляндия олий таълим соҳасида коррупция масалалари бўйича бирон-бир ҳужжат топши амри маҳол. У Финляндия олий таълим соҳасида асосан, коррупциянинг олдини олишга қаратилган “*University of Helsinki anti-corruption policy/*

University of Helsinki” – “*Хельсинки университетининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати*” номли ҳужжат борлигини қайд этиб ўтган. Бу коррупция йўналишида ахлоқ-одоб кодексига ўхшаш ҳужжат бўлиб, университет сиёсатини белгиловчи ягона ҳуқуқий меъёр ҳисобланади, лекин Шерзод Эралиев Хельсинки университетидаги иш фаолияти давомида мазкур ҳужжат билан умуман тўқнаш келмаганлигини, сабаби университетда коррупция ҳолатлари учрамадлигини ўз интервьусида айтиб ўтган.

Тўғри, 2016 йил 15 декабрда қабул қилинган “*University of Helsinki procurement principles*” (*Харидлар бўйича университетлар қоидалари*) ҳамда “*Government Resolution on the National Anti-Corruption Strategy and Action Plan 2021–2023*” (“2021-2023 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тўғрисида ҳуқуқат қарори”) ҳужжатлари ҳам мажуд, лекин улар кўпроқ ҳуқуқатнинг умумий сиёсатини ифодалайди, алоҳида олий таълимга оид эмас. Мазкур ҳужжатлар мазмуни ва бу борада олиб борилаётган ишлар натижасида Финляндия олий таълим соҳасида коррупциявий жиноятларнинг йўқлиги ўз исботини топган.

Финляндия тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда порахўрлик ва коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари тубдан таҳлил қилиниши ва лозим даражада такомиллаштирилиши зарур, деб ҳисоблайман. Қонунчилик етарлича самарали бўлиши, қонун ишлаб чиқилган мақсадига хизмат қилиши ва профилактик таъсир кучига эга бўлиши керак.

Хусусан, шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси”нинг VI-йўналишида коррупция муаммоси умумбашарий муаммо сифатида эътироф этилиб, Стратегиянинг 84-мақсади айнан “Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” деб белгиланган. Мазкур мақсад доирасида коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни қучайтириш вазифалари алоҳида таъкидланган.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 20 июнь кунини давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилишда олий таълим билан боғлиқ кўтарилган масалаларни алоҳида қайд этишни жоиз деб билдик. Унга кўра, охириги етти йилда олий таълим қамрови 5 баробар, яъни 9 фоиздан 42 фоизга ошгани билан ёшларнинг муҳандислик-техникага қизиқиши жуда пастлиги қайд этиб ўтилди. 2023 йил сўровномасида атиги 8 фоиз мактаб битирувчиси шу соҳани танлаганлиги таъкидланди.

Кўпгина профессор-ўқитувчилар амалиётдан узилиб қолганлиги, муҳандислик бўйича 9 минг 600 нафар профессор-ўқитувчининг 40 фоизи сўнги 5 йилда малака оширмаганлиги баён этилди.

Айрим институтлардаги ўқитувчиларнинг юкламаси хорижга нисбатан 2 қарра кўплиги, баъзи университетлар илмий лабораторияларидаги усқунанинг 50 фоизи эскиргани, қўшимча лаборатория ва замонавий жиҳозларга эҳтиёж мавжудлиги ачинарли ҳолат эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, 36 та муҳандислик олийгоҳи ва уларнинг филиаллари босқичма-босқич йириклашиб, жами 20 та олийгоҳ қолиши, ҳар бир ҳудудда камида 1 тадан техника университети бўлиши белгилаб қўйилди.

Ректорлар ҳамкорлик учун хорижий олийгоҳларни танлашда улар фаолиятига тўғри келишини таҳлил қилиб, шошма-шошарликсиз қарор қабул қилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳар бир олийгоҳ Германия, Япония, Хитой, Россия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур каби ривожланган ҳамкор давлатларнинг нуфузли техника университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидланди.

Хулоса ўрнида, олий таълим соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда, узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш куйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз:

таълим жараёнига рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва замонавий усулларни жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини оширишда академик ҳалолликни кучайтиришга алоҳида ўрзу бериш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан замонавий янги механизмларини жорий этиш.

Ўтказилган тадқиқотлар ва ўрганишлар натижасига кўра, куйидаги **таклиф ва тавсияларни** беришни ўринли деб билдик:

олий таълим муассасаларининг фаолиятида шаффофлик ва ҳолислик тамойиллари тўлақонли амал қилишини, коррупцияга шароит яратувчи омилларнинг барвақт олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тавсияларни рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқиш;

республикадаги барча олий таълим муассасалари ва ректорларнинг мустақил рейтингини шакллантириш ҳамда уларнинг йиллик ўсиш динамикасини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларда кўмаклашиш;

олий таълим муассасалари ректор лавозимларига муносиб номзодларни саралаш ҳамда бошқарув кадрлар захираларини шакллантириш мақсадида "Ректорлар мактаби" тизими шаффофлигини таъминлашда рақамли технологиялардан тўғри фойдаланиш.

Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида, деканатларнинг талабаларга хизмат кўрсатиш функцияларини тўлиқ рақамлаштириш, хориждаги каби "Регистратор офиси" ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. (Ҳозирги кунда айрим ОТМларда ташкил қилинган, барча ОТМлар тўлиқ қамраб олинмаган.)

Хўш, регистратор офиси дегани ўзи нимани англатади?

Регистратор офиси (Office of Registrar) – ОТМнинг ўқув-услубий бошқармаси таркибидаги мустақил тармоғи ҳисобланиб, профессор-ўқитувчи, ОТМ ходимлари ва талабаларининг билим ва кўникмалари диагностикаси натижаларини таҳлил қилиш, талаба ва тингловчилар рейтингларини юритиш, уларга хизмат кўрсатишни тизимли йўлга қўйиш ҳамда таълим жараёнида шаффофликни таъминлаш фаолиятини амалга оширади.

Регистратор офисининг асосий мақсади: ходимнинг бакалаврият, магистратура босқичларида таълим олиш ва кейинчалик фаолияти давомида (малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш жараёнлари орқали) тегишли касбий компетенцияларни шаклланишини узлуксиз мониторинг қилиб боришдан иборат бўлади.

Офиснинг асосий госяи ўз стратегияси асосида фаолиятни тўлиқ йўлга қўйиш ва бошқа таълим муассасаларининг шу каби тузилмалари ўртасида юқори ўринга кўтариш, тажрибаси билан бошқа таълим муассасаларга таништириш, фаолиятни миллий ва халқаро майдонда кенг тарғиб этишдан иборат бўлади.

Шунингдек, Финляндиянинг ижобий тажрибасини ўрганиш орқали, уни Ўзбекистонга инobatга олиш, имплементация қилиш масалалари-

да миллий қонунчилик тизимига айрим атамаларни киритиш ҳозирги давр талаби эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси (22.09.1994 й.) VIII - "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" бўлимига куйидаги атамаларнинг таърифини киритишни зарурат деб биламиз.

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцион жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – Коррупцион жиноятларни ўз вақтида тез, ҳамда сифатли аниқлаш ва очишда сунъий интеллект алгоритми ёрдамида аффилиланганлик, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, жинойий даромадларни легаллаштириш, давлат харидлари соҳасидаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

бу атамаларнинг жиноят кодексига киритилиши коррупцион жиноятларни ўз вақтида тез ва самарали аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупциявий жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини тўлиқ таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.Расулова. Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг "комплаенс назорат" тизими фаолияти. //POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 10(43), 2021)// - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. – 263 p. 236-237-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш" тўғрисидаги қонуни. ЎРҚ-419. 2017 йил. <https://lex.uz/docs/3088008>
3. Г.Расулова // Финляндия олий таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хослиги ва уни Ўзбекистон Республикасига инobatга олиш масалалари. "Ўзбекистон фалсафа тарихи мактаби ва учинчи ренессанс"// мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари./2022 йил 17 май/ 340-6.// 107-108-бетлар.
4. <https://t.me/edu.uz>.Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахбороти.
5. Алиев В.М., Соловых Н.Н. Преступления коррупционной направленности в сфере высшего образования: проблемы противодействия // Российский следователь. № 4. 2019
6. Shurygin F.F. Anti-Corruption policy of the Kingdom of Sweden. Young scientist. № 34.2018
7. <https://worldscholarshipforum.com>
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30.04.2023 й. 20-модда. <https://lex.uz/docs/6445145>
9. Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига. 08.01.2024 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6961>
10. <https://www.xabar.uz/jamiyat/bosh-prokuror-aholiga-murojaat-qildi>
11. Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига. 08.01.2024 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6961>
12. Йўлдошев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати. Ҳуқуқ газетаси./ № 3 (1408). 18.01.2024 йил. 2-бет.
13. <http://president.uz>.
14. Расулова Г. Финляндия олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари// International Scientific Forum. January 13, 2023, 729-бет.
15. <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=1320>.
16. Расулова Г.А. Олий таълимда коррупциянинг олдини олиш Финляндия мисолида. // "Advokat" журна.// 20.10.2023 й. <https://korruptiontorjunta.fi/en/contact-information>.
17. Matti Joutsen, Juna Keranen Corruption and the prevention of corruption in Finland www.om.fi. //Уголовный кодекс Финляндии <http://www.finlex.fi/pdf/saadkaan/E8890039.PDF>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
19. https://t.me/Press_Secretary_Uz

ТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ КРИМИНАЛИСТИКА ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

АННОТАЦИЯ:

глобаллашув ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши шароитида террористик ташкилотлар ўз ҳаракатларини режалаштириш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун замонавий рақамли технологиялардан тобора фаол фойдаланиб келишмоқда. Мазкур мақолада терроризмга қарши кураш, унинг олдини олиш ва тергов қилишда рақамли криминалистика имкониятларидан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилади. Тергов жараёнида қўлланиладиган усул ва технологиялар ҳамда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: рақамли криминалистика, компьютер форензикаси, рақамли далиллар, рақамли излар, ахборот технологиялари, терроризм, антикриминалистика.

Терроризм ҳозирги кунда глобал даражада энг мураккаб таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий террористик ташкилотлар ўз ҳаракатларини яшириш, ўзаро маълумот алмашиш ва операцияларни мувофиқлаштириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишмоқда. Шу муносабат билан компьютер суд экспертизаси (форензика) номи билан ҳам маълум бўлган рақамли криминалистика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари арсеналининг асосий воситасига айланиб, терроризм жиноятларини самарали очиш ва тергов қилиш имкониятини яратмоқда.

Форензика - криминалистиканинг бир бўлими ҳисобланиб, форензика (лотин. foren - форум олдидаги нутқ, суд олдидаги нутқ, суд муҳокамаси) ёки компьютер (рақамли) криминалистикаси - компьютер маълумотлари билан боғлиқ жиноятларни очиш, рақамли далилларни ўрганиш, бундай далилларни қидириш, олиш ва тақдим этиш усулларини ўз ичига олади.

“Forensics” атамаси “foren science” нинг қисқартирилган шакли, сўзма-сўз “суд фани”, яъни ўзбек тилида криминалистика деб аталадиган далилларни текшириш фанидир. Ўз навбатида, компьютер далилларини ўрганиладиган криминология бўлими инглиз тилида “computer forensics” деб номланади.

Претория университети докторлари А.Алберт ва Х.Вентерларнинг фикрича, рақамли криминалистика Эдмонд Локарнинг ўзаро алмашиш тамойилига асосланади. Яъни, объектлар ва юзалар бир-бири билан контактга киришганда, материалларнинг ўзаро алмашуви вужудга келади. Рақамли криминалистика нуқтаи назаридан олганда одамлар ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланганда ҳам рақамли изларни қолдирадилар [3]. Хусусан, АКТдан фойдаланувчи шахс рақамли изларини қолдириши мумкин, яъни АКТ фойдаланувчилари томонидан қолдирилган маълумотлар, улар ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан фой-

даланувчининг ёши, жинси, ирқи ва миллати, фуқаролиги, жинсий ориентацияси, фикрлари, афзалликлари, одатлари, сеvimли машғулотлари, касаллик тарихи, психологик касалликлари, машғулот тури, маълум бир жамоага аъзолиги, муносабатлари, геолокацияси, кундалик тартиби ва бошқа фаолиятлари.

Бундай рақамли излар актив ёки пасив бўлиши мумкин. Фаол рақамли излар фойдаланувчи томонидан яратилган маълумотлар, масалан, иловалар, веб-сайтлар, электрон эълонлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа онлайн форумларда жойлаштирилган шахсий маълумотлар, видеолар, расмлар ва шарҳлар. Пассив рақамли излар - бу Интернет ва рақамли технологиялардан фойдаланувчи шахс томонидан беҳосдан қолдирилган маълумотлар (масалан, браузерни кўриш тарихи).

Актив ва пасив рақамли изларнинг бир қисми бўлган маълумотлар содир этилган жиноятда далил сифатида ишлатилиши мумкин. Бундай маълумотлар бирон-бир фактни исботлаш ёки рад этиш учун ҳам ишлатилиши мумкин; жабрланувчи, гувоҳ ва гумон қилинувчининг кўрсатмаларини тасдиқлаш ёки рад этиш; гумон қилинувчининг жиноят содир этишда иштирок этганлигини ёки иштирок этмаслигини тасдиқлаш.

Террористик гуруҳлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва рақамли технологиялардан турли мақсадларда тобора фаол фойдаланиб келишмоқда: ижтимоий тармоқлар ва месенджерлар ёрдамида янги аъзоларни ёллаш (ЖКнинг 155²-моддаси), тарғибот (ташкилот ҳояларини тарғиб қилувчи, ташкилот атрибутлари ёки рамзий белгиларини намойиш этиш, экстремизм ва адидапарастлик ҳоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш ва ҳ.к.) (ЖКнинг 244¹-моддаси), террористик ташкилотнинг фаолият олиб бориши учун маблағ йиғиш ва уни молиялаштириш (ЖКнинг 155³-моддаси), хуружларни режалаштириш ва амалга ошириш (ЖКнинг 155-моддаси). Рақамли криминалистика

хуқуқни муҳофаза қилиш органларига қуйидагиларга имкон беради:

1. Таҳдидларни аниқлаш ва олдини олиш: гумон қилинувчиларнинг Интернетдаги фаолияти ва алоқаларини таҳлил қилиш, эҳтимолий ҳамда режалаштирилаётган ҳужумларнинг олдини олишга ёрдам беради. Хусусан, сунъий интеллект ёрдамида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиб, шубҳали паттернлар (калит сўзлар) ни аниқлаш алгоритмларидан фойдаланиш ҳамда мавжуд маълумотлар асосида келажақдаги таҳдидларни аниқлаш.

2. Далилларни тўплаш: қурилмалар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа онлайн платформалардан рақамли далилларни аниқлаш, қайд этиб олиш ҳамда улардан тергов ҳамда суд процессида далил сифатида фойдаланишда ёрдам беради.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 24.08.2018 йилги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори 9-банди "к" хатбошисида рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилганлиги ёки кўздан кечирилганлиги далилнинг номақбул деб топилишига сабаб бўлиши қатъий кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, терговнинг барча босқичида ахборот ташувчи воситалар билан ишлашда мутахассис иштироки таъминланиб, баённомада ахборот ташувчи қурилманинг барча техник характеристикалари (русуми, сигими, мобил қурилмаларда эса ишлаб чиқарувчи номи, модели, серия рақами ва IMEI кодлари, СИМ-картанинг қайси алоқа компаниясига тегишлилиги ва ICCID рақамлари ва ҳ.к.) батафсил қайд этилиши лозим.

3. Молиявий оқимларни кузатиш: террористик фаолият билан боғлиқ операциялар ва маблағларнинг ҳаракатини ўрганади ва молиявий операцияларнинг таҳлилин олиб боради. Булар жумласига, банк маълумотлари: шубҳали фаолиятни аниқлаш учун банк ҳисоб-рақамлари, ўтказмалар ва операцияларни таҳлил қилиш; Криптовалюталар: Bitcoin ва Ethereum каби криптовалюта блокчейнларидаги операцияларни кузатиш учун махсус воситалардан фойдаланиш; электрон тўлов тизимлари: PayPal, Venmo каби электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилаётган операцияларни кузатиш киради.

4. Террорчиларни аниқлаш ва ушлаш: рақамли изларни таҳлил қилиш террористик гуруҳлар аъзоларини улар томонидан қолдирилган рақамли излар (овоз ёзувлари, видео-фото ёзувлар, ID, IP, Мас манзиллар ва ҳ.к.) ёрдамида идентификация қилиш (шахсини аниқлаш) ва уларнинг дислокациялари (жойлашган жойлари) ҳамда ҳаракатланиш маршрутларини аниқлашга ёрдам беради.

Рақамли криминалистика терроризм жиноятларини тергов қилишнинг турли босқичларида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Ахборот йиғиш: компьютер форензикаси тадқиқот объектлари ҳисобланган электрон ахборот ташувчи воситалар, компьютерлар, мобил қурилмалар, тармоқ тизимлари ва бошқа манбалардан, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ижтимоий тармоқлар, мессенджерлар ва электрон почтадан олинган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. Мутахассислар шифрланган хабарлар ва яширин маълумотларни шифрлаш учун стеганография ва криптография усулларида фойдаланадилар.

- Рақамли изларни таҳлил қилиш: журналлар, тармоқ трафиғи ва метамаълумотларни таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиш. Бу гумонланувчилар ўртасида алоқаларни ўрнатиш, террористик гуруҳларни молиялаштириш ва моддий-техник қўллаб-қувватлаш манбаларини аниқлаш имконини беради.

- Маълумотлар билан ишлаш ва таҳлил қилиш тезкорлиғи: терроризм ва экстремизм жиноятларини тергов қилиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, гумон қилинувчи шахслар фойдаланувидаги мобил қурилмалар ҳамда компьютерларнинг хотирасидаги маълумотлар, тикланган маълумотлар, ёзишмалар, абонентлар ўртасида амалга оширилган боғланишларни таҳлил қилиш тергов гуруҳи ва мутахассислардан жуда кўп меҳнат ҳамда вақтни талаб қилади. Замонавий рақамли криминалистика арсеналида бўлган махсус дастурлар эса қайд этилган маълумотларни қисқа муддатларда таҳлил қилиб, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда тезкорлик принципини таъминлайди.

- Маълумотларни тиклаш: ўчирилган файлларни, бузилган ёки шифрланган маълумотларни тиклаш усуллари қўллаш. Ушбу усуллар ўчирилган ёки яширилган эҳтимоли бўлган муҳим далилларни қайта тиклашга ёрдам беради.

- Далилларни тақдим этиш: тадқиқот натижаларини тергов ва судга эксперт хулосаси кўришида тақдим этиш.

Терроризм жиноятини тергов қилишда муҳим ютуқларга қарамай, рақамли криминалистика бир қатор актикриминалистика деб номланувчи муаммоларга дуч келмоқда.

Нью-Хейвен Университетининг профессорлари K.Conlan, I.Baggili, F.Breitingerлар ўзларининг "Anti-forensics: Furthering Digital Forensic Science Through a New Extended" (2016) мақоласида "Антикриминалистика (ёки рақамли антикриминалистика) - бу атама "рақамли тизимларда жиноий фаолиятнинг далиллари сифатида хизмат қилувчи маълумотларни ўчириш, ўзгартириш, бузиш ёки уларга бошқача таъсир қилиш учун ишлатиладиган асбоб ва усуллар"га қўлланила-

ди. Гўё жиноятчилар жисмоний дунёдаги жиноят саҳнасидан далилларни олиб ташлагандек" деб таъриф беришган.

Перью Университетидан Марк Роджерс эса мазкур атамага қуйидагича таъриф бериб ўтади: "Жиноят жойидан олинган далилларнинг мавжудлиги, миқдори ва/ёки сифатига салбий таъсир кўрсатишга ёки далилларни таҳлил қилиш ва ўрганишни қийин ёки имконсиз қилишга уринишлар".

Ҳозирги кунда терроризм жиноятини тергов қилишда антикриминалистиканинг қуйидаги жиҳатларини кўришимиз мумкин:

1. Шифрлаш: террорчилар томонидан маълумотларни шифрлаш усулларида кенг фойдаланиш уларни далил сифатида ишлатиш ва таҳлил қилишни мураккаблаштиради.

2. Интернетда анонимлик: "Тор" каби VPN анонимайзерлар тармоқлардан фойдаланаётган гумонланувчиларни кузатишни қийинлаштиради.

3. Маълумотларни ўчириш: рақамли маълумотларни маълумот ташувчи воситалардан тубдан ўчириш имконини берувчи дастурлар. Ушбу дастурлар ёрдамида ўчирилган маълумотларни қайта тиклаб, улардан далил сифатида фойдаланиб бўлмайди.

4. Катта ҳажмдаги маълумотлар: катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш зарурати катта ресурслар ва вақтни талаб қилади.

5. Халқаро ҳамкорлик: террористик тармоқлар кўпинча халқаро миқёсда ишлайди, бу мамлакатлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида юқори даражадаги мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни талаб қилади. Турли хил миллий қонунлар ва ҳуқуқий тизимлар маълумот алмашиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни қийинлаштириши мумкин.

6. Ахлоқий ва ҳуқуқий масалалар: маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий нормаларга қатъий риоя қилишни талаб қилади. Рақамли текширувлар пайтида фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳуқуқий оқибатларга ва жамоатчилик ишончини йўқотишига олиб келиши мумкин.

7. Техник қийинчиликлар: технологияларнинг доимий ривожланиши рақамли суд экспертизаси усуллари ва воситаларини доимий равишда янгилашни талаб қилади.

Рақамли криминалистикани ривожлантириш истиқболлари қуйидаги янги технологиялар ва усулларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ:

- Сунъий интеллект ва машинани ўрганиш: маълумотларни таҳлил қилиш жараёнларига сунъий интеллект ва машинани ўрганишни киритиш тергов тезлиги ва аниқлигини оширади.

- Булутли технологиялар ва катта маълумотлар: булутли ҳисоблаш ва катта маълумотларни таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиради.

- Шифрлаш ва деанонимлаштириш усуллари-ни такомиллаштириш: маълумотларни шифрлаш ва аноним фойдаланувчиларни кузатиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш.

- Мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш: рақамли криминалистика соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва тренингларни ишлаб чиқиш.

- Қўшма халқаро лойиҳалар: халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва терроризмга қарши кураш бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш глобал хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.

Рақамли суд экспертизаси терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилишда тезкор-қидирув тадбирлари каби муҳим роль ўйнашда давом этмоқда. Замонавий технологиялар ва рақамли маълумотларни таҳлил қилиш усулларида самарали фойдаланиш терроризм жиноятининг олдини олиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона тергов қилиш учун зарур шартдир. Шу билан бирга, терроризмга қарши кураш самарадорлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз ўрнида ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни ҳамда бу соҳада малакаси мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади.

Нодирхон НАЖМИТДИНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н. Н. Федотов. *Форензика - компьютерная криминалистика*. - М.: "Юридический мир", 2007. - 433 с. (N. N. Fedotov. *Forensics - computer forensics*. - M.: "Yuridicheskiy mir". 2007. - 433 p.)
2. Casey, E. (2011). "Digital Evidence and Computer Crime: Forensic Science, Computers, and the Internet", Academic Press.
3. Albert Antwi-Boasiako & Hein Venter (2019) "A Model for Digital Evidence Admissibility Assessment".
4. Организация Объединенных Наций. Вена (2019). "Киберпреступность. Модуль 4". 4-7 с. (The United Nations. Vienna (2019). "Cybercrime. Module 4" 4-7 p.)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги "2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6255-сонли Фармони. (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan dated 01.07.2021 "On approval of the national strategy of the Republic of Uzbekistan for the fight against extremism and terrorism for 2021-2026" № 6255.)
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 24-сонли қарори. (Resolution of the plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 24 of 24.08.2018 "on certain issues of applying the norms of the Criminal-Procedural Law on the acceptability of evidence".)
7. John Bair. *Seeking the Truth from Mobile Evidence Basic Fundamentals, Intermediate and Advanced Overview of Current Mobile Forensic Investigations*. "Elsevier Inc.", 2018. -503 p.
8. Guttman, R., & Rojas, J. (2019). "The Role of Digital Forensics in Counter-Terrorism Efforts." *Journal of Forensic Sciences*, 64(5), 1361-1370.
9. Conlan, Kevin, Ibrahim Baggili, and Frank Breiting. (2016). *Anti-forensics: Furthering digital forensic science through a new extended, granular taxonomy*. *Digital Investigation Vol. 18*, 66-75.

ИНТЕРНЕТ АШЁЛАРГА НИСБАТАН ХУСУСИЙ МУЛК МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Интернет ашёларининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ назарий масалалар таҳлил қилинган. Хусусан, интернет ашё тушунчаси ва бу борадаги турли олимларнинг назарий воялари, қарашлари ва бошқа ҳуқуқ тизимларидаги ҳолатлар, шунингдек уни ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибалар ўрганилган ҳамда юртимиздаги ҳолат билан солиштирилган. Яқунда интернет ашё фуқаролик ҳуқуқининг объекти деган муайян хулосага келинган ва буни қонунчиликка киритиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Интернет ашё, рақамли қурилмалар, замонавий хизматлар, сифат, сунъий интеллект, рақобатни таъминлаш, интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, хусусий мулк, тармоқ.

Интернет ашёлар (Internet of Things, қисқартирилгани lot) – бу Интернетга уланган ашёларнинг глобал тармоғи – сенсорлар, датчиклар, сигнал узатиш воситалари билан жиҳозланган қурилмалар ҳисобланади. Ушбу рақамли қурилмалар атрофдаги дунёдан турли хил сигналларни сенсорлар ёрдамида сезиши, бошқа қурилмалар билан ўзаро алоқада бўлиши, объектларнинг ҳолатини масофадан кузатиб бориши, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиши ва улар асосида қарор қабул қилиш мақсадида маълумот алмашиши мумкин. Масалан, гараж эшиклари, кофе қайнатгичлар, телевизорлар, мобил телефонлар, видеокамералар, ёруғлик ва ҳарорат сенсорлари каби.

“Интернет ашёлари” атамаси 1999 йилда Массачусетс технология институти AutoIDCenter тадқиқот маркази асосчиси Кевин Эштон томонидан таклиф қилинган. У кейинчалик IoTдаги реал жисмоний дунёнинг ҳар бир нарсаси рақамли дублга, унинг виртуал вакилликка эга бўлишини таклиф қилди. IoT йўналиши 2000 йилларнинг бошларида интернетга уланган қурилмалар сони интернет фойдаланувчилари сонидан ошиб кетганда фаол ривожлана бошлади.

Австралияда шифокорлар аллақачон беморларнинг соғлигини кузатиш ва унинг ўзгаришига реал вақтда жавоб бериш учун портатив сенсорлардан фойдаланишлари мумкин. АҚШдаги AT & T телефон компанияси эса кексалар учун энг хавфли муаммолардан бири – кутилмаган йиқилишларни ҳал қилишга мўлжалланган тизимни ишлаб чиқди. Кичкина қурилма автоматик равишда эгасининг танаси ҳолати кескин ўзгаришини аниқлайди ва тезкор ёрдам кўрсатиш учун call-марказга мурожаат қилади.

Одамлар ҳаётида кундалик маиший муаммолар камроқ бўлади, яъни оила, ижодкорлик, сеvimли машғулотларга кўпроқ вақт ажратиш мумкин. Қурилмаларни интернетга улаш одамларга ресурсларни оқилона бошқариш учун кўпроқ имкониятлар беради.

Интернет ашёларига хос бўлган учта асосий хусусиятни ажратиш кўрсатиш мумкин: 1) интернетга уланган кўп сонли қурилмаларнинг мавжудлиги; 2) атрофдаги макон ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва уларнинг уланган қурилмалар ўртасида алмашинуви; 3) интернет ашёлари қурилмалари томонидан тизим ҳаракатларининг (яъни, инсон иштирокисиз) ҳуқуқий аҳамиятга эга вазибаларни

автоматик тарзда амалга ошириши ва одамлар, умуман жамият учун оқибатларга олиб келиш лаёқатининг мавжудлиги.

Кўп сонли тадқиқотларда интернет ашёлар феномени тадқиқотчилар томонидан технократик, яъни жисмоний ва виртуал объектларни ноёб тарзда боғлайдиган инфратузилма тармоғи сифатида намоён бўлишдан тортиб, муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотларни тўплаш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга телекоммуникациялардан фойдаланадиган нарсалар, қурилмалар ва IoT вакиллик модели билан жисмоний виртуал (рақамли) реалликнинг янги интеграцияси ҳамда инсон фаолиятининг кейинги миграцияси билан тобора тезлашиб бораётган виртуал реалликка жуда хилма-хил моделларда тасвирланган.

Бир қатор муаллифлар инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти ердаги цивилизация истикболига ҳақиқатан ҳам таҳдид соладиган салбий омилга айланиши бундай позициядан чиқиш йўлидаги рақобатдош назариялар тўпламининг пайдо бўлишига олиб келди, деб ҳақли равишда ишонишади.

Ривожланиш моделларининг номукамаллиги ҳақиқати жамият ижтимоий ҳаётнинг давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, ҳарбий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа барча қатламларига тўлиқ тааллуқлидир.

Бугунги замонавий глобаллашаётган ва ўзаро боғлиқ дунёмизда қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши керак бўлган ахборотлар (маълумотлар) миқдорининг мисли кўрилмаган ўсиши кузатилмоқда, бу эса ушбу маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тушуниш ва вақтни таъминлаш учун қарор қабул қилишнинг дискретлигини ошириш зарурлигига олиб келади. Бошқа томондан, инсон фаолиятининг ички ва ташқи муҳити, ташқи ва ички таъсирлар ҳолати параметрларининг замонавий юқори динамикаси қарорларни қабул қилишнинг дискретлигини камайитириш ёки мавжуд ўзгаришларга мувофиқ қабул қилинган қарорларни тезкор тузатиш ёки тез-тез содир бўладиган нарса, мазмун жиҳатидан янги қарор қабул қилиш зарурлигига олиб келади.

Бизнинг бутун ҳаётимиз, цивилизациянинг мавжудлиги доимий қарор қабул қилиш усулидир. Дарҳақиқат, бутун мавжуд бўлган даврда жамиятнинг ҳар қандай субъектла-

ри (шахс, ижтимоий уюшмалар, давлатлар ва бошқалар) доимий равишда қарор қабул қилади. Қарор қабул қилишда ахборотлар (маълумотлар) тўпланади ва таҳлил қилинади, уларнинг ҳажми цивилизация ривожланиши билан доимий равишда ошиб боради. Тўпланган маълумотлар ҳажмини ошириш зарурати қуйидагилар билан изоҳланади: қарорлар қабул қилиш предметини кенгайтириш, инсон фаолияти жуғрофияси ва кўламини ошириш; қабилалараро, давлатлараро, халқаро, минтақалараро ва қитъалараро иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш; коммуникацияларнинг глобаллашуви (транспорт, товар, иқтисодий, молиявий, маданий, ахборот ва бошқалар) ва ҳоказо.

Бир томондан, ахборот коммуникацияларини глобаллаштириш зарурати почта, телеграф, радио, телевидение ва интернетнинг ихтиро қилиниши ва кенг тарқалишига олиб келди, бошқа томондан, қарор қабул қилиш учун тўпланиши ва қайта ишланиши керак бўлган маълумотларнинг ўсиб бориши компьютерлар ва компьютер технологияларининг яратилиши ва кенг жорий этилишига олиб келди. Йигирманчи асрнинг 60-йилларида ахборотни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш учун компьютер технологияларидан тез суръатлар билан фойдаланиш “ахборот жамияти” деб номланган дунёга машхур ҳодисанинг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди. Шундай қилиб, ахборот жамияти компьютер ва телекоммуникация технологияларидан максимал даражада фойдаланадиган жамият сифатида қарорларни қабул қилиш жараёнида ҳам, уларни ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида амалга ошириш жараёнида ҳам катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига жавоб бўлди.

Шундай қилиб, замонавий қарорларни қабул қилиш жараёни;

- кўп миқдордаги, айрим ҳолатларда эса катта ҳажмдаги ахборот (маълумотлар)ни тўплаш ва қайта ишлаш;
- қарор қабул қилинаётган ҳодиса ёки жараён билан боғлиқ объектларнинг тўлиқ сонини ҳисобга олиш зарурати билан;
- аниқ қарорларни қабул қилиш учун ажратилган вақтнинг доимий равишда пасайиши, яъни реал вақт режимида тобора кўпроқ қарорлар қабул қилиниши лозимлиги билан тавсифланади.

Бундай шароитда инсон асосли, тўғри қарорлар қабул қила олмайди. Бу инсон когнитив қобилиятларининг маълум хусусиятларига боғлиқ. Ж.Миллер инсон қабул қилиши, қайта ишлаши ва эслаб қолиши мумкин бўлган маълумот миқдори унинг бевосита хотираси ҳажми билан чекланганлигини, яъни одам бир вақтнинг ўзида 7 + 2 ёки 7 – 2 ҳажмдаги маълумотни ушлаб туриши ва қайта ишлашга қодир эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, бир бўлак ахборотнинг бир элементи сифатида 1 ҳарф, 1 сўз, 1 ибора (1 семантик тасвир) тушунилади. Агар тасвирлар ёки кузатиш (назорат) объектлари сони чегара қийматидан ошса (7 + 2), бир хил объектларни гуруҳга ақлий бирлаштириш мавжуд бўлиб, бу янги объектларни инсон диққат соҳасида сақлашга имкон беради, лекин гуруҳдаги индивидуал объект кузатилган маълумотларнинг батафсил даражасини пасайтиради. Бошқача қилиб айтганда, қарор қабул қилинган ҳодиса ёки жараён билан боғлиқ

объектлар 9 тадан кўпайтирилганда, бундай қарорнинг аниқлиги ва сифати пасаяди.

Бир қатор муаллифлар томонидан инсониятнинг бу асосий камчилиги инсон миясининг чекланган когнитив имкониятлари бўлиб у зарур маълумотларнинг ҳаммасини ёки аксариятини вақт чекловлари остида таҳлил қила олмаслиги қайд этилган.

Ушбу вазиятдан чиқиш йўли интернет ашёлари технологияларининг ҳар доим, кенг кўламли ва ҳар куни кўлланилишида кўринади. Бунинг сабаби шундаки, турли хил ишларни амалга оширишда ва турли хил хизматларни тақдим этишда имкон қадар мақбул қарорларни қабул қилиш ва уларни реал вақт режимида инсон иштирокида ҳам, иштирокисиз ҳам амалга ошириш учун реал шароитларни яратадиган интернет ашёлари технологиялари:

- махсус математик алгоритмлардан, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш;
- катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш (big data);
- қарор қабул қилинган жараён билан боғлиқ барча объектлар ва субъектларни аниқлаш ва ҳисобга олишда қўл келади.

Моҳиятан, интернет ашёлар фуқаролик-ҳуқуқларининг объектлари сифатида бевосита мулкӣ ҳуқуқнинг тури сифатида баҳоланиши мумкин. Зеро, мулкӣ ҳуқуқларнинг моҳияти “жисмӣ ифодага эга бўлмаган” ҳамда эгасига муайян фойда келтирадиган талаблардир.

Интернет ашёлар ва сунъий интеллект (кейинги ўринларда – СИ) ижтимоий муносабатларни ўзгартирадиган ва яратадиган ҳақиқий омилга айланди. Шу билан бирга, рақамли дунёда IoT ва СИ аниқ белгиланган маънога эга эмас. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш шаклланиш босқичида ва нафақат ахборот ҳуқуқи доирасида, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига ҳам тегишли бўлган қонунчилик муаммоларини ўз ичига олади.

Бугун биз интернет ашёлари давридамиз, бу орқали электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда ҳар қандай жисмоний объектлар, моддий ва номоддий объектларнинг глобал рақамли экотизимига интеграция (ассимиляция) амалга оширилади. Бунинг учун илмӣ тадқиқотлар, IoT парадигмасидаги муаммолар ва чақириқларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ва технологик муносабатларга таъсири талаб этилади. О.А.Баранов ўзининг илмӣ асарларида “ўзаро таъсир” шароитида (инсон – робот, робот – робот, робот – инсон) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тамойилларига назарий ва услубий асослар ва амалий тавсияларни аниқлаш, сунъий интеллект асосида қарорлар қабул қилиш шароитида ҳуқуқий тартибга солишнинг бутун тизимини такомиллаштириш ва фуқаролик, ахборот (компьютер технологиялари, телекоммуникациялар, радиочастота ресурсларидан фойдаланиш ва ҳоказоларда), денгиз транспорти, авиация, тиббий, жиноий, маъмурий, оилавий ҳуқуқ ва бошқаларда сунъий интеллектдан иборат интернет ашёларни қўллаш шароитида ижтимоий муносабатларни амалга оширишнинг башорат қилинган (келажақдаги) ҳуқуқий моделларини аниқлаш учун назарий ва услубий тадқиқотлар ўтказиш, умуман олганда, илмӣ

тадқиқотларнинг келажакдаги йўналишларини аниқлаш мумкинлигини таъкидлайди.

Т.Г.Каткова ўз илмий ишида сунъий интеллектнинг ҳуқуқий муаммолари масалаларини ўргангани ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий ислохотлари хараитаси, яъни ҳуқуқий муҳитдан сунъий интеллектни ишлаб чиқувчилар ва фойдаланувчилар учун фойдаланиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида фуқаролик секторининг қарашларини ўз ичига олиши керак бўлган таҳлилий ҳужжатни яратиш ғоясини илгари суради. Е.О.Харитонов ва А.И.Харитонова “интернет ашёларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд” деб эътироф этишади. Уларнинг фикрига кўра, интернет ашёларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида иштирок этишлари табиий, чунки аслида интернет ашёлари фуқаролик муомаласини оптималлаштириш учун яратилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, интернет ашёларнинг хусусий мулк объекти сифатида мақомини белгилаш, ушбу ашёларнинг турларини ашёларнинг классификациясига киритиш бугунги кун нуқтаи назаридан зарурдир. Чунки, ашёларнинг классификациясини белгилайдиган ФКнинг 86-моддасида ушбу турдаги ашёларга оид қоидалар ва муайян кўрсатмалар мавжуд эмас. Бу эса айни пайтда бу турдаги ашёларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг қайси турдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўла олиши масаласини белгилашда муайян муаммоларни юзага келтириши мумкин. Шу муносабат билан ФКнинг 86-моддасига “Интернет ашёлар” тушунчасини киритиш, унга оид қоидаларни эса ФКнинг 91¹-моддаси сифатида қуйидаги тахрирда бериш тақлиф этилади:

“Интернет тармоғида қўлланиладиган ҳамда сунъий интеллект технологияларининг тадбиқ этилиши орқали эгасига муайян мулквий фойда келтирадиган дастурий таъминотга асосланган турли хилдаги қурilmалар интернет ашё ҳисобланади”.

Хусусий мулкнинг янги объектларини ҳимоя қилиш ҳам бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади. Чунки, рақамли ҳуқуқлар, интернет ашёлар, виртуал мол-мулк каби янги турдаги фуқаролик ҳуқуқининг объектларига нисбатан тегишли қонунчилик режимини ишлаб чиқиш ва шу орқали ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин бўлади. Зеро, ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқ эгасининг – хусусий мулкдор сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги ҳимоя усулларини ишлаб чиқиш ва “Интернетда рўйхатдан ўтганлик” принципи асосида ҳимояни амалга ошириш мумкин бўлади.

Фикримизча, муайян моддий ёки номоддий неъматнинг интернетда рўйхатдан ўтганлиги унинг эгасига муайян ҳуқуқий ҳимояни тақдим этади. Чунки, мулквий талаб қилиш ҳуқуқига асосланган интернет ашёлари эгасини аниқлаш ва унинг ҳуқуқларини таъминлаш айнан ушбу восита орқали амалга оширилиши мумкин. Зеро, бугунги чексиз интернет олампидан ҳуқуқ эгаларини бир-биридан ажратиш ва фарқлаш ҳамда уларга тегишли ҳуқуқларни белгилаб олиш учун бу тизим жуда муҳим саналади.

Алишер БОРОТОВ,

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баранов О.А. Интернет речей і право: погляд у майбутне. Интернет речей: проблеми правового регулювання та впровадження: зб. матеріалів доп. учасн. III науч.-практ. конф. Київ, 2019. – С. 7-13.
2. Баранов О.А. Интернет речей (IoT) і блокчейн. Інформація і право. 2018. – № 1 (24). – С. 59-71. URL: http://ippi.org.ua/baranov-oa-internet-rechei-iot-i-blokchein-st-59-71?fbclid=IwAR3E_QyUby1_uMBjZs6_YhatBrncsAB_vFPVuQ1Ns0vmaR1Q5jtApbhmlfzW0.
3. Исаков В.Б., Сарьян В.К., Фокина А.А. Правовые аспекты внедрения интернета вещей // ИТ-Стандарт. 2015. – № 4 (5).
4. International Telecommunication Union (ITU). Internet of Things Global Standards Initiative. URL: <http://www.itu.int/en/ITU-T/gsi/iot/Pages/default.aspx>.
5. International Telecommunication Union (ITU). ITU-T Recommendation ITU-T Y.2060 (06/2012). URL: <https://www.itu.int/ITU-T/recommendations/rec.aspx?rec=y.2060>
6. Khomidovich, B. A. (2023). Development of private property and business. World Bulletin of Management and Law, 18, 105-107.
7. Каткова Т.Г. Штучний інтелект в Україні: правові аспекти. Право і суспільство. 2020. – № 6. – С. 46-55.
8. Lu Yan, Yan Zhang, Laurence T. Yang, Huansheng Ning The Internet of Things: From RFID to the Next-Generation Pervasive Networked. eBook, ISBN 9780429133152. 336 с. URL: <https://doi.org/10.1201/9781420052824>.
9. N. Kong, Park Jungsoo, N. Crespi, G. Lee, Ilyoung Chong the Internet of Things – Concept and Problem Statement. URL: <https://www.semanticscholar.org/paper/The-Internet-of-Things-Concept-and-Problem-Kong-Jungsoo/5ef74cba1f2836fa895aa9f336bc88e8246e711d?sort=relevance>.
10. Pereira B., Benessia A., Curvelo P., Agency in the Internet of Things (Institute for the Protection and Security of the Citizen 2013) 52.
11. Рустамбеков И.Р. Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш муаммолари: монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – Б. 92-94; Малахов С. В. Гражданско-правовое регулирование отношений в глобальной компьютерной сети Интернет: дис. канд. юрид. наук. М., 2001. – 35 с.
12. The Internet of Things. ITU Internet Reports 2005. URL: <https://www.itu.int/net/wsis/tunis/newsroom/stats/The-Internet-of-Things-2005.pdf>.
13. Халқаро электр алоқа Иттифоқининг МСЭ-Т Y.2069 “Y серияси: Глобал ахборот инфратузилмаси, тармоқларро баённома ва янги авлод тармоқлари жиҳатлари. Кейинги авлод тармоқлари – архитектуранинг тузилиши ва функционал моделлари. Нарсалар Интернет учун атамалар ва таърифлар” тавсияси. Издание от 29.07.2012.// Сайт “International Telecommunication Union”. – Режим доступа: <https://www.itu.int/rec/T-REC-Y.2060-201206-I> (дата обращения: 20.09.2021).
14. Харитонов Е.О., Харитонова А.И. До проблеми цивільної правосуб’єктності роботів. Интернет речей: проблеми правового регулювання та впровадження: матеріали II науч.-практ. конф., м. Київ, 29 листопада 2018 р., – Київ, 2018. 168-с.
15. Харитонов Е.О., Харитонова А.И. Категорія “Интернет речей” та цивільні правовідносини. Наукові праці НУ ОЮА. 2017. С. 169–177. URL: <http://dspace.onua.edu.ua/bitstream/handle/11300/12514/Kharytonov%20E.%20O.%2c%20Kharytonova%20O.%20I.%20The%20category%20c2%abInternet%20of%20things%2%bb.pdf?sequence=1&isAllowed=y>.
16. Haller S. ‘The Things in the Internet of Things’ (2010) vol. 5 26 IoT 4.

МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада ўрганилиши ва янада такомиллаштирилиши зарур бўлган масалалардан бири бўлиб турган маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этишнинг процессуал тартиб-таомиллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий ҳужжат, тартиб-таомил, бартараф этиш, муддат, мутаносиблик, камчилик, шикоят, ариза, маъмурий орган, ваколатли орган.

Маъмурий органлар билан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинган бўлса-да, ундаги баъзи ҳуқуқий институтлар, шу жумладан маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш институтининг аҳамияти даражасида қонунда ўз ифодасини топмаганлиги юзасидан амалиётда бир қатор муаммолар юзга келмоқда. Хусусан, қабул қилинган маъмурий ҳужжат билан манфаатдор шахсларнинг ундаги камчиликлар натижасида ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг кечикиши ёхуд исталган чекловлар юзга келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, маъмурий органлар ва фуқаролар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги вазифаларнинг етарлича бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана шу муаммоларга жавоб топиш мақсадида маъмурий ҳужжатни қабул қилиш тартиб таомилларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасига асосан, маъмурий орган маъмурий ҳужжат ёзувидаги йўл қўйилган хатоларни ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига даҳл қилмаган ҳолда тузатиши шарт. Мазкур жараён икки хил тартибда амалга оширилиши мумкин:

- маъмурий орган ташаббусига кўра;
- манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан.

Бунда агар қабул қилинган маъмурий ҳужжатда имловий хатолар мавжуд бўлса, у тегишли орган томонидан бартараф этилиши лозим. Чунки, қабул қилинган маъмурий ҳужжат аниқ ва тушунарли бўлиши лозим.

Маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш тартиб-таомиллари фақатгина “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасидаги кўринишда акс этган бўлиб аксарият тартиб-таомиллар билан боғлиқ қонунчиликда мавжуд эмас. Бу эса, соҳада қўшимча тадқиқотлар ўтказиш ва қонунчиликни такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Хусусан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлик, ишонччилик принципларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бориши улар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонуний ва аниқ бўлиши билан узвий боғлиқдир. Чунки, вужудга келган маъмурий-ҳуқуқий муносабатнинг якуни натижасида маъмурий ҳужжат қабул қилинади. Шунинг учун ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар натижасида вужудга келган маъмурий ҳужжатлардаги хато ва камчиликларни аниқлаш, нафақат аниқлаш, балки, уларнинг олдини олиш ва тузатиш каби масалаларни ҳал қилмай туриб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконсиздир.

Бу борада маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги қонунчиликда маъмурий ҳужжатдаги камчиликларнинг меъёрий моҳияти ва унинг ҳуқуқий ҳолати қонунчилик нормаларида аниқ белгиланиши, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни аниқлашнинг аниқ тартиб-таомили белгиланиши лозим.

Айнан мазкур асосларнинг тўла бажарилиши ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши – маъмурий ҳужжат камчиликларини тўла бартараф этиш имконини беради.

Бу борада А.Б.Лисюткин фикрига кўра: “Маъмурий ҳужжатдаги хатоларни аниқлаш, олдини олиш ва тузатиш механизми – бу мансабдор шахслар фаолиятида йўл қўйиладиган маъмурий камчиликларни аниқлаш ва унинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳужжатларни расмийлаштириш шартларини аниқлашга ва барча зарур профилактик чораларни кўришга имкон берадиган ўзаро келишилган воситалар ва усуллар тизимидир. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда айтиш керакки, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этиш институти камида уч даражали мустақил фаолият сифатида шакллантирилиши лозим.

Биринчидан, муайян ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ўз хатосини мустақил равишда тузата олиши лозим, яъни ўз хатосини аниқлаб, унга баҳо бера олиши керак.

Иккинчидан, адресатнинг камчиликни бартараф этиш учун маъмурий органга тегишлича мурожаат қилиш имконияти яратилган бўлиши зарур.

Учинчидан, хато ва камчиликларни тузатиш ва бартараф этиш муддати ва тартиб-таомилларининг аниқ механизми қонун билан белгиланган бўлиши талаб этилади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасига кўра, Маъмурий орган манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига биноан маъмурий ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тушунтириб бериши, шунингдек ёзувидаги йўл қўйилган хатоларни ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига даҳл қилмаган ҳолда, ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига кўра тузатиши шарт.

Бугунги кунда, хориж тажрибасида маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида қонунийликни таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамияти катта. Бу борада таҳлил қилинаётган мавзуда ҳам Ўзбекистон маъмурий қонунчилигидаги энг катта камчилик – бу мазкур соҳада жамоатчилик назоратининг етишмаслиги ҳисобланади. Айнан жамоатчилик назоратининг бўлиши маъмурий ҳужжат сифатининг орттишига сабаб бўлади. Чунки, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қабул қилинган маъмурий ҳужжат айни бир аниқ шахсга ёки шахслар гуруҳига қаратилган бўлади. Шу сабабли адресатнинг мазкур масалага муносабати муҳим ҳисобланади. Аммо ҳали-ҳанузгача маъмурий органлар томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатдаги камчиликларга қарши курашишда фуқаролик жамияти тузилмаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмайди.

Қонунчиликда мазкур масала бўйича асосий қадам айнан давлат ташкилоти органларининг фаолиятини “жамоатчилик назорати” асосида мувозанатлаштириш бўлиши мумкин.

Энг аввало ушбу ҳуқуқий тоифанинг таърифи қонунда алоҳида белгиланиши лозим. Маъмурий ҳужжатдаги камчилик деганда нима назарда тутилиши фактик ва асосий белгилари ёритилиши керак. Бу борада шаклий ва қонуний камчилик назарда тутилиши мумкин.

Мурожаатлар сонининг кўплиги туфайли уларнинг барчасини кўриб чиқишнинг иложи бўлмаслиги, жараённинг чўзилиши, ортиқча бюрократия ва харажатларга сабаб бўлиши мумкин, лекин жамоатчилик назорати

ратининг мавжуд бўлиши жараён сифатига ва тезлигига таъсир этиши аниқ. Маъмурий ҳужжатдаги камчиликлар муурожаат этилиши билан имкон қадар қисқа муддатда бартараф этилиши лозим. Чунки, маъмурий ҳужжатнинг қабул қилинганлиги – фуқаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқи мавжудлигини англатади.

Ҳужжатнинг фуқаро учун аҳамиятидан келиб чиқиб, ундаги хатоликларни бартараф этиш муддати фуқаро манфаатига зарар етказмаслиги лозим.

Олимларнинг фикрига кўра идеал давлатдаги қонун ва адолат бир-биридан ажралмас бўлиши талаб этилади. Бу борада айнан жамоатчилик назорати иш олиб бориши керак, бунинг натижасида, фуқаролар муайян муаммолар атрофида бирлашиб, жамоат ташкилоти ёки ижтимоий ҳаракатга жамоавий шикоят билан муурожаат қилишлари мумкин, бу эса муаммоларни, жумладан, маъмурий ҳужжатдаги хатолар марказини кўрсатиши мумкин. Натижада маъмурий органларнинг вазифаси содда-лаштирилади, бир масала бўйича бир нечта муурожаатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш муддати қисқартирилади. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Биринчидан, муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ўз хатосини мустақил равишда аниқлаган пайтдан маъмурий органга муурожаат қилиши лозим, яъни ўз хатосини аниқлаганда камчиликларни бартараф этиш учун муурожаат қилиши адресатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказишнинг олдини олади ва қутилган зарарни имкон қадар қайтарилади.

Иккинчидан, адресатларнинг камчиликни бартараф этиш учун маъмурий органга тегишлича муурожаат қилиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Учинчидан, хато ва камчиликларни тузатиш муддати ва тартиб-таомиллари қонун билан белгиланган бўлиши керак.

Маъмурий ҳужжатдаги камчиликларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмини шакллантириш биз юқорида таҳлил этган шундай уч босқичли тузилмага асосланиши зарур. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг муайян салбий натижасини маъмурий хатога йўналтириш учун асос, унинг таърифидан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг мақсадлари ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари ҳисобга олиниши керак. Бунда маъмурий ҳуқуқ механизмлари фаолият кўрсатиши учун хато ва камчиликларни аниқлаш ва тузатиш тартибини қонунчилик билан таъминлаш, тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, шу жумладан, жамоатчилик фикрини ҳам инobatга олиш зарур. Бу ерда ошқоралик, ижобий танқид, профессионал юридик фаолият каби ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни четга суриб қўймаслик соҳа ривожига истиқболни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу муаммони самарали ҳал қилиш учун кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Дастлаб, маъмурий ҳужжатни қабул қилишда камчиликка йўл қўймаслик механизмини такомиллаштириш лозим. Маъмурий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этишда бу борадаги профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу мақсадда давлат хизматчиларини тайёрлаш, шу жумладан, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг пухта тизими йўлга қўйилиши керак бўлади.

Шунингдек, маъмурий ҳужжатдаги хатоларни бартараф этиш механизмининг кўрсаткичи маъмурий органлар фаолияти бўйича маъмурий регламентлар ва давлат ҳокимияти ижроия органларининг пухта тузилган маъмурий тартиб-қоидаларининг мавжуд бўлишидадир.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг номувофиқлигини қайтариш ва амалдаги қонунчиликни тизимлаштириш, ҳуқуқий технологияларни такомиллаштириш талаб этилади. Яъни, маъмурий ҳужжатдаги хато ва камчиликлар юзасидан электрон ҳолатда муурожаат қилиш тартибини йўлга қўйиш ва ҳужжатдаги камчиликлар статистикасини юритиш лозим.

Қонунчиликка бу механизмларнинг киритилиши қуйидаги ижобий ўзгаришларга олиб келади:

биринчидан, айнан маъмурий ҳужжатларни электрон автоматик воситалар орқали қабул қилиш давлат органлари фаолиятининг самардорлигини мустаҳкамлайди ҳамда уларнинг бирлигини сақлашга, коррупция хавфига қарши курашишга ёрдам беради;

иккинчидан, маъмурий органларга нисбатан аҳолининг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

учинчидан, барча ташкилотлар ходимларининг ўз хизмат вазифаларини янада пухта олиб боришига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг бюрократик тўсиқларсиз, масофадан ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун шароит яратади.

Шунингдек, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасида маъмурий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 иш куни этиб белгиланган. Бироқ, қонуннинг 12-моддасида белгиланган бюрократик расмиётчиликка йўл қўйилмаслик, манфаатдор шахснинг устунлиги принципларига зид келиб қолиши мумкин. Чунки, қабул қилинган маъмурий ҳужжат адресат қабул қилган пайтдан кучга кирган ҳисобланиб, унга нисбатан маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Камчиликларнинг мавжуд бўлиши эса, унинг ижросини кечиктириши ёки бошқача тарзда чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда манфаатдор шахснинг ҳуқуқларига зарар етади. Шу сабабли, аризани имкон қадар қисқа муддат ичида аммо уч кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, замонавий-ҳуқуқий технологияларни соҳага жалб этиш, маъмурий ҳужжатни рўйхатга олувчи ягона электрон платформа яратиш лозим. Яъни, қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар билан биргаликда тузатилган маъмурий ҳужжатлар ва уларнинг статистикасини юритиб бориш ҳамда доимий очиқ эълон қилиб борилишини таъминлаш лозим. Бу инсон омилининг ва шу билан биргаликда маъмурий ҳужжатларда юзага келади хатоликларни, шунингдек, ҳужжат қабул қилишга сарфланадиган вақтни ҳамда харажатларни тежаш имконини беради.

Юсуф САИДАЗИМОВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: Учебник. 3-е изд. – М., 2007. – С.32. (Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: 3-е изд. – М., 2007. – С.32)
2. Бахрах Д.Н. Административное право. Учебник. Часть общая. М., "БЭК". 1993. (Бахрах Д.Н. Административное право. Учебник. Парт генерал. М., "БЭК". 1993.)
3. Бархар С.М., Хазанов С.Д. Формы и методы деятельности государственной администрации Екатеринбург, 1997, с. 7. Бархар С.М. Хазанов С.Д. Формы и методы деятельности государственной администрации // Актuelle проблемы административного права. Екатеринбург, 1997, с. 70
4. Давидов К.В. Теория административного права: сопоставительный анализ // Актuelle проблемы административного права. Екатеринбург, 1997, с. 70
5. Маъмурий акт (ҳужжат) ҳуқуқий тоифа сифатида – Й.Саидазимов. "ОДИЛЛИК МЭ-ЗОНИ" илмий-амалий, ҳуқуқий журнали 2023-й.
6. Нематов Ж. Трансформация административного права: Узбекистанские аспекты // Административное право и практика административного права // Административное право и практика административного права. – 2020. – № 1 (28). – С. 105-125. – DOI 10.17721/2227-796X.2020.1.08
7. Саидазимов Юсуф (2020). ТЭОРЭТИЧЕСКИЙ И ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ. Ревью оф лав сиенсес, 3 (Спецвыпуск), 19-24. doi: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24 (Саидазимов Юсуф (2020). ТЭОРЭТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ. Ревью оф лав сиенсес, 3 (Спецвыпуск), 19-24. doi: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24)
8. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Сай И.М. Кўрсатилган асар С. 296-300. (Хамедов И.А., Хван Л.Б., Сай И.М. Shown work. П.п. 296-300.)
9. Ўзбекистон Республикасининг замонавий маъмурий ҳуқуқи ва оммавий бошқаруви бўйича 100 та долзарб саволга жавоблар. Ўқув қўланма. Масъул муҳаррир: А. Эгамбердиев. Муаллифлар: Р. Мелник, А. Эгамбердиев, Ж. Сотиболдиев. – Тошкент, "Нисо Полиграф", 2023. – 232 б.

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш кўп қўлланилмоқда. Халқаро давлатларнинг бундай амалиётида маҳкумга озод қилинган жазонинг ўталмаган муддати давомида қонунда бажарилиши керак бўлган муайян мажбуриятларни юклаш ёки ҳуқуқларини маълум бир даражада чеклаш (тақиқлаш)лар назарда тутилган. Аксарият шу турдаги чоралар яшаш, иш ва ўқиш жойи ўзгарганлиги тўғрисида хабар бериш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилмаслик ёки муайян фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқига тааллуқлидир.

Мазкур чоралар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида назарда тутилмаган. Чунончи, қонунчилигимизга шахснинг ўталмаган муддат давомида қасддан янги жиноят содир этмаслиги унинг жазодан узил-кесил озод бўлишининг шартли эканлиги назарда тутилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қароридида “...ж.иноят-ижроия амалиёти таҳлили, шунингдек, жамоатчилик билан бевосита мулоқот натижалари асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга ошириш ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш вазифаси зарур”лиги белгилаб олинган. Шу муносабат билан маҳкумни шартли равишда озод қилишнинг ҳуқуқий шартлари, рухсат этилган чегаралари ва ушбу шахслар устидан назоратни амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат органининг ваколатлари масаласи катта амалий аҳамиятга эга. Шартли синов муддати давомида юкланган вазифаларни оғишмай бажаришни талаб қилиш, бунда шартли озод қилинган маҳкум нафақат муайян ҳаракатлардан ўзини тийишга мажбур бўлишлиги, балки қонунга итоаткорлик билан нормал турмуш тарзини яхшилашга ҳам мажбурлаш лозим.

Бунинг учун шартли озод этилган шахслар билан мақсадли тарбиявий ишларни олиб бориш учун тегишли органлар ёки алоҳида фуқаролар (воёга етмаганларни ота-оналар ёки қонуний вакиллар) назорати остида бўлиши лозим. Шунингдек, ушбу назорат фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарур.

Афсуски, бу масала ҳозирги кунга қадар етарлича ўрганилмаган ва амалда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган маҳкумлар ҳулқ-атвори устидан тўлиқ назорат йўқ. Шунинг учун ҳам давлат органлари ва жамият томонидан бундай шахслар устидан назоратнинг жиноий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Шахснинг ҳулқ-атвори маънавий баркамолликка эришишида катта ўрин тутаяди. Ҳуқуқшунос Қ.Р. Абдурашулова фикрларига кўра, индивидуал ва жамоавий даражалардаги мажбурий чора-тадбирлар жиноят содир

этишга туртки берувчи ҳулқ-атворли шахсларга нисбатан зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг назорат фаолиятини таъминлаш учун қўлланилиши мумкин. С. Ниёзова эса назоратнинг юқори даражада сақланиб қолиниши ижобий натижа беришлигини таъкидлайди.

Назорат деганда, текшириш ва унинг натижасида жазо чоралари қўллаш ёки шахснинг юриш-туришини доимо кузатиш назарда тутилади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс устидан назоратни амалга ошириш учун асос суд ажрими ҳисобланади. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар ҳулқ-атвори устидан назоратни унинг яшаш манзилидаги ички ишлар органлари олиб боради.

Жиноят қонунчилигида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар зиммасига ҳеч қандай мажбуриятлар юклатилмаганлиги сабабли мазкур шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш имконсиз бўлиб қолмоқда. Натижада шартли озод қилишнинг асосий мақсади - жазони амалда ижро этишдан ташқарида ахлоқан тузатиш жараёнини яқунлаш амалга оширилмасдан қолмоқда. Назорат шаклининг тартиби Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида кўрсатилган умумий тадбирларни амалга ошириш билан чекланмоқда. Кўриниб турибдики, ушбу тоифадаги маҳкумлар устидан назоратни амалга оширадиган органининг вазифаси профилактика ва профилактика тадбирлари ва уларнинг ҳисобини юритиш ҳисобланмоқда. Н.А. Симагиной жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар билан ишлашнинг моҳиятида ижтимоий-психологик жиҳатлар устуворлигини таъкидлаган.

Аслида, шартли муддати давомида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс билан давлат ўртасида жиноий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муайян ижтимоий муносабатлар сақланиб қолиши шарт, бу эса давлатга муайян даражада шартли озод этилган шахснинг синов муддати давомида ҳулқ-атворини белгилаш ҳуқуқини беради.

Бироқ, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан

назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий воқеликлар амалда нолга тенг бўлганлиги сабабли, бугунги кунда улар устидан бирон бир назорат ҳақида гапиришга имкон бермайди. Чунки, мазкур шахсларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашга оид ва назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги муаммолари бугунги кунда алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмоқда, сабаби мазкур институт жазони ҳақиқий ўташдан озод қилишдан ташқари ахлоқан тузатишнинг яқунловчи жараёни ҳамдир. Бундай назоратнинг йўқлиги қонунда жазодан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига олиб келади. Шунинг учун ҳам давлат органлари ва жамият томонидан шартли озод қилинган шахслар устидан назоратнинг жиноий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

О.А. Пилипенконинг фикрига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар билан давлат ўртасида жиноят қонуни нормалари билан тартибга солинадиган муайян ижтимоий муносабатлар сақланиб қолиши керак. М.И. Ковалев эса яхши ҳуқуқий тизим ва бенуқсон суд аппарати бўлиши мумкин, аммо суд ҳукмлари ва қарорларини ижро этиш ёмон ташкил этилган бўлса, у самара бермайди деб ҳисоблайди. А.С. Макаренко “биз учун инсонни шундайгина тузатиш етарли эмас, биз уни янги тарбиялашимиз, яъни нафақат жамиятнинг хавфсиз ва зарарсиз аъзосига, балки замонамизнинг фаол арбобига айлантиришимиз лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни қайси давлат органи томонидан амалга оширилиши кўрсатилмаган. Жиноят кодексининг 72-моддаси аналогияси сифатида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар хулқ-атвори устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқ-атвори устидан ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради. Бироқ, ушбу органларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари доираси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган.

Жиноят ҳуқуқи фанида бир неча йиллардан буён жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назоратни амалга оширишга мажбур бўлган ва уни судда бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўзга тутиш ваколатига эга ихтисослашган давлат органининг йўқлиги муаммоси муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қароридан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг сонини ҳам ҳисобга

олган ҳолда, пробация бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш назарда тутилган. 2022 йил ҳисоботи яқунлари бўйича пробация назоратидаги шахслар сонидан келиб чиқиб штатлар сони тақсимлайдиган бўлсак жами ходимларнинг 33,6 фоизи жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган маҳкумлар назорат қилиб келмоқда.

М.Ҳ. Рустамбоев, муддатидан илгари шартли озод қилиш шахсининг устидан назоратни амалга оширишни таъминлайди ва қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиради хусусиятлари мавжудлиги ҳақида айтиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, М.Ҳ. Рустамбоев фикрига қисман қўшилган ҳолда агарда, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг шартлари жорий қилинса, маҳкумнинг ахлоқан тузалганлигини мустаҳкамлашга ва шу орқали уни жамиятга ижтимоий мослаштириш, қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтирашга эришиш мумкин. Мазкур вазибаларга эришиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат шаклини ва уни бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўзга тутиш ваколат доираларини белгилаб олиш лозим.

Мазкур омилар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни сифатли ташкил этишга хизмат қилади.

Дониёр ХАЛИЛОВ,

*Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ковалев М.И. К вопросу об эффективности уголовного законодательства // Проблемы эффективности уголовного закона. 1975. Вып. 37. С. 7.
2. Макаренко А.С. Соч. Т. 1. – М.: Педагогика, 1957. – С. 215.
3. Михайлов К. Контрольный срок при условно-досрочном освобождении от отбывания наказания // Уголовное право. – 2008. – № 6. – С. 27-29.
4. Пилипенко О.А. Проблемы эффективности контроля за условно-досрочно освобожденными от отбывания наказания // Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. – 2006. – №. S25. – С. 72-78.
5. Рашидов Ш.М. Уголовно-правовые проблемы применения условно-досрочного освобождения от отбывания наказания : дис. – Махачкала : [Дагестан. гос. ун-т, Каф. уголов. права и криминологии], 2005.
6. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005-Б. 480.
7. Симагина Н.А. Институт условно-досрочного освобождения: правовые и социально-психологические аспекты : монография / Н. А. Симагина. – Владимир, 2015. – 201 с.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни // URL:<https://lex.uz/docs/2387357> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.02.2023).
9. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти пробация хизмати маълумоти.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори // URL:<https://lex.uz/docs/4045443> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.02.2023).

СУД АМАЛИЁТИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АКС ЭТТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ: НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ МИСОЛИДА

Олий таълим соҳасини маъмурий бошқариш борасида амалга оширилган илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада самарали бошқарувни ташкил этиш борасида ривожланган давлатлар тажрибасида бир неча моделлар мавжуд.

Бу борада Э.Элмуродов ўз монографик тадқиқот ишида қуйидаги беш модел ҳақида фикр юритган.

Таҳлиллардан англашиладики, олий таълимни бошқаришнинг турли кўринишлари мавжуд. Ўзбекистонда Франц Ван Вют томонидан тавсифланган The State control модел деб номланган француз тажрибасига яқин олий таълимнинг маъмурий бошқаруви мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Суд амалиёти таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, бугунги кунда олий таълим соҳасида фаолият юритадиган нодавлат таълим ташкилотларига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан берилган лицензияни бекор қилиш бўйича айрим муаммолар вужудга келмоқда.

Жумладан, маъмурий ҳуқуқий нормалар мазмун-моҳияти, ўзига хослигини етарлича инобатга олмасдан [6,7,8,9,10], нодавлат таълим ташкилотига берилган лицензияни муддатидан аввал бекор қилиш борасида суд амалиётида турлича ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Айрим судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги ягона Низом 2-Иловаси “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш” паспорти 9 ҳамда 12-бандларида лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузиш асосида нодавлат таълим ташкилотлари лицензиясини бекор қилмоқда. Бошқа судлар эса “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси биринчи қисми тўққизинчи хатбошисида келтирилган оқибатлар вужудга келганига кўра иш мазмунини ҳал қилаётганини кўриш мумкин. Қуйида келтирилаётган амалий мисолда ушбу жиҳат батафсил ёритиб ўтилади.

Амалий мисол:

Аризачи Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 2023 йил 8 февралда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти учун берилган 062370-сонли лицензияни бекор қилишни сўраган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг жавоб хатига асосан жавобгар фаолияти бўйича 10 кунлик муддат ораллиғида текшириш ўтказишга келишилган.

Шунга кўра, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил майдаги буйруғи қабул қилинган бўлиб, жавобгарнинг фаолияти 2022 йил сентябрдан ўрганиш қунига қадар жойига чиққан ҳолда ўрганилиши кўрсатилиб, мазкур буйруқнинг иловасига асосан ўрганиш дастури қабул қилинган.

Юқоридагиларга асосан жавобгарнинг ўрганиш фаолияти натижалари бўйича 2023 йил май ойида далолатнома расмий-

таштирилган бўлиб, унга асосан бир қанча камчиликлар, жумладан олий таълим муассасасида ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси таъминлаганлиги ҳолати бўйича компьютер техникаси етишмаслиги, магистратура мутахассислиги учун ўқув дастурларида кўрсатилган фанлар бўйича асосий адабиётлар етарли эмаслиги, жавобгар томонидан “Лицензия ахборот тизими” орқали профессор-ўқитувчи ҳақида маълумотларни киритган бўлсада, асосий штатдаги ўқитувчилар улуши 70 фоиз бўлиши талаби бажарилмаганлиги, у ердаги ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти даражаси ва ўқув фанларига мувофиқлиги бўйича талаблар бажарилмаганлиги, олий таълим ташкилотига компьютерлар учун жой етишмаслиги, ўқув аудиториялар майдони ҳам белгиланган талаб даражасида эмаслиги, кутубхона майдони ҳам ўрнатилган меъёрдан кам эканлиги ҳолатлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги ягона Низом 2-Иловаси “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш” паспорти 9 ҳамда 12-бандларида юқорида кўрсатилган камчиликлар лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузиш деб белгиланган.

Вазирлик томонидан судга берилган аризада ушбу камчиликлар туфайли лицензия талаблари ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузилганлиги таъкидланиб, лицензияни бекор қилиш сўралган.

Бироқ, суд аризачининг мазкур важлари билан келишмаган. Чунки, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун 33-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисига кўра, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса бекор қилинади.

Суднинг нуқтаи назарида лицензия талаб ва шартлари бир маротаба қўпол равишда бузганлиги муносабати билан лицензияни бекор қилишнинг энг муҳим шarti – бу мазкур қоидабузарликлар сабабли фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлиши ҳисобланади. Бироқ, иш ҳужжатларида аризачи бўлмиш

вазирлик вакили бундай зиён (зарар) юзага келганлиги фактини исботлаб беролмаган.

ИПК 68-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу тоифадаги ишларда исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилади. Бироқ, аризачи ўз важларини тегишли далиллар билан исботлаб бермаган. Шунга кўра, ариза қаноатлантиришдан рад этилган.

Лекин, шуни ҳам тан олиш лозимки, таҳлилларимиз натижасида юқорида келтирилган иш ҳолатларига ўхшаш бўлган бошқа ишларда Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги ягона Низом 2-Иловаси “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш” паспорти 9 ҳамда 12-бандларида кўрсатилган лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузиш асослари мавжуд ёки йўқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилганини ҳам кўриш мумкин. Бунда судлар томонидан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун 33-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисига кўра, лицензия талаб ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган ёки йўқлигига эътибор қаратилмаётганини кўришимиз мумкин.

Илмий манбалар таҳлили [11, 12, 13] ва маъмурий ҳуқуқ нормалари мазмунидан келиб чиқиб [14,15,16], назаримизда, бундай ёндашувни тўғри деб бўлмайди. Чунки, лицензия талаб ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузиш ўз мазмун-моҳиятига кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларига қандайдир жиддий зиён етказишини тақозо қилади. Ўз навбатида суд амалиётидаги бундай ёндашув янги таҳрирдаги Конституциямиз 20-моддасида белгиланган мутаносиблик принципига ҳам номувофиқ ҳисобланади.

Шунга кўра, мазкур тоифадаги ишларни судда кўришда нафақат турли қонун ости норматив ҳужжатлар, балки мазкур қоидабузарликлар “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” ги қонуннинг 33-моддасида келтирилган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган ёки йўқлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Келтириб ўтилган таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олий таълим соҳасини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида қуйидаги таклиф-тавсияларни бериш мумкин:

биринчидан, олий таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва аккредитациялашнинг мавжуд тизимини тўлиқ қайта кўриш ва унда янги таҳрирдаги Конституциямиз 51-моддасида белгиланган олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгаллигини акс эттириш тавсия қилинади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ соҳасига оид илмий тадқиқотлар доирасида олий таълим ташкилотларини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид монографик тадқиқотларни кўпайтириш ҳамда мазкур тадқиқотлар доирасида олий таълим ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, аккредитация, лицензия талаб ва шартларига риоя қилинаётганлигини назорат қилиш (текшириш), олий таълим ташкилотининг ички бошқаруви, молиявий мустақиллик ва унинг чегараларини аниқлаш, академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқининг маъмурий-ҳуқуқий тавсифи, мазмуни ҳамда чегараларини белгилашга оид илмий муаммоларни тадқиқ қилиш тавсия этилади;

учинчидан, суд амалиётида олий таълим соҳасида нодавлат таълим ташкилотларига берилган лицензияни бекор қилишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган ёки йўқлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жўрабек НЕМАТОВ,

юридик фанлар доктори, Тошкент давлат юридик университети Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси профессори в.б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Elmurodov Eldorjon Shodiyorovich. O'zbekistonning oliy ta'lim sohasidagi davlat siyosatida Yaponiya tajribasini qo'llash yo'llari. 23.00.02 – Siyosiy institutlar, jarayonlar va texnologiyalar. Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyasi. Toshkent 2023. – B. 23-24.
2. Burton R.Clark. The Higher Education System: Academic Organization in Cross-National Perspective. University of California Press, Los Angeles. 1983. – P. 143.
3. D.Braun, Changing governance models in higher education: The case of new managerialism. Swiss Political Science Review, 1999, 5(3). – PP. 87-100.
4. Dobbins, M., & Knill, C. Higher education governance and policy change in Western Europe: International challenges to historical institutions. Basintoke: Palgrave Macmillan, 2014. – P. 43.
5. S.Morginson, G.Rhoades. Beyond national states, markets, and systems of higher education: A gloncal agency heuristic. Higher Education. 2002. – PP. 281-309.
6. Ma'muriy-huquqiy tartibga solish borasida qarang: Nematov J. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларнинг институционал асосларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. // Жамият ва бошқарув. – 2017 № 4. – Б. 90-110.
7. Nematov J. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институти сифатидаги илмий-назарий таҳлили // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2018. – № 9. – Б. 41-47.
8. K.G'oziyev. Oliy ta'lim tashkilotlari ma'muriy huquqning subyekti sifatida. Yuridik fanlar axborotnomasi. – 2024. – № 1. Maxsus son. – 118-129 b.
9. Nematov J. Некоторые вопросы применения принципов соразмерности и возможности быть выслушанным в административных процедурах Республики Узбекистан // Правосудие. – 2020. – № 5. – Б. 61-66.
10. Nematov J. Some issues of perception, interpretation of administrative law and legal education in modern Uzbekistan // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2019. – № 1. – Б. 96-102.
11. Б.Б.Қодиров. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: юрид. фан. доктори ... дисс. –Т.: 2019. –Б. 65-68.
12. К.Гозиев. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар журнали. Maxsus son 2022 (6). – Б. 135-136.
13. K. Goziyev. Oliy ta'limni moliyalashtirish: qiyosiy tahlil. Yurisprudensiya 2023yil 4-son. – B. 24-33.
14. Nematov J. Transformation of Soviet administrative law: Uzbekistan's case study in judicial review over administrative acts // Administrative law and process. – 2020. – № 1(28). – P. 105-125.
15. J.Nematov.O'zbekistonda ma'muriy sudlar tomonidan ma'muriy-huquqiy normalarni qo'llashning dolzarb masalalari\ IIV akademiyasi axborotnomasi. 2023 yil 1-son. – B.10-16.
16. J. Nematov. O'zbekiston Respublikasi “Ma'muriy tartib-taomillar to'g'risida”gi Qonuni qabul qilinganiga 6 yil to'lishi arafasida: asosiy yutuqlar va muammolar. Yuridik fanlar axborotnomasi. – 2024. – № 1. Maxsus son. – 59-71 b.

ИШ ЮРИТУВИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР: ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада жиноий жавобгарликдан озод этишда мавжуд процессуал муаммолари ва иш юритувини рад этиш асослари сифатида қайд этишнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби методлар қўлланилган.

Калит сўзлар: кам аҳамиятли қилмиш, зарурий муодофаа, охирги зарурат, рад этиш, жиноят ишини тугатиш.

Жиноят кодексининг бешинчи бўлими жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Кодекснинг XII-бобида жавобгарликдан озод қилишнинг турлари белгилаб қўйилган. Мазкур жавобгарликдан озод этишнинг муҳим шarti бу – аввало шахснинг жиноий қилмишни содир этганлиги бўлиб ҳисобланади, яъни шахс бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун уни жиноий жавобгарликдан озод этиш имконсиздир.

Бизнингча, “Жиноий қилмишни – содир этилган вақтида Жиноят кодекси билан белгиланган ва ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарувчи айбли ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир” дея таърифлаш мақсадга мувофиқ.

ЖПКнинг 83-моддаси “Реабилитация учун асослар” деб номланиши ва унда келтирилган асосларни мазкур кодекснинг 464-моддасида “Оқлов ҳукмини чиқариш асослари” дея тақрор келиши, бундан ташқари кодекснинг еттинчи бўлими “Реабилитация” дея номланиши ва унга оид барча қоидалар, сабаблар ва оқибатларнинг белгиланиши фикримизча тушунарсиздир.

Б.Муродовнинг фикрига кўра, ЖПКнинг 84-моддасининг номланиши назарий жиҳатдан ҳам, суриштирув, тергов ва суд амалиётида ҳам турлича тушурилишига сабаб бўлмоқда. Профессор “Жиноят-процессуал қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши учун жиноят ишини тугатиш институтини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш орқали таснифлаш лозим”, деб таъкидлайди.

Албатта, тасниф асосан жиноят ишини юритиш давомида қўлланилиши ҳақидадир. Б.Муродовнинг илгари сураётган таснифлаши, ушбу жиноят иши кўзгатиш босқичидан кейинги ва унинг натижасига қадар бўлган босқичда яқунланишидир. Айнан биз эътибор қилаётган норманинг номланиши ва мазмунидаги жиҳат яъни жиноят ишини тугатиш бу – жиноят ишини кўзгатишни рад этиш ваколатини ўзида қамраб ололмастлигидадир.

Таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида ЖПКнинг 83-84-моддаларини яхлитлаштириш ва ушбу нормаларда кўрсатилган асосларни битта нормада акс эттириш, илғор хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги иш юритишни истисно қилувчи асосларини миллий қонунчилигимизга мувофиқ келувчи асослар билан бойитган ҳолда, “**жиноятга оид ишларни юритишни рад этиш ва тугатиш асослари**” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Бунда белгиланган асосларнинг ҳар бири бўйича айблов моҳиятига боғлиқ ҳолда, шахсга нисбатан ресурслар сарфини ортиқча сарф этмай, иш юритувини рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ қарорларнинг қабул қилиниши натижасида шахсга нисбатан вужудга келаётган ҳуқуқий оқибатнинг аниқ белгиланишига хизмат қилади.

Бу каби амалиёт, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикасида, шунингдек, Озарбайжон Республикаси, Россия Федерациясида иш юритишни истисно қилувчи асослар барчаси битта нормада яхлит белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг ЖКни IX-боби қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланганда уларни ҳал этиш тартиби жиноят процессуал қонунчиликда белгиланмаганлиги тушунарсиз.

М.Х.Рустамбаев “қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар маълум бир қилмишнинг хусусиятини акс эттириб, унинг ижтимоий фойдали эканлигини, унинг маънавий жиҳатдан ва қонун томонидан маъқулланиши ёки унинг мумкин эканлигидан далолат беради” дейди.

Жиноят ҳуқуқининг белгилашчи, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топишимиз учун 3 асосий белгидан бирининг бўлиши, яъни ижтимоий хавфли бўлмастлиги, ғайриқонуний бўлмастлиги ёки айбли бўлмастлигини талаб этади. Бунда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топиш учун ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда бўлиши талаб қилинмайди.

Бу борада ҳам олимларнинг турфа қарашлари мавжуд бўлиб, унга кўра бир гуруҳ олимлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖПКнинг 83-моддасига кўра жиноят ишини рад этиш ёки тугатиш қонунга хилоф ҳисобланмастлигини айтсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар унинг аксини яъни бир қарашда жиноятнинг барча элементлари кўриниб турган ҳолатларда реабилитация этиш асосларини қўллаб бўлмастлигини, мазкур ҳолат амалиётчиларни чалғитишини эътироф этишади.

Бизнингча, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларда процессуал мажбурият чораларнинг кескинлиги ёки маълум жазо чораларини қўллаш ҳам мазкур қилмишни содир этган шахснинг ҳуқуқларига путур етказиши. Фикримизни асослаш учун суд амалиётида вужудга келган қуйидаги ҳолатларни келтириш мақсадга мувофиқ.

ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2017 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, В. ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилиб, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган. Суд ҳукмига кўра, В. “Навоийпахтасаноат” АЖда ишлаб келган даврда, бир-лашма раисининг буйруғига асосан хизмат сафарига юборилган. В. хизмат сафари давомида Тошкент шаҳридаги “SAYONAT-SARI” меҳмонхонасида яшамаган бўлса-да, дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан бир гуруҳ бўлиб, 2012 йил 19 октябрдан 21 октябрга қадар шу меҳмонхонанинг 201-хонасида яшагани тўғрисидаги 007970-сонли

квитанцияни сохталаштирган. Сўнгра мазкур сохта квитанцияни АЖга ҳисобхонасига хизмат сафари гувоҳномаси билан бирга тақдим этиб, 70.000 сўм миқдориди хизмат сафари пулларини олган. ЖИБ суди, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 9-банди тушунтиришларига амал қилмаган амнистия актига асосан жазодан озод қилиш билан чегараланиб, хатога йўл қўйган. Суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилган.

Шунингдек, ЖКнинг 13-моддаси 2-қисмида қилмишнинг жиноийлигини бекор қилувчи ҳолатлар ва ЖКнинг 26-моддасида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳолати жавобгарликни истисно қилиши белгилаб қўйилган.


Тадқиқот жараёнида ўрганилган статистик маълумотлар ва жиноят ишлари таҳлилларига кўра, прокуратура идоралари ЖКнинг 36-41¹-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда кўпинча ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан иш юриштини рад этиш ёки тугатиш қарорларини қабул қилмоқдалар. ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қуйи бўлинмалари 2020-2021 ва 2022 йилнинг 4 ойи давомида жами 56 та ишлар қилмишни

жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар асосида рад этилган ёки тугатилган. Ушбу ишлар бўйича қарорлар турли асослар қўлланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, 44 таси ЖПКнинг 83-моддасини 2-бандига, 4 таси 83-модданинг 1-банди билан ва ЖКнинг 36-моддасига асосан 7 та ишлар бўйича қарорлар қабул қилинган. Бундан ташқари, баъзи қарорларда ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларини баравар қўллаш ҳоллари мавжуд. (1-расм).

Яна бир муҳим жиҳат шуки, терговга қадар текширув ва жиноят ишлари айнан ЖКнинг 36-моддасида назарда тутилган кам аҳамиятли қилмишлар асосида қабул қилинган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи бошқа ҳолатлар бўйича умуман иш юриштини рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинмаган. Мазкур ҳолатда, амалиёт қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларга фақат бир томонлама қараётганлигини кўрсатади.

Юқоридаги амалиёт шуни кўрсатадики, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар аниқланган ҳолларда терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят ишлари бўйича ЖПКда аниқ асос белгиламаганлиги бу борадаги муносабатларни турли хилда талқин қилинишига ёки бутунлай нотўғри қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

ИИВ ҳузуридаги Тергов Департаментининг 2020-2021 ва 2022 йилнинг 4 ойи давомида ЖКнинг 36-41¹-моддаларига асосан рад этилган ва тугатилган ишлар бўйича маълумот



Юқоридаги фикрлар ва суд-тергов амалиётидан келиб чиқиб, ЖПКнинг иш юриштини истисно қилувчи асосларига янги асосларни киритиш ва қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ.

83-модда. Жиноятга оид ишларни юриштини рад этиш ва тугатиш асослари.

Жиноятга оид ишлар қуйидаги ҳолларда рад этилиши ёки тугатилиши лозим, агар:

- 1) юритувдаги иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;
- 4) шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса;
- 5) қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланган бўлса;
- 6) қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинган бўлса.

Юқоридаги қонун ҳужжатларига киритилиши лозим деб топилган ўзгартишлар аввало бу борадаги ишларни ҳуқуқий тартибга солишга ёрдам берса, иккинчи томондан фуқароларнинг айб учун жавобгарлик билан бир қаторда инсонпарварлик тамойилининг

қонунлар ва фуқаролар онгига янада чуқур кириб боришига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Жасурбек АТАНИЯЗОВ,

Жамоат хавфсизлиги университети “Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси доценти, ю.ф.б.ф.д. (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2018. – Б. 73;
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз // Замон билан ҳамнафас диёр. 2016-йил 1-ноябрдаги Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи. – Т., “Ўзбекистон” 2017., 22 б.;
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 1 том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот олий таълим муассасалари учун дарслик (2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган) // – Т., – 2018. – Б.29;
4. Русман А.А. Прекращение уголовного дела в связи с примирением сторон на стадии предварительного расследования // Автореф. дис... канд. юрид. наук – Челябинск., – 2006 – С. 12;
5. Юридик энциклопедия. Ю.ф.д. проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.Т.; 2001.–Б. 154;
6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Иккинчи нашр. // – Т., “Адолат” – 2011. – Б.609;

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИЧКИ ИШОНЧ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят процессида ички ишонч тушунчаси ва мазмун-моҳиятига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Энг муҳими жиноят иши бўйича тўпланадиган далиллар ишончли, тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона бўлиши учун муқаррар равишда далилларни баҳолашда ички ишончни ўрганиш муҳимлигига урғу бериб ўтилган.

Калит сўлари: конституция, жиноят процесси, ички ишонч, холислик, ҳар томонлама, тўла, далилларга баҳо бериш, ҳақиқат, далиллар, билим, ахлоқ, одоб.

Жиноят ишини юритиш ваколатига эга бўлган шахсларда, ички ишончни тўғри, тўлиқ ва ҳар томонлама шаклланмагани туфайли, жиноят ишида хатоларга ва ўзаро қарама-қаршиликларга олиб келиши муқаррардир. Албатта, Конституцияга кўра, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Шу мақсадда, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларни ноқонуний айбловлардан ҳимоя қилиш долзарб масалалардан биридир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида ёлғиз 95-моддасида ички ишонч сўзи фойдаланилган. Яъни, жиноят иши ўз юритувида бўлган мансабдор шахслар жиноят иши ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиққан ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончларига асосланиб далилларга баҳо берадилар. Албатта, ҳар бир тўпланган далил жиноят ишига алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Демак, ички ишонч судьяларнинг, прокурорларнинг, суриштирувчининг ва терговчининг жиноят ишига алоқадор фактик далилларни баҳолашдаги ақлий фаолияти билан боғлиқ.

Қонун чиқарувчи томондан ва процессуал назарияси нуқтаи назардан ички ишонч ягона таърифи белгилаб қўйилмаган, шу сабабли ички ишонч масаласи узоқ вақтдан бери қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Кўпгина файласуфлар ишончни ҳақиқий билимга ўхшатишади. Аристотелнинг фикрича, билимнинг ҳақиқийлигига ишониш ишончининг ўзидир. Кантнинг фикрича, ишонч – бу ҳақиқатни тан олиш мулоҳазасидир. “Фақат ҳақиқий билим ҳақиқий ишончни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, нотўғри билим нотўғри ишончининг шаклланишига олиб келади”.

Ҳақиқий билим объектив воқеликни тўғри акс эттиради. Ишонч ана шу билимлар асосида вужудга келади ва шунинг учун унинг шаклланиш жараёни ва мазмуни объектив хусусият касб этади.

В.Ф.Бохан, англаш жараёнида ўзлаштирилган билимларнинг умумий миқдоридан унинг бир қисмигина ишонч асосини ташкил этишини ҳақли равишда қайд этади. Олинган билимлар мураккаб ҳиссий ва интеллектуал баҳолаш жараёнидан ўтади, бунинг натижасида унинг объектив воқеликка мувофиқлиги аниқланади, яъни ишончлилигини билдиради.

Далилларни баҳолаш усули сифатида ички ишонч - исботлаш субъектининг шахс сифатидаги билишга оид қобилиятларига асосланган фаол, ижодий билишга оид жараёндир. Инсоннинг мазкур қобилиятлари биринчи навбатда ҳислар билан боғлиқ. Ҳиссий акс эттиришнинг учта шакли мавжуд: сезиш, идрок этиш, тасвирлаш. Ҳиссий акс эттиришнинг роли жуда катта: сезги аъзолари бўлмаса, одам одатда на билишга, на фикрлашга қодир; рационал ҳислар бизга берадиган материални таҳлил қилишга асосланади.

Ю.В.Чуфаровскийнинг таъкидлашича, бу элементларнинг барча субъект билан боғлиқ жойларни ва объектга бўлган (ҳодисани, воқеани) муносабатини ифодалайди. Яъни, инсон онгида содир бўладиган физиологик жараёнларга, руҳий ҳолатларга, унинг тарбияси, ҳаётий тажрибаси, билими, ақлий қобилиятлари ва бошқаларга маълум даражада боғлиқдир.

Жиноят процессида ҳақиқатга эришишнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кўплаб мунозаралар мавжуд. Чунки жиноят процессида ҳақиқат ўтмишда содир бўлган фактларга нисбатан



аниқланади. Жиноят процесси учун ҳақиқатни аниқлаш алоҳида хусусият касб этади, негаки ишни кўриб чиқиш натижаларига асосланган ҳақиқат жиноят-процессуал қонунининг мақсадларига (вазифаларига) эришишга бевосита таъсир қилади. Ҳақиқатни аниқлаш, одил судловни асосий шартидир.

Умуман олганда, ҳақиқат - бу бизнинг фикрларимизнинг объектив ҳақиқатга мос келишидир. Жиноят процессуал қонунчиликда ҳақиқатни аниқлаш деган алоҳида принцип мустақамлаб қўйилган (ЖПК 22-модда). Унда айтилишича, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахслар жиноят юз берганлиги, бермаганлигини аниқлашлари, содир этган айбдорни аниқлашлари ва ҳолатга ойдинлик киритишлари шарт ҳисобланади. Жиноят ишини юритиш мобайнида ҳақиқатни аниқлаш учун фақат, процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлар келгусида далил сифатида фойдаланиши мумкинлиги қайд этилган. Албатта, жиноят ишини юритиш мобайнида ҳақиқат нафақат мавжуд бўлиши мумкин, балки ҳар бир жиноят ишида мажбурий тарзда ўрнатилиши керак. Тўғри, жиноят ишини юритиш жараёнида ҳақиқат ва ёлғон муаммоси доимо жиноятга масъул бўлган субъектнинг эътиборини тортади, чунки ёлғон ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашга тўсқинлик қилади. Шунинг учун, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларни ёлғон гувоҳлик бермаслик учун чақирилади.

Таъкидлаш лозимки, суд томонидан иш бўйича мутлоқ ҳақиқат ўрнатиш имконияти йўқ, чунки муайян жиноят иши бўйича маълум даражада исботлаш чегаралари ва предмети билан чекланган. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра, барча қонун ва суд олдида тенгдир. Бироқ, мисол учун, агар жиноят содир этган шахс дипломатик ваколатхона мақомига эга бўлса, қонун олдида тенглик масаласига амал қилинмайди, бундай шахсларни иммунитет ҳуқуқидан фойдаланганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди (ЖПК 4-модда). Шундай қилиб, айрим ҳолатларда, ишда қатнашаётган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш имконияти бўлмайди, яъни жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортишга қонун йўл қўймайди. Шунинг учун, жиноят процессининг мақсади ўтмишда содир бўлган воқеликнинг тасвирини тиклаш ва жиноят процессуал вазифаларни амалга ошириш ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бунда, жиноят процессининг реал натижаси объектив ва процессуал ҳақиқатлар мос келган бўлиши керак. Бундай ёндашув билан эришилган ҳақиқатни ҳуқуқий ҳақиқат деб аташ мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ички ишончнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги масала жи-



ноят процессида аниқланган ҳақиқатнинг моҳияти билан боғлиқ. Ички ишончни шакллантириш учун тахминлар билан кифояланиб бўлмайди. Ишончли бўлиши учун ички ишонч иш материалларидан қатъий, бир маъноли хулоса бўлиши керак, ҳеч қандай шубҳага йўл қўйилмайди. Агар айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Албатта, бирон-бир иш бўйича ҳукм чиқаришда судьянинг ахлоқи, виждони ҳақида ҳам гапиришимиз керак. Жиноят процессида ҳақиқат энг олий ахлоқий қадриятлардан бири сифатида қаралади. М.С. Строгович, жуда муҳим ғояни илгари сурган “жиноят процессида ҳақиқат муаммоси нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муаммодир”. Ахлоқий қадриятлар бутун жамият манфаатларига мос, ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва таъминлашга қаратилиши керак. Демак, ҳақиқат, барча суд жараёнларининг мазмуни ва ижтимоий мақсадини белгилайди. Шунингдек, ҳақиқат тамойилдан воз кечиш адолатдан воз кечиш билан баробардир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ички ишонч кенг тушунча бўлиб, у ёки бу категорияда ўзига хос таърифга эга. Шундай бўлса-да ишончни қуйидаги хусусиятларга ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) субъект билан боғлиқлиги; 2) ишонч билимга асосланиши; 3) ишонч ҳақиқатга мос бўлиши; 4) ишонч маълум бир қонуниятларга мос ва асосланган бўлиши; 5) ички ишонч инсон онгида шаклланиши; 6) ишонч амалий тажрибалар асосида шаклланиши; 7) ишонч адолат ва бурч ҳақидаги ўз ғояларига асосланиши; 8) ишонч ҳосил қилиш учун маълум бир ҳодиса ёки маълумот бўлиши лозим; 9) ички ишонч ахлоқий қадриятларга мос бўлиши лозим.

Ёдгор БОЗОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Аввало бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, масалан Россия Федерациясининг “Илм-фан ва давлат илмий-техник сиёсати тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, илмий ходим – бу зарур малакага эга бўлган ва илмий ёки илмий-техник фаолият билан профессионал равишда шуғулланувчи фуқаро. Беларусь Республикасининг “Илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунда ҳам худди шунга ўхшаш тушунча мавжуд бўлиб, фақат “... илмий фаолият меҳнат шартномаси асосида амалга оширилиши ...” белгиланган.

Латвия Республикаси “Илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ илмий ходимлар (Research workers)га олимлар (scientists), катта илмий ходим, илмий ходим (a researcher), тадқиқот техник ходимлар (research technical staff) ва тадқиқотда иштирок этувчи ходимлар (research attending staff) белгиланган. Корея қонунчилиги бу тушуначага кенгроқ таъриф берган бўлиб, Латвия қонунчилигида келтириб ўтилганлардан ташқари, тадқиқот иши билан шуғулланувчи олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари мактаб типидagi умрбод таълим муассасаларидаги ўқитувчилари ҳам киритилган.

М.А. Бочарникова таъкидлаганидек: “Тадқиқотчилар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу илмий-тадқиқот ташкилотига ишга киришда уларга нисбатан қўлланиладиган талабларнинг ортишидан иборат”. Аммо биз бу фикрга тўлиқ қўшилмаймиз, чунки тадқиқотчининг ҳуқуқий мақоми қонунда аниқ белгилаш орқали унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, меҳнат муносабатларининг аниқ чегараларини белгилаш имкони мавжуд бўлади.

Ўқорида ўрганилган манбалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунга илмий ходим (тадқиқотчи) тушунчасига таъриф киритиш ва унинг таркибига кирувчи тоифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Таъриф: “Илмий ходим (тадқиқотчи) – зарур малакага эга бўлган ҳамда илмий ва (ёки) илмий-техникавий фаолият билан профессионал равишда шуғулланувчи шахс. Илмий ходимларнинг лавозимлари давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасаларида, таълим фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда, шунингдек илмий ва (ёки) илмий-техникавий фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотларда назарда тутилади”.

Яна бир ҳужжатда, ушбу ҳолатга бошқача ёндашув мавжуд. “Илмий ва илмий-техникавий фаолият тўғрисида”ги модел қонун (МДХ Ҳукуматлараро органи томонидан 2008 йил 25 ноябрда қабул қилинган, 31-15-сон қарори) “илмий ходим” ва “олим” тушунчаларини ажратиб кўрсатади, бунда илмий ходим деганда асосий иш жойида ва меҳнат шартномасига мувофиқ илмий, илмий-техникавий ёки илмий-педагогик фаолият билан профессионал равишда шуғулланувчи, аттестация натижалари билан тасдиқланган тегишли малакага эга бўлган олим тушунилади. Олим – илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган, илмий ҳамжамият томонидан тан олинган илмий тадқиқотлар ва маълум бир билим соҳасидаги илмий-техникавий натижаларни ўрганиш, илмий тадқиқот ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш мақсадида касбий илмий ёки илмий-техникавий фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахс (давлат фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс). Модел қонуннинг мақсади фанни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган олимларнинг илмий, илмий-техникавий, илмий-педагогик ва инновацион

фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат.

Бизнинг фикримизча, олим илмий фаолиятни амалга ошираётганда илмий жамоатчилик томонидан тан олинган тадқиқот натижаларини олган, янгиликка эга бўлган ва маълум бир соҳада муҳим илмий ва (ёки) амалий аҳамиятга эга бўлган илм-фанга катта ҳисса қўшган шахс (мамлакат фуқароси, чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган шахс) сифатида тан олиниши мумкин. Яъни, инсон илмий фаолият субъектлари билан меҳнат ёки фуқаролик муносабатлари мавжудлигидан қатъи назар, “олим” сифатида тан олинади. Олим ҳозирги пайтда илмий фаолият билан шуғуллангани ёки ўтмишда амалга оширганми, қатъи назар, у олим мақомини йўқотмайди, чунки инсонни олим сифатида тан олишнинг ўзига хос хусусияти унинг илмий ҳамжамиятларда тан олинган илмий натижаларидир.

Дарҳақиқат, давлатнинг вазифаси илм-фан билан шуғулланувчи шахсларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур ижтимоий ва моддий шароитларни яратишдан иборат.

Умуман олганда, илмий ходимларнинг ҳуқуқий мақоми бир хил эмас, бу бевосита илмий ходим ишлаётган ташкилотнинг ҳуқуқий ва мулкчилик шаклига боғлиқ. Ва у муайян шахс (ходим) учун хулқ-атвор қоидалари ва ҳаракатлар ҳуқуқий майдонни ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Олимларнинг ҳуқуқий мақоми бир неча ўн йиллар ва баъзан асрлар давомида шаклланган хулқ-атвор қоидалари, иш одатлари ва иқтисодий шароитлари мавжуд бўлган кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда худди шундай тарзда белгиланади. Улар қонуний механизмлар ёки вақт ўтиши билан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган анъаналар орқали ўрнатилади

ва сақланади. Шундай давлатлар борки, аҳолининг иқтисодий ва маданий даражаси уларга махсус қоидалар ва махсус қонунларсиз зарурий хулқ-атворга риоя қилишга имкон беради – бошқарув тузилмалари ва мамлакатда олимларнинг ижодий меҳнати ва унинг жамиятга фойдасини қадрлайдиган аҳолисининг ўзаро муносабатларининг ўзи етарли (Германия, Франция). Ушбу модел асосан кичик давлатлар учун одатий ҳисобланади.

Рус олими Д.А. Бочарников илмий ходимларнинг қуйидаги мустақил тоифаларини белгилайди, уларнинг ҳар бири меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, иш вақти ҳамда дам олиш вақти ва иш ҳақи хусусиятларига эга:

- 1) Россия Фанлар Академиясининг илмий ходимлари;
- 2) олий ўқув юртларининг илмий ходимлари;
- 3) давлат илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари;
- 4) тижорат ва нотижорат юридик шахсларнинг илмий ходимлари;
- 5) Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат муносабатларига кирган хорижий илмий ходимлар.

М.А. Бочарникова эса бу борада соддароқ ёндашувни таклиф этади: а) илмий ташкилотлар тадқиқотчилари; б) олий таълимнинг ўқув дастурлари ва қўшимча касбий дастурларни амалга ошириш учун таълим фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларнинг тадқиқотчилари; в) илмий ёки илмий-техник фаолият билан шуғулланадиган бошқа ташкилотларнинг тадқиқотчилари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, умуман олганда қонунларда илмий ходимлар тоифаларга бўлинмаган. Аммо, қонуности ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида қуйидагича хулосаларга келдик: биринчидан, Ўзбекистонда аксарият илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва идоралар қошидаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, вазирлик ва давлат идоралари қошидаги илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари илмий ходимлардир. Иккинчидан, аксарият илмий фаолият билан шуғулланувчи шахслар олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, яъни илмий-педагогик ходимлар ҳисобланади.

Сўнги ўн йилликларда таълим ва фаннинг бирлашиши аниқ тенденцияга айланди. Университетлар тадқиқот марказларига айланмоқда ва “илмий-тадқиқот институти” мақомига эга университетлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, СамДУга “илмий-тадқиқот университети” мақомини бериш концепцияси қабул қилинди. Аммо бундай мақомни берилишидан қатъи назар, бугунги кунда “тирик илм-фан” асосан олий таълим муассасаларида ривожланаётгани аниқ. Ўқитувчи жуда яхши педагог бўлиши мумкин, методист бўлиши мумкин, аммо тадқиқотчи эмас, албатта агар у профессор бўлмаса. Ва бу, албатта, кўпчилик учун ўзининг илмий гипотезаларини ишлаб чиқиш, уни тарғиб қилиш, ўз илмий позициясини ҳимоя қилиш ва шогирдларни тайёрлашга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди. Асосий масала уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдадир.

Мавзу доирасида ўтказилган таҳлилларга асосан шунини кўришимиз мумкин-ки, олий таълим муассасаларида илмий фаолият билан шуғулланувчи педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинса, олий таълим муассасаларида бошқа илмий тадқиқот муассасаларида илмий фаолият юритувчи шахсларга фақат “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун тадбиқ этилади. Яна бир бошқа ҳолат, олий таълим муассасаларида илмий фаолият билан шуғулланувчи профессор-педагогларнинг меҳнат муносабатлари меҳнат шартномаси ва Меҳнат кодексининг 501-моддаси (Педагог ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари) нормалари билан тартибга солинади. Масалан, унга мувофиқ, педагог ходимлар иш вақтининг аниқ давомийлиги ва йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 263-сон қарорига мувофиқ, олий таълим ташкилотларининг профессор ўқитувчиларини йиллик узайтирилган меҳнат таътили 56 кун этиб белгиланган. Аммо, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси (Илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари)га мувофиқ, Давлат илмий ташкилотларида илмий фаолият юритувчи шахсларга қирқ саккиз иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган ҳамда моддий ёрдамни кўзда тутадиган меҳнат таътили берилади. Ушбу ҳужжатлардаги ному-

вофиқлик нимада? Биринчидан, илмий фаолият юритувчи шахслар тоифаси (қонуннинг 13-моддаси) аниқ белгиланмаганлиги боис, ОТМларда илмий фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларни ҳам киритишимиз мумкин. Иккинчидан, “давлат илмий ташкилотлари” тушунчасининг ҳам аниқ таърифи ёки номенклатураси белгиланмаганлиги боис, ушбу норманинг таъбиқ этиш доираси ҳам аниқ эмас.

Бундан ташқари, Олий таълим муассасаларининг профессор-педагогларини меҳнат шартномалари таҳлил этилганда, меҳнат шартномаларида “профессор ўқитувчиларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши, “мақолалар чоп этиши...” мажбурият сифатида белгиланган. Шунингдек, бу масалада ўтказилган сўровномамизда 141 киши иштирок этган бўлиб, 70 фоиз профессор ўқитувчиларнинг 52 фоизи меҳнат шартномасида илмий фаолият билан шуғулланиш мажбурият сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди. Ўз-ўзидан ОТМ профессор ўқитувчиларининг асосий вазифаси юқори малакали кадрларни таёрлашдан иборат бўлиб, илмий фаолият уларнинг конституциявий эркинлиги ҳисобланади. Меҳнат шартномаларида бундай норманинг келтирилиши “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шартлиги белгиланганлиги билан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, бундай норманинг қонунчиликда мавжудлиги профессор-ўқитувчиларнинг конституциявий эркинлигига зид ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида илмий фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолият юритиш тартибини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва Конституцияга мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигида аниқ белгиланиши лозим бўлган яна бир тушунча бу “ёш тадқиқотчи” ёки “ёш олим” тушунчасидир. Чунки бугунги кунда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан уларни инновацион фаолиятга кенгроқ жалб қилиш мақсадида уларга бир қатор имтиёзлар ва давлат кафолатлари берилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, ёш олимларни саралаш ва етакчи хорижий ташкилотларга қисқа муддатли стажировкага юбориш белгиланган. Ёки масалан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини 2024-2025 йилларда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Бўлажак олим” ва “Академик ҳаракатчанлик” дастурлари доирасида ғолибликни қўлга киритган ёш олимларни рағбатлантириш назарда тутилган. Аммо қонунчилигимизда “ёш олим” тушунчасининг аниқ таърифи йўқ, яъни биз юқорида келтирилб ўтган нормалар кимга тааллуқлилиги аниқ белгилаб қўйилмаган.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар” деб таъриф берилган. Қонунда бундан ташқари, “ёш тадбиркор”, “ёш мутахассис” тушунчаларига ҳам таъриф берилган бўлиб “ёш олим” тушунчасига таъриф ушбу Қонунда ҳам учрамайди. Агар ёш олим тушунчасини қонунда белгиланган ёшлар тушунчасига мутаносиб деб топиб, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган илмий фаолият билан шуғулланувчи шахс деб тушунадиган бўлсак, унда биринчи навбатда, ҳали вояга етмаган шахснинг



илмий фаолиятини ҳимоя қилиш масаласи турса, иккинчи томондан, ўттиз ёшга келиб энди магистратура босқичини тугатган, ёки энди илмий фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёшларнинг давлат томонидан берилаётган имкониятлардан фойдаланишига тўсқинлик қилинган бўлади.

Ёш олимларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш учун асосий вазифа “ёш олим” атамасини аниқлашдан иборат. Хорижда “ёш олимлар”ни ёши, фан номзоди (PhD) ёки бошқа илмий даражани олгандан кейин ишлаган йиллари, ушбу ғуруҳ одамлари учун танловлар ўтказувчи ташкилотнинг вазибалари ва иш йўналишлари каби мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Хорижий амалиётда “ёш олим”ни аниқлашнинг етарли мезони ёш чегарасининг белгиланиши ҳисобланади, яъни ёш олим деганда илмий фаолиятда фаол иштирок этаётган шахс, университет, 35 ёшгача бўлган илмий муассаса ёки бошқа илмий ташкилот ходими тушунилади. Аммо шуни таъкидлаш керак-ки, хорижий (Европа ва Америка) амалиётида ёш олимнинг ёш чегарасини 40 ёшгача ошириш тарафдорлари кўпаймоқда.

Бу кўп жиҳатдан чет элда ёш олимлар учун университет дастурлари номзодлик даражасига (PhD) эга бўлган олимларнинг илмий карьерасини қуриш учун мўлжалланганлиги билан асосланади. 35 ёшга келиб, кўплаб олимлар ўзларининг диссертацияларини (PhD) ҳимоя қилишган ва энди академик траекторияни янада ривожлантириш учун режаларни қураётган бўлади. Бундан ташқари, баъзи хорижий ёш олимлар уюшмалари 40 ёшгача бўлган тадқиқотчилар сафига қўшилиш имкониятини таклиф қилмоқдалар (масалан, Юнесконинг Бутунжаҳон ёш олимлар ташкилоти).

Аммо, баъзи мамлакатлар “ёш олим”ни аниқлаш учун ёш чекловларидан воз кечишга уринаётгани ҳақидаги асослар ҳам бор. Масалан, Польша Таълим ва фан вазирлигининг веб-сайтида айтилишича, Фан-таълим вазирлигига йўллаган мактубида Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссар Адам Боднар “Фанни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунда “ёш олим” таърифи 35 ёш қилиб белгилаш ёш мезони бўйича камситувчи бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Комиссар Қонунда ёшни кўрсатмасликни, аксинча “Миллий илмий марказ тўғрисида”ги Қонунга ўхшаш мезонни қўллашни таклиф қилади, яъни “илмий фаолиятни бошлаган шахс” таърифи унинг рўйхатдан ўтган ёшига боғлиқ эмас, аксинча докторлик диссертациясини олгандан бери ўтган вақтга

(7 йилгача) боғлиқ. Шундай қилиб, уларнинг таърифига кўра, “ёш олим – бу илмий фаолият билан шуғулланган шахс: докторлик даражасига эга бўлмаган докторант ёки университет ўқитувчиси, ёки 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатдан бери докторлик даражасига эга бўлган шахс”.

Шунингдек, Латвия Республикасининг “Илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни “ёш олим” тушунчасига ёш чекловларини киритмайди. Ва биз ҳам айнан шундай ёндашувни қўллаб қувватлаймиз. Чунки, илмий фаолият билан шуғулланиш, олий таълимдан кейин узвий бўлмаган ҳолатда ҳам бўлиши мумкин, яъни шахс муайян бир даврда, бакалавр ёки магистратура босқичини تامомлагандан кейин амалиёт билан шуғулланиши, ёки бошқа сабабларга кўра илмий фаолият олиб бормаган бўлиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон қонунчилигида “ёш олим” тушунчасига қуйидагича таъриф келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Ёш олим бу, илмий фаолият билан шуғулланувчи магистрлик даражасига эга бўлган, 35 ёшга тўлмаган докторант, мустақил изланувчи ёки олий таълим муассасаси ўқитувчиси, ёки 40 ёшга тўлмаган докторлик даражасига эга олим”.

Тадқиқотчиларнинг ҳуқуқларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу соҳани тартибга солувчи “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”-

ги Қонунга мувофиқ, илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта модда билан тартибга солинади. Қонуннинг 14-моддасига биноан, илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқлари келтирилган.

Илмий ходимлар ҳуқуқий мақомининг марказий элементи – бу илмий тадқиқот эркинлиги бўлиб, у илмий ва илмий-техника тадқиқотларининг йўналишлари ва усулларини мустақил белгилаш, тадқиқот предметини эркин танлаш, давлат ва учинчи шахслар аралашувисиз тадқиқот олиб бориш, таваккал қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Тадқиқотни олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, илм-фан эркинлигини тўлиқ ва самарали амалга ошириш фақат илмий ходимларнинг ҳуқуқий мақомига кирувчи ва халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конкретлашуви бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш орқали мумкиндир.

Тадқиқотчиларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари орасида шахсий дахлсизлик ва қадр-қимматига бўлган ҳурмат ҳуқуқини; уюшмалар ва бирлашмаларга оид эркинлик ҳуқуқи, шу жумладан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларини тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи; симпозиумлар ва коллоквиумлар шаклидаги тинч йиғилишларга оид ҳуқуқлар, уларда иштирок этиш ўз навбатида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасини 1-бандида назарда тутилган фикр эркинлиги ва сўз эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишни алоҳида таъкидлаш керак. Ахборот жамиятидаги илм-фаннинг ривожланиши шароитида тадқиқотчиларнинг ахборотга бўлган, уни излашга, олишга ва тарқатишга бўлган ҳуқуқи янада муҳим ўрин касб этмоқда. Бу нафақат маълумотлар базалари ва илмий ишларга кириш ҳуқуқини, балки интеллектуал фаолият натижаларини чегаралардан қатъи назар, очик матбуотда эълон қилишни ҳам ўз ичига олади, агар бу натижаларда, албатта, давлат, расмий ёки тижорат сирлари билан боғлиқ маълумотлар бўлмаса. Академик мобилликни рағбатлантирадиган глобаллашув шароитида ўз мамлакатини тарқ этиш ва унга қайтиш эркинлигининг роли ортиб бормоқда, тадқиқотчилар билан нафақат ўз мамлакатида, балки халқаро миқёсда ҳам ҳамкорлик қилиш ҳуқуқи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бундан ташқари, илмий тадқиқотчиларнинг ҳуқуқий мақомидан муҳим ўринни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, хусусан, меҳнат ҳуқуқлари, тадбиркорлик фаолиятидаги эркинлик ҳуқуқи, турли манбалардан молиялаштириш ҳуқуқи ва муносиб ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, шунингдек ижодий ҳиссага мос келадиган имтиёзлар ва муқофотлар олиш ҳуқуқи эгаллайди.

Илмий ходимларнинг ҳуқуқий мақомининг халқаро ҳуқуқий стандартининг шартсиз элементи уларнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган шахсий номулкий ва мутлақ ҳуқуқларини ўз ичига олади. Бу борада нафақат тегишли халқаро шартномаларда мустақамланган интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари ва тамойиллари муҳим аҳамиятга эга, балки илмий-техникавий ҳамкорлиги тўғрисидаги кўплаб халқаро икки томонлама шартномаларда мавжуд бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқларини тақсимлаш тўғрисидаги қоидалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар илмий ходимларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу илмий малакага эга бўлиш ва уни ошириш ҳуқуқини ва тадқиқот эркинлиги, таълим бериш эркинлиги ва институционал автономия ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни назарда тутувчи академик эркинликни ўз ичига олиши керак.

Лайло АСЛОНОВА,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ХОЛИСЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Жиноят ишларини юретиш иштирокчиларидан бири бўлган холис – жиноят ишини юретишга кўмаклашувчи шахс ҳисобланади. У жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун жалб қилинадиган ҳамда процесснинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, шунингдек, бирор касбий вазифани бажармайдиган процесс иштирокчисидир.

Холисининг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кўплаб юридик адабиётларда унинг жиноят судлов ишларининг самардорлигини оширишга кўмаклашувчи ёрдам берувчи иштирокчилар тоифасига киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Қайд этиш керакки, холисларнинг иштироки терговчи, суруштирувчи, тезкор қидирув ходимлари томонидан воқеликнинг қалбакилаштирилиши хавфи бўлган ҳар қандай ҳолатларни қамраб олиши керак. Шунинг учун манфаатдор бўлмаган шахс тергов ҳаракатларининг холислиги ва қонунийлигининг кафили бўлиши учун қақиртирилади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи учраган тасодифий одамлар давлат, жамият томонидан ваколат берилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳаракатларини холисона кузатади.

Холислар иштирокининг зарурияти холисликни таъминлашдан иборатдир. Улар иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларнинг белгиланиши бевосита қонун бузилиши хавфининг мавжудлиги билан характерланади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 73-моддасига кўра, холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганлигини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда қақиртирилади.

Тергов ҳаракатларини юретишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар воёга етган фуқаро қақиртирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради”.

Модданинг мазмунидан фуқаро суриштирув ва дастлабки терговда бирон-бир тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этишга таклиф этилиши билан унинг холисга айланишини билиб олиш мумкин. Унинг иштирокини таъминлаш учун ёки унга иштирок этишга рухсат бериш учун алоҳида процессуал қарор расмийлаштирилмайди. Тергов ҳаракати бошланмасдан олдин холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши керак. Бундан шуни тушуниш мумкинки, ҳали шахс холис мақомига эга бўлмасдан ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга муайян вазифаларни юклаш мумкин эмас.

Айтиш мумкинки, холисларнинг иштироки билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, холис тариқасида иштирок этадиган шахс гарчанд беғараз бўлсада, манфаатдор шахс бўлмаганлиги боис эринчоқлик ёки ўқувсизлик натижасида процессуал тартибга кўп ҳолларда риоя этмайди. Бундан ташқари, холис сифатида иштирок этиш учун фуқароларни мажбурий тарзда жалб қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам амалиётда холислар топиш ва уларни тергов ҳаракатларига кириб келишини таъминлаш ниҳоятда муаммо ҳисобланади. Қолаверса, кўққисдан ўтказилаётган тергов ҳаракатлари учун холисларнинг топилиши жуда қийин. Мисол учун кечки пайтларда ёки одамлар истиқомат қиладиган жойлардан олисда тергов ҳаракати ўтказилганда буни яққол кўриш мумкин. Агар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг далилларни сохталаштириш нияти бўлса, буни холислар пайқамасликлари ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда суд муҳокамаси узоқ муддатга, масалан бир неча ой ёки ҳатто йилга чўзилганда, холислар баъзида ҳеч нарсани эслай

олмайдилар. Амалий жиҳатдан муҳим ва қийин бўлган тергов ҳаракатларида мутахассислар, тезкор ходимлар, жабрланувчилар, ҳимоячилар ва бошқа шахслар иштирок этадилар. Шунинг учун холис сифатида таклиф қилинаётган шахсларнинг фикрлаш ва билим даражасига эътибор қилиниши шарт.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни амалга ошираётган орган ёки мансабдор шахсга ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Жумладан, кўпгина ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тунги соат 22:00дан эрталабки соат 06:00га қадар бўлган вақт оралиғида ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этувчи холисларни жалб қилиш имконининг йўқлиги, аксарият ҳолларда эса тезкор ходимлар жамоатчи ёрдамчилари ёки профилактика инспекторларининг ёрдамчиларини холис сифатида жалб қилинмасда, уларнинг маълумотларини баённомага киритиш ҳоллари кузатишмоқда. Бу эса Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг жиддий бузилишига, тергов ҳаракати жараёнида олинган ва расмийлаштирилган далилларнинг номақбул бўлишига, ниҳоят жиноят ишининг тақдири тугатиш ёки оқлов ҳукми чиқарилиши билан яқунланишига олиб келмоқда.

Холислар иштирокининг сифатини такомиллаштириш мақсадида қонунчиликда холисга нисбатан жараёни диққат билан кузатиш мажбуриятини белгилаш даркор. Шу мақсадда холисларнинг мажбуриятларини назарда тутувчи Жиноят-процессуал кодексининг 74-моддаси иккинчи қисмига холисларнинг мажбуриятларидан бири сифатида “суриштирувчи, терговчи, прокурор ва тергов ҳаракатини бажараётган бошқа шахснинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатиш”ни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, холислар иштирокининг туб моҳиятини таъминлаш учун уларнинг рад этилиш масаласини қайта кўриб чиқиш керак. Уларни рад қилиш хусусида илтимоснома берадиган шахслар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Нафақат жиноят процесси иштирокчилари, балки жиноят процесси иштирокчиси бўлмаган, лекин тергов ҳаракатининг иштирокчиси бўлган шахслар ҳам холисларни рад қилиш хусусида илтимоснома бериш ҳуқуқи эга бўлишлари керак.

Шу мақсадда Жиноят-процессуал кодексининг 80-моддасини қуйидаги янги иккинчи қисм билан тўлдирish таклиф этилади: “Холислар иштирок этаётган ҳолатларда, уларни рад қилиш тўғрисида манфаатдор шахслар ёки процессуал ҳаракатда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам арз қилишлари мумкин. Бундай арзлар дарҳол кўриб ҳал қилинади”.

Хасан ТУГАЕВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят процесси. Умумий қисм: Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф. Иноғомжонованин умумий таҳрири остида. Тошкент: ТДҶОИ, 2007. 124-б.
2. <https://lex.uz/docs/111460>
3. Родичева Т.П. К вопросу об участии понятых при проведении следственных действий // Российский следователь. – 2008. – № 8. – С. 10.
4. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. – Т., 2018. – Б. 24.

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИДА ХУСУСИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда хусусий ажримларнинг аҳамияти таҳлил қилиниб, унда миллий ва хорижий қонунчилик тажрибаси таҳлили асосида фуқаролик суд ишларини юритишда ушбу институтни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процессуал кодекси, фуқаролик суд ишларини юритиш, вазифалар, хусусий ажрим, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Фуқаролик ишларида турли хил низолар юзага келишининг олдини олишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда хусусий ажримларнинг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлган хусусий ажримлар ва уларни амалиётга таъбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш ва уни илмий амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Одатда судлар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш жараёнида ўз мулоҳаза ва ҳулосаларини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган тартибда чиқариладиган суд қарорлари шаклида ифода этади.

Юридик адабиётларда кўрасатилишича, фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра, суд қарорлари икки турга: ҳал қилув қарорлари ва ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қароридир. У суд томонидан кўриладиган асосий масалаларга жавоб тариқасида тарафлардан даъво талаблари бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва протестлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, чунончи: юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш юзасидан қабул қилинади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳам мавжудки, улар ажримлар деб айтилади. Ажримлар фуқаролик процессининг юритилиши ёки унинг тўхтатилиши, тугатилиши масалалари бўйича далилларни тўплаш, процессга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш бўйича чиқарилади. Шунингдек, суд ажримларининг яна шундай турлари ҳам мавжудки, улар бошқа ажримлардан ўзининг мақсад ва мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Суд ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ФПКнинг 275-моддасига кўра, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир. Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонунчилик ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.

Хусусий ажрим тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Юридик адабиётларда таъкидланишича, хусусий ажримларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - у қонунчиликнинг бузилиши ва низолар юзага келишининг олдини олиш масалалари юзасидан чиқарилиб, суд органларининг фуқаролик ишларини мазмунан кўриб, ҳал

қилиш давомида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик бўйича процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки, суд органлари фуқаролик ишлари юзасидан одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришга қаратилган ишларни олиб бориш имкониятига ҳам эга бўладилар ва бу имконият ўз навбатида хусусий ажрим чиқариш орқали рўёбга чиқади.

Юридик адабиётларда қонунлар бузилишининг олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар уларни қонун билан тартибга солинишига қараб қуйидаги икки турга ажратилиши кўрсатиб ўтилади: процессуал чоралар ва процессуал бўлмаган чоралар.

Профессор М.Мамасиддиқов қонунлар бузилишининг олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган процессуал чора сифатида хусусий ажримларнинг аҳамияти жуда катта эканлигини эътироф этади. Ушбу фикрга қўшимча қилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, хусусий ажримлар нафақат қонунлар бузилишининг олдини олиш, балки қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда, процессуал бўлмаган чора сифатида судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштириш ўтказиш, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориш (аҳоли ўртасида маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва х.к.) кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Бу эса хусусий ажримлар фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг самарали усулларидан бири эканлигини кўрсатади.

Хусусий ажрим билан боғлиқ нормалар ФПКдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва Иқтисодий процессуал кодекси нормаларида ҳам тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонунчилик ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.

Хусусий ажрим тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, юридик шахсларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.

Хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам фуқаролик ишларини кўриш жараёнида судлар томонидан профилактик чора сифатида хусусий ажрим чиқаришга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 226-моддасида, Беларусь Республикаси ФПКнинг 325-моддаси биринчи қисмида,

Украина Республикаси ФПКнинг 211-моддасида ва Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 270-моддасида кузатилади.

Юқорида баён этилган нормаларни умумлаштириб, шуни айтиш керакки, хусусий ажрим чиқариш учун асос бўлиб судда ишни кўриш жараёнида аниқланган қонун бузилишлари ҳисобланади. Шу ўринда қонун бузилиши деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган талабларни бузишга қаратилган ҳатти-ҳаракатни тушуниш керак. Бу эса ўз навбатида хусусий ажрим чиқаришга бўлган асосларни аниқлаб олиш имконини беради. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас ва бу манфаатдор шахсларнинг, ишда иштирок этувчи, айрим ҳолларда ишда иштирок этмаётган шахсларнинг ҳам манфаатларига дахл қилиши мумкин. Хорижий давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва Олий суди томонидан берилган тушунтиришларда баён этилишича, масалан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг далиллар бўйича ўз процессуал мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги суд томонидан хусусий ажрим чиқариш учун етарли асос бўлиб хизмат қилмайди.

Қолаверса, хусусий ажрим чиқариш учун айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлиги факти исботланиши лозим. Шунингдек, ҳар қандай иш бўйича ҳам хусусий ажрим чиқарилавермайди. Агар низо ҳуқуқ нормаларини тушунмаганлиги оқибатида юзага келган бўлса ёки тегишли шахслар томонидан қонун бузилишининг олди олинган бўлса, у ҳолда суднинг иш бўйича хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ эмас.

Юридик адабиётларда хусусий ажрим тушунчасига берилган таърифларни кўриб чиқадиган бўлсак, деярли билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бир хил эканлигини, улар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Кўплаб олимлар хусусий ажрим суднинг мустақил ҳужжати бўлиб, агар у қонуний кучга киргудек бўлса, хусусий ажрим чиқарилган шахс учун мажбурий бўлиб, ижро этилиши шарт, деган фикрни илгари сурган.

Ўзбекистон Республикасининг ФПК 275-моддаси, ИПКнинг 200-моддаси ва МСИЮТКнинг 174-моддаси мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хусусий ажримлар нафақат давлат органи ёки бошқа органнинг, юридик ёки мансабдор шахснинг, балки фуқаронинг фаолиятида ҳам қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда чиқарилиши мумкин. Бироқ, мамлакатимиз ЖПКнинг 298-моддасига кўра, хусусий ажримлар тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахсларга нисбатан чиқарилиши белгилаб қўйилган. МЖТКнинг 181-моддасида эса суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик учун фақат мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Бу эса ФПК 275-моддаси, ИПКнинг 200-моддаси ва МСИЮТКнинг 174-моддаларидан фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли, деган нормани чиқариш лозимлигини кўрсатади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида суднинг хусусий ажрими фуқароларга нисбатан чиқарилмаслигини, бу турдаги ажримлар нафақат давлат органлари ва унинг мансабдор шахсларига, балки юридик шахсларга ҳам юборилишини кўрсатади (Беларусь Республикаси ФПКнинг 325-моддаси). Судлар хусусий ажримни ташкилотлар, мансабдор шахслар ва бошқарув функциясини бажарувчи бошқа шахсларга нисбатан чиқаради.

Хусусий ажримлар ҳар қандай тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича чиқарилиши мумкин. Судлар нафақат даъво тартиби юритиладиган ишлар-

да, балки алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ҳам хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Ундан ташқари, хусусий ажримлар фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва тафтиш тартибда кўрилишида ҳам чиқарилиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, иш юзасидан чиқарилаётган хусусий ажримлар сонининг ортиши ҳар доим ҳам мавжуд қонунчиликнинг бузилиши ҳолатларига барҳам беравермайди. Бунинг асосий сабабларидан бири хусусий ажрим чиқарилган органларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармасликларида ва қонунчиликда хусусий ажримнинг мазмуни етарли даражада баён қилинмаганидир.

Фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришда хусусий ажримларнинг аҳамияти бекиёс бўлса-да, лекин айрим судлар хусусий ажрим чиқариш амалиётидан етарли даражада фойдаланмаётир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига қараганда, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан олиб борилган профилактик ишларнинг аҳоли қониқарли эмас.

Фикримизча, судлар хусусий ажрим чиқариб, юзага келган қонунбузилишларга ўз вақтида муносабат билдиришларини тўғри йўлга қўйишлари, бу борда масъулиятларини ошириши ҳамда ушбу жараёнда ишда иштирок этувчи шахслар иштирокини кенгайтириш мақсадида ФПКнинг 275-моддаси биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилиши лозим бўлади:

“Ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига биноан хусусий ажрим (қарор) чиқаришга ҳақлидир.

Хулқар МАНСУРОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ. Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, N 46, ст. 4532.
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 г. № 238-З принят Палатой представителей 10 декабря 1998 года Одобрено Советом Республики 18 декабря 1998 года // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.
3. Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года № 1618-IV // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – Ст. 492.
4. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.05.2024 г.) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053&pos=2;-106#pos=2;-106
5. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. - 491 б.
6. Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари //Ж. Ҳаёт ва қонун. № 1. 2004. - 47 б.
7. Михайлянц А.Г. Эффективность частных определений суда в предупреждении прес-туплений. -Ташкент, 1973, с. 5.; Чуйков Ю.Н. Частные определения в гражданском судопроизводстве. -М. “Юрлит”, 1974, с. 22.
8. Нормативное постановление Верховного суда Республики Казахстан от 25 июня 2010 года № 1 “О практике вынесения судами частных определений по гражданским делам” // https://adilet.zan.kz/rus/docs/P10000001S_
9. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. -231 бет.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>
11. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>
12. Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? “Инсон ва қонун” газ. 2003 йил 29 апрель сони.

ЕРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишларининг турлари ўрганилган. Муаллиф ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишларининг таснифи бўйича миллий ва хорижий давлатларнинг қонунчилик нормаларини таҳлил қилган.

Калит сўзлар: *ерга оид низолар, ер низоларининг турлари, таснифи, хорижий тажриба, такомиллаштириш.*

Ер ҳуқуқи назариясида “ер низоси” атамаси кенг қўлланилса-да, бироқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Ер кодексига “ер низо” атамаси қўлланилмаган. Аксинча, Ер кодексига “ер участкасига бўлган ҳуқуқ”қа доир низолар билан боғлиқ нормалар кўпчиликни ташкил қилади.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 28-сонли қарорига ҳам ер низоларига тушунча берилмаган ва ер низоларининг таснифи тўлиқ келтирилмаган. Мазкур қарорнинг 8-бандида ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қуйидаги низолар тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судлар томонидан кўрилиши белгиланди:

ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта соғитиб олиш билан боғлиқ низолар бўйича компенсация ундириш;

сервитутни белгилаш ёки бекор қилиш, сервитут юзасидан ҳақ ундириш;

бир нечта шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, биргаликда эгаллик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш, уни бўлиш;

ер участкасига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ бузилишларни бартараф этиш;

ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, ер участкасидан мажбурий тартибда чиқариш;

ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва фойдаланиш учун ярқоли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш;

Ер кодексининг 36-моддасида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тугатиш;

Ер кодексининг 86, 87-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни ундириш;

ер участкаларининг ижара шартномаси билан боғлиқ низолар ва бошқалар.

Шунингдек, Қарорда ерга оид оммавий-ҳуқуқий низолар ва ерга оид фуқаролик-ҳуқуқий низолар бўйича алоҳида тушунтиришлар берилди. Ўз навбатида бу тушунтиришлардан оммавий-ҳуқуқий низолар ва ерга оид фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг турлари ҳақида аниқ тушунчага келиш жуда қийин. Шу ўринда ерга оид оммавий-ҳуқуқий низолар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига белгиланган тартиб асосида ҳал этилса-да, бироқ юқоридаги Пленум қарори айнан қайси ҳолларда ерга оид низолар оммавий-ҳуқуқий, қайси ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий бўлишини аниқ кўрсатмаганлиги суд амалиётида мазкур Пленум қарорини қўллашда муайян тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Шу ўринда, соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аксарият (86%) респондентлар Олий суд Пленуми қарорига ер низо-

ларининг қайси бири фуқаролик-ҳуқуқий тартибда, қайси бири иқтисодий ёки оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши ҳамда ер низоларининг таснифлашда судлар эътибор беришлари лозим бўлган мезонлар ҳақида тушунтиришлар берилиши таклифини қўллаб-қувватлаганлар.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ерга оид низоларни таснифлаш ишларининг тааллуқлилигини белгилаш билан бевосита боғлиқ ва ушбу низоларда иштирок этаётган шахслар таркибига қараб уларни қайси судга (фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судга) тегишли эканлиги келиб чиқади ва шундан келиб чиқиб ер низоларини турларга ажратиш лозим. Қолаверса, мамлакатимизда Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш кодексининг қабул қилиниши муносабати билан ҳозирги кунда ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар нафақат фуқаролик ишлари бўйича судларга, балки иқтисодий ва маъмурий судларга ҳам тааллуқли бўлмоқда. Шундай экан, назаримизда “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорда Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси даъво иш юритиш тартибда кўриладиган ер низоларининг аниқ рўйхатини бериш ва уларнинг қайси бири фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ва қайси бири иқтисодий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши ҳақида тушунтиришлар берилиши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ер низоларини таснифлаш қуйидаги турли мезонларга кўра амалга оширилиши кўпроқ учрайди: предмети, субъектив таркиби, ҳал қилиш тартиби ва бошқалар.

Бундан ташқари, бундай низолар ердан фойдаланувчиларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ер муносабатлари пайдо бўлишининг ҳар қандай босқичида, яъни ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ёки тугатилиши босқичларида, шунингдек кўриб чиқилаётган соҳада давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши муносабати билан ҳам рўй бериши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ерга оид бўлган ҳар бир низонинг тури ўзига хос моддий ва ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, ушбу хусусиятлар ўз навбатида ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини назарда тутувчи процессуал хусусиятларни белгилайди. Ерга оид низоли ишларнинг процессуал хусусиятлари эса ер низоларининг суд ва маъмурий органлар ўртасидаги тааллуқлилиги, судловга тегишлилиги, ишда иштирок этувчи шахслар таркиби, иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни исботлаш, иш бўйича махсус билимлардан фойдаланиш тартиби ва бошқа шу каби масалаларни ўзида қамраб олади.

Бироқ, Б.В.Ерофеевнинг “ер низоси” ва “ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бўйича низо” атамаларини бир хил эканлиги тўғрисидаги фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Зеро, бизнинг назаримизда ер участкаларига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низолар ҳар доим ҳам ер муноса-

батларидан келиб чиқадиган мулкый низоларни ўзига тўлиқ қамраб ололмайди. Бу эса "ер низоси" ва "ер участкасига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низо" тушунчалари айнан бир хил маънога эга эмаслигини кўрсатади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низолар ер низосининг бир тури сифатида қаралиши керак. Бизнинг фикримизча, ер низоларини қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

низоларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар (фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар);

низода иштирок этаётган шахслар;

низонинг юзага келиши.

Ер низоларини ушбу низоларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органлар нуқтаи назаридан турларга ажратиш борасида айрим олимларнинг фикрича, ушбу субъектлар рўйхатида ҳакамлик судларини ҳам киритишни таклиф қилишди.

Бундан ташқари, айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида ерга оид айрим низолар бўйича судга қадар мажбурий равишда келишув тартиб-таомилларини қўллаш назарда тутилган. Масалан, 2002 йил 24 июлдаги Россия Федерациясининг "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг муомаласи тўғрисида"ги Федерал қонунининг 13-моддасида ер улуши ҳисобига ажратилган ер участкасининг жойлашуви ва қолган қисмига компенсация миқдори тўғрисидаги низоларга нисбатан судга қадар мажбурий равишда келишув тартиб-таомилларини қўллаш назарда тутилган.

Шу ўринда тикидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуни 9-моддасида ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар белгиланган бўлиб, унинг иккинчи қисмига кўра, ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ерга оид низолар ҳакамлик судида кўрилиши борасида нормалар назарда тутилмаган. Шу ўринда, хорижий давлатлар Ер кодексини таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси Ер кодексининг "Ер низоларини кўриб чиқиш" деб номланган 64-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд ишни қабул қилгунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкин. Бу эса ер низолари суддан ташқари ҳакамлик судларида кўрилиши мумкинлигини аниқлатади. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз Ер кодексининг 89-моддасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади, деган норманинг қатъий белгиланиши, ушбу тоифадаги низоларни ҳакамлик судлари томонидан кўрилишини истисно этмоқда.

Шу ўринда Россия Федерацияси Ер кодексининг 64-моддаси иккинчи қисмидаги "суд ишни қабул қилгунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкин"лигини назарда тутувчи нормага эътибор қаратмоқчимиз. Кўриб турганимиздек, мазкур нормада суд ишни қабул қилгунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкин. Бироқ, ҳозирги кунда ҳакамлик судларининг аҳмиyatини ошириш, низоларни муқобил ёки судгача ҳал қилиш тартиб-таомилларини қўллаб-қувватлаш ва нафақат ишни суд қабул қилгунга қадаргина эмас, балки ишни судда кўриш босқичида, суд ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ҳам бу институт имкониятларидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддасига "суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкин" деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу ўринда, бу борада респондентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг аксарияти (78%) Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддасига суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкинлигини белгилаш таклифини қўллаб-қувватлаган.

Қолаверса, мамлакатимиз ИПКнинг "Низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш" деб номланган 29-моддасида ҳам "Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг ФПКда "Низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш" деб номланган 29-модда мавжуд эмаслигига ҳам эътибор бериш лозим. Бу ўз навбатида мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан ерга оид низоларни ҳам муқобил ҳал қилиш имкониятларини камайитириши мумкин. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4754-сонли қароридан назарда тутилган ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш вазибалари назарда тутилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКга қуйидаги таҳрирдаги янги нормани киритиш таклиф қилинади:

"27¹-модда. Низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкин."

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддасини қуйидаги таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

"Суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар ер низоси тарафлар томонидан ҳал қилиш учун ҳакамлик судига юборилиши мумкин."

Ойбекжон МАРУФОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Земельный кодекс Российской Федерации" от 25.10.2001 N 136-ФЗ (ред. от 14.02.2024, с изм. от 11.06.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.04.2024) // <https://www.consultant.ru>
2. Об обороте земель сельскохозяйственного назначения: Федеральный закон от 24 июля 2002 г. № 101-ФЗ // Рос. газета. 2002. 27 июля.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1072079>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4754-сон қароридан" // <https://lex.uz/docs/4859436>
5. Тоточенко Д.А. Понятие и классификация споров о правах на земельный участок // Научный вестник Омской академии МВД России № 4(59), 2015. – 64 с.

ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахслар жиноят процессида қайси тоифадаги жиноятларнинг жабрланувчиси сифатида иштирок этиши, исботлаш жараёнидаги иштироки, далилларни тўплаш жараёнидаги ҳуқуқларининг ўзига хос хусусияти ҳамда уларнинг жиноят процессидаги позициясининг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, миллий ҳамда хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, хулоса ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: *зўравонлик, буллинг, эксплуатация, исбот қилиш, далилларни тўплаш, айблов позицияси, реабилитация.*

Адолатли ва самарали жиноий судлов тизими жабрланувчилар, шунингдек гумон қилинувчилар ва ҳуқуқбузарларнинг асосий ҳуқуқларини таъминлайдиган тизимдир. Ушбу тизимнинг вазифалари виктимизациянинг олдини олиш, жабрланганларга ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларга раҳм-шафқат билан муносабатда бўлиш ва уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш зарурати билан белгиланади.

Жиноят жабрланганларга жиддий жисмоний, молиявий ва руҳий зарар етказилади. Бундай ҳолларда давлатнинг асосий вазифалари жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш билан юзага келади. Бироқ, шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш дейилганда фақатгина судланувчига адолатли ҳукм чиқаришдан иборат деб тушунилмаслиги керак.

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатдан бир қанча ўзига хос хусусиятларни ўзида намоён этади. Мазкур хусусиятларни аниқлаштиришимизда, аввало, вояга етмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси махсус қисмида белгиланган қайси жиноятларнинг жабрланувчиси ҳисобланишини таҳлил қилишимиз лозим. Чунки, ушбу кодекснинг нормалари шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини умумий тарзда жиноий тажовузулардан ҳимоя қилади.

Халқаро стандартларга мос равишда Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотлар натижасида болаларга нисбатан зўравонлик шакллариининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Шу қаторда янги қабул қилинаётган “Болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик шакллари келтириб ўтилган. Бироқ, шу сингари қонун ҳужжатларида болаларга нисбатан зўравонлик шакллариининг белгиланиши санкциявий хусусиятга эга бўлмасдан, айнан уларни содир этишни тақиқлаш, қонунга биноан таъқиб қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси махсус қисмида белгиланган моддалар жиноятларнинг хавфлилик даражасига қараб тартиблаштирилган. Болаларга нисбатан зўравонлик шакллари эса вояга етмаган жабрланувчига етказилган зарарнинг тавсифи билан боғлиқдир.

С.Ниёзованинг таҳлиliga кўра, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар доираси кенг ва хилма-хиллигидан келиб чиқиб, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни – объекти шахснинг ҳаёти бўлган жиноятлар, объекти шахснинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавfli бўлган жиноятлар, шахснинг озодлигига қарши жиноятлар, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар каби гуруҳларга ажратган.

Юқоридаги таҳлил умумийлик жиҳатидан таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра жиноятларнинг тавсифланиши жиноятнинг субъектив томонидан эътиборга олинган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси махсус қисмида белгиланган жиноятларнинг таркибида болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларнинг бир қанча аломатларини ўзида жамлайди. Шу сабабли, ушбу кодексдаги жиноятларни вояга етмаганларга нисбатан зўравонликларнинг тоифасига ажратишда тергов ҳаракатлари давомида жиноятнинг объектив ҳамда субъектив жиҳатларига қараб аниқлаштирилади. Шунингдек, кодексда жиноятларнинг бир қанчаси эҳтиётсизлик натижасида содир этилишига қараб ҳам алоҳида моддада ажратилган, бироқ, вояга етмаганларга нисбатан зўравонликларда қасд мавжуд бўлганлиги сабабли, Жиноят кодексининг махсус қисмидаги айрим моддалар болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик тоифаларига киритилмайди. Умумий жиҳатдан олиб қараганда, вояга етмаган шахслар эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятларнинг жабрланувчиси ҳам бўлиши мумкин, шу сингари жиноятлар вояга етмаганларни жабрланувчи мақомидан маҳрум этмайди.

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқларининг ўзига хос хусусияти уларнинг процессдаги иштирокчилик ҳуқуқларида ҳам намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 54-моддаси иккинчи қисмига кўра жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этиши белгиланган. Яъни, жиноий процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили иштироки шарт ҳисобланади ҳамда вояга етмаган жабрланувчининг яқка ўзи иштирок эта олмайди ва белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириши мумкин эмас.

Бирок, ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган кодексга кўра вояга етмаган жабрланувчилар жиноят процесси иштирокчиларининг ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар тоифаси ҳисобланиб, жиноят процессининг барча босқичида иштирок этади. Бирок, вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқларидан жиноят процессидаги исботлаш жараёнларида бир қанча фарқларни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 85, 86-моддаларига кўра исбот қилиш – бу ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Умумий ҳолатда жабрланувчилар исбот қилишни амалга оширмайдилар, балки далиллар тўплаш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

М.Гафуровнинг фикрича, далилларни тўплаш тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига белгиланмаган, балки шу ном билан аталувчи моддада (87-модда) далиллар қандай усулларда тўпланиши ҳақида сўз юритилган.

Мазкур фикрни тасдиқлаган ҳолда далилларни тўплаш усулларига тўхталадиган бўлсак, Жиноят процессуал кодексининг 87-моддасида асослангандир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вояга етмаган жабрланувчилар далилларни тўплаш жараёнларидан фақат сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, гувоҳлантириш, экспертиза ва экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш, эксперимент ўтказишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ҳолларда эса суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра жалб қилиниши мумкин. Шунингдек, яна бир хусусиятни инобатга оладиган бўлсак, вояга етмаган жабрланувчиларнинг юқоридаги процедуралардаги иштироки асосан билвосита шаклда, уларнинг қонуний вакилларининг иштироки эса, бевосита шаклда амалга оширилади.

Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, далилларни тўплаш жараёнида ўн олти ёшгача бўлган жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош торгганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бирок суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлиги эслатиб ўтилади.

Вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишнинг умумий давом этиш вақти кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда тўрт соатдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган жабрланувчининг жиноят процессида қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунчи-

ликда ташкилий масалаларга ҳам эътибор қаратилган, масалан, жинсий эркинликка қарши, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хонада қонуний вакил, педагог ёки психолог иштирокида ўтказилиши мумкин.

Сўроқни стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда ўтказиш тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 32- ва 36- бобларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда реабилитацияга оид ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу нормаларда белгиланган қоидалар жабрланувчиларнинг умумий тоифасини қамраб олади.

Юқорида келтириб ўтилган вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда бир қанча аҳамиятлари ҳам мавжуд. Масалан, вояга етмаган жабрланувчилар Жиноят процессуал кодексининг 55-моддасига кўра шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

З.Иноғомжонов ва Г.Тўлаганова жиноят процессининг ҳар бир иштирокчиси жиноят судлов ишларини юриштишда фақат битта функцияни адо этишини, шу қаторда, айблов функциясини жабрланувчи ва прокурор[6] амалга оширишини таъкидлашган. Мазкур фикрга ўз мулоҳазамизни билдирадиган бўлсак, вояга етмаган жабрланувчилар жиноят процессида қонуний вакиллари орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс сифатида айбловни қўллаб қувватлаш ҳуқуқи мавжуд. Фикримизча, юқорида келтирилган норма вояга етмаган жабрланувчининг жиноят процессидаги иштирокининг позициясини намоён этади. Ушбу позиция одил судловда судланувчига нисбатан адолатли жиноий санкциянинг қўлланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари таъминланишининг аҳамияти далилларни баҳолаш жараёнида ҳам ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 95¹-моддаси биринчи қисми 6-кичик бандига мувофиқ жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади. Шунингдек, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашъевий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланиши белгиланган. Бирок, мазкур нормалар умумий ҳолатда барча жабрланувчиларнинг кўрсатувлар бериш ҳуқуқларини назарда тутди.

А. Варламова ва Л. Зашляпиннинг фикрича, вояга етмаган шахсдан кўрсатув олишнинг классик жиноий процессуал шаклини кўриб чиқишда унда ҳуқуқий муносабатларнинг

асоси сўроқ қилинаётган шахснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан ифодалангани, бу ҳолда вояга етмаган шахс тушунчаси ёритилмайди. Вояга етмаган шахснинг кўрсатмаларини олишдаги қонуний тартиб вояга етганларнинг кўрсатмаларини олишнинг стандарт шаклидан фарқ қилиши керак.

Ушбу фикрга мулоҳаза қиладиган бўлсак, вояга етмаган шахслар кўрсатувларининг моҳияти ва айрим ҳолларда шакли вояга етган шахсларнинг кўрсатувларидан фарқланади. Яъни, вояга етмаган шахсларнинг ёш хусусиятига қараб аниқ ва мақбул ҳисобланадиган кўрсатувлар ва тушунтиришлар бериш қобилиятига эга эмас.

Бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарорининг 9-банд “е” кичик бандида жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, тахмин, миш-мишларга асосланган кўрсатувлари, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда, шунингдек ушбу банд “з” кичик бандида вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ кўрсатувлари қонуний вакилининг (Жиноят процессуал кодексининг 549-моддаси), зарур ҳолларда эса, педагог ёки психологнинг иштирокисиз олинган бўлса (Жиноят процессуал кодексининг 554-моддаси) далиллар мақбул деб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчилар иштирок этадиган ҳолларда, уларнинг қонуний вакили орқали иштирокига ва кўрсатувларини тасдиқлаш учун педагог ёки мутахассисни жалб қилишга оид ҳуқуқларини таъминлаш тергов ва суд жараёнларидаги исботлаш ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексини таҳлил қилганимизда вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқларининг юқорида келтириб ўтилган ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳамияти кўп ҳолларда айблов позицияси моҳиятини юзага чиқармоқда.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш масаласида Д.Тураевнинг таъкидлашича, жиноят-процессуал муносабатларда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи қонунлар билан муайян даражада тартибга солинган бўлса-да, жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга оид айрим муаммолар ўз ечимини топмаган. Холбуки, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш қонун билан кафолатланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш (бартараф этиш) вазифаларининг бажарилишига хизмат қилади[8]. Фикримизча, жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари бир қанча хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ушбу хусусиятларни эътиборга олиш лозимдир.

Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда, жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқларининг ўзига хос хусусияти ҳамда аҳамияти ҳақида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин, биринчидан, вояга

етмаган шахслар жиноят процессида ҳар қандай жиноят жабрланувчиси мақомида иштирок этавермайди.

Иккинчидан, вояга етмаган шахслар жиноят процессида бошқа иштирокчилардан фарқли равишда қонуний вакиллари орқали иштирок этишади. Айнан ушбу норманинг амалга оширилмаслиги исботлаш жараёнида далилларнинг мақбул эмаслигига олиб келади.

Учинчидан, жиноят процессида далилларни тўплаш жараёнида вояга етмаган жабрланувчилар барча тергов ҳаракатларида иштирок этишмасдан, балки, уларнинг бевосита иштироки шарт бўлган процедуралар мавжуд. Шунингдек, сўроқ қилиш жараёнида вояга етмаган жабрланувчилардан кўрсатувларни олиниш жараёни ҳамда шакли жиноят қонунчилигида алоҳида норма сифатида белгиланган. Бироқ, юқоридаги таҳлилимизга кўра вояга етмаган жабрланувчиларнинг ёш хусусияти ва кўрсатма бериш қобилиятига қараб алоҳида тартиб қоида мавжуд эмас, яъни кичик ёшдаги болалар ҳамда ўн етти ёшдаги жабрланувчидан кўрсатмалар олиш тартиби қонуний вакилнинг иштирокидан ташқари, умумий тарзда белгиланган.

Тўртинчидан, жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аҳамияти айблов позициясида намоён бўлмоқда, яъни уларнинг жиноят процессидаги иштироки фақат исботлаш жараёнидан иборат бўлмаслиги лозим. Вояга етмаган шахсларнинг ёш хусусияти, жисмоний, руҳий ҳамда ақлий ривожланиши алоҳида ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлганлиги сабабли, уларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларини таъминлаш дейилганда, фақатгина судланувчига адолатли санкция қўлланилиши тушунилмасдан, вояга етмаган жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши ва реабилитация масалаларида алоҳида тартиб қониданинг мавжуд бўлишида намоён бўлади.

ЗОИРОВА Иродабегим Файзи қизи,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Варламова, Л. Зашляпин. “Допустимость показаний несовершеннолетнего свидетеля в уголовном судопроизводстве”. Юридическая наука, №2, 2024. (ЮН). <https://cyberleninka.ru/article/n/dopustimost-pokazaniy-nesovershennoletnego-svidetelya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve/viewer>
2. Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда. <https://parliament.gov.uz/oz/news/bolalarni-zoravonlikdan-himoya-qilishning-huquqiy-asoslari-yanada-mustahkamlanmoqda>
3. Д.Р. Тураева. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. “12.00.09” – мутахассислиги бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Б.13.
4. З.Ф. Иноғомжонова, Г.З. Тўлаганова. жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 163 бет.
5. Мавлон Гафуров, Жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тушунчаси, уларнинг исбот қилиш жараёнида тутган ўрни. ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 4/2022 йил (16-сон).
6. С.Ниёзова, Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. 12.00.08 – мутахассислиги бўйича юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Б.15.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.03.2024 й., 03/24/921/0219-сон). <https://lex.uz/docs/111453#233850>
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон). <https://lex.uz/docs/111460#111495>

ИНСОННИ БИОМЕХАНИК ЖИҲАТДАН ЯХШИЛАШДА ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

протезлар, имплантлар ва экзоскелетлар каби илғор технологиялар орқали инсоннинг биомеханик такомиллашуви ногиронликни енгиш ва инсон салоҳиятини ошириш учун улкан салоҳиятга эга. Бироқ, ижтимоий-иқтисодий аҳволга қараб, ушбу янги пайдо бўлган инновацияларга кириш ва қабул қилиш хавфи мавжуд. Ушбу тадқиқот технологиялардан инсоний имкониятлар даражасида адолатли глобал фойдаланишни кафолатлаш учун қандай ишлаб чиқиш ва бошқариш мумкинлигини таҳлил қилади.

Калит сўзлар: инсон салоҳиятини такомиллаштириш, технология, биоэтика, блокчейн, иштирокчи тадқиқотлар.

Сўнги йилларда ахборот технологиялари ривожланган сари инсоннинг биомеханик жиҳатдан такомиллашуви биомеханик тадқиқотчилар кенг эътибор қаратмоқда. Б.Томсоннинг қарашича, инсоннинг биомеханик такомиллаштирилиши, фанда "инсоннинг кучайиши" деб ҳам аталиб, бу жисмоний ва когнитив қобилиятларни табиий равишда мумкин бўлганидан ташқари ошириш ва яхшилаш учун инсон танаси билан бирлаштирилган технологияларга ишора қилади. Ушбу яхшилашларга протезлар, кийинадиган робот экзоскелетлари, мия-компьютер интерфейслари, мия чиплари, нейротехнологиялар, генетик муҳандислик ва электроникани инсон асаб тизими билан бирлаштирадиган турли имплантациялар киради. Г.Волбринг эса биомеханик инновацион технологиялардан фойдаланиш ногиронларнинг ҳаракатчанлигини тиклаш, туғма касалликларни бартараф этиш ёки куч ва чидамликни ошириш каби кўплаб одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун улкан ҳисса қўшади деб ҳисоблайди. Бироқ, ушбу кучли технологияларни адолатли тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳам жиддий хавотирлар мавжудлиги истисно этилмайди.

Шу ўринда инсон биомеханикаси ҳақида қисқача тўхталиш лозим. Инсон биомеханикаси – бу биология ва физика чорраҳасида жойлашган янги фан соҳаси бўлиб, бунда инсон танасининг қандай ҳаракатланиши ва ишлашини ўрганади. Кундалик ҳаётда инсон танасини бошқариш учун куч, ҳатти-ҳаракатлари, мувозанати каби механизмларини қандай ҳаракат қилишини тушунишга имкон беради. Бу соҳа ҳозирги кунда спорт, тиббиёт, муҳандислик, ҳуқуқ каби кўплаб соҳаларга кириб борди.

Баъзи манбаларда "биомеханика" тушунчаси "био" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, ҳаётни англатади ва "механика" жисмларнинг жисмоний ҳаракатлари, реакциялари ва ўзаро таъсирини билдиради.

Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар инсоннинг биомеханик яхшиланишларига инсон салоҳиятига тенг киришни таъминлаш бир неча сабабларга кўра жуда долзарб ва аҳамиятли эканлигини билдириб ўтади. Жумладан, биринчидан бу технологиялар соғлиқни сақлаш, инсон турмуш даражаси, иқтисодиёт ва жамиятдаги иштироки билан боғлиқ асосий инсон ҳуқуқларига чуқур таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғри бошқарув ва тақсимлаш тизими бўлмаса, инсон салоҳиятига кириш фақат имкони бўлганлар учун чекланиши, бу эса ижтимоий тафовутни кучайтиради деб ҳисоблайди. Иккинчидан, жамиятнинг ривожланиши технологияларининг умумий тарзда адолатли тарқалишини тартибга солади. Назоратсиз, тартибсиз тақсимот жамоаларни беқарорлаштириши ва инсон кадр-қимматига путур етказиши мумкин. Учинчидан, инсон салоҳиятига киришни бошқариш созланиши ва мослаштирилган ечимлар орқали турли эҳтиёжларни қондириш учун кейинги инновацияларни рағбатлантиради. Олим дизайнда барча популяциялар ҳисобга олинса, яхшиланишларнинг ривожланиши гуллаб-яшнайдиган деб ҳисоб-

